

ЎЗБЕК
1997

ЎЗБЕКИСТОН
АДВОКАТЛАР
АССОЦИАЦИЯСИ



АССОЦИАЦИЯ
АДВОКАТОВ
ЎЗБЕКИСТАНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
АДВОКАТУРА ВА АДВОКАТЛИК
ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУНЛАРИ
ВА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ**



**ЗАКОНЫ И НОРМАТИВНЫЕ АКТЫ
ПО АДВОКАТУРЕ И АДВОКАТСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

ЎЗБЕКИСТОН АДВОКАТЛАР АССОЦИАЦИЯСИ
АССОЦИАЦИЯ АДВОКАТОВ УЗБЕКИСТАНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
АДВОКАТУРА ВА АДВОКАТЛИК
ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУНЛАРИ
ВА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ



ЗАКОНЫ И НОРМАТИВНЫЕ АКТЫ
ПО АДВОКАТУРЕ И АДВОКАТСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН

**NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI**
Axborot-resurs markazi

265982
Uz. 10.10.2007
Uz. 10.10.2007

“Адолат” нашриёти

Тошкент – 2007



Ушбу китоб БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларининг потенциалини ривожлантириш» лойиҳасининг кўмаги остида чоп этилган.

Данная книга опубликована при поддержке проекта ПРООН в Узбекистане «Развитие потенциала национальных институтов по правам человека».

Тузувчи:

Б.С.Саломов, юридик фанлари доктори

Маъсул муҳаррирлар:

С.Ж.Пардаев, М.А.Рахимджанова

Тақризчи:

**Ғ.А.Абдумажидов, юридик фанлари доктори,
Ўз Р фан арбоби, профессор**

Составитель:

Б.С.Саломов, доктор юридических наук

Ответственные редакторы:

С.Ж.Пардаев, М.А.Рахимджанова

Рецензент:

**Ғ.А.Абдумажидов, доктор юридических наук,
заслуженный деятель науки РУз, профессор**

ISBN 978-9943-332-12-6

© Тўплам, “Ўзбекистон Республикасининг адвокатура ва адвокатлик фаолиятига оид қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари”, “Адолат” нашриёти, 2006 йил.

КИРИШ

Давлатимиз олдидаги асосий вазифаларидан бири – ҳуқуқий демократик давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бу ўринда адвокатура тизими ва унда фаолият кўрсатувчи адвокатлар марказий ўринларни эгаллайди. Шу боис, мамлакатимизнинг ушбу йўналишидаги сиёсатини адвокатура тизимининг ёрдамсиз тасаввур қилиш қийин, албатта.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, адвокатура тизимига эътибор кучайтирилиб, адвокатура институтининг жамиятдаги мавқеини оширишга йўналтирилган қонунлар, қонуности актлар, идоравий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, адвокатура тизимини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди.

Кейинги йилларда фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда адвокатларнинг роли сезиларли ошди.

Республикада фаолият юритувчи адвокатлар бирлашиб, ўзларининг касбий бирлашмаси саналган Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясини туздилар. Бу эса ўз навбатида адвокатларнинг корпоратив бирлигини таъминлаш, касбий ҳимоясини кучайтириш ва адвокатларнинг малака ошириш имкониятини кенгайтиришга олиб келди.

Адвокатлар учун фойдаланишга тақдим қилинаётган “Адвокатурага оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тўплами”да адвокатура институтига бевосита тааллуқли бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар берилган.

Мазкур тўпланда соҳага оид қонунлар, Конституциявий суднинг қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари, Адлия, Молия вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда қабул қилинган Йўриқнома, Низом ва Қарорлар мавжуд. Шунингдек тўпланда Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг биргаликда қабул қилган Низом ва Қарорлари ҳам жой олган.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистонда адвокатура тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган юридик ёрдам сифатини ошириш ва адвокатларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида ЎАА томонидан қабул қилинган барча корпоратив ҳужжатлар (Устав,

Низом, Қарор, Қоида, Услубий тавсиялар) билан бир қаторда адвокатурага оид халқаро ва минтақалараро ҳужжатлар ҳам тўпламга киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур китобда адвокатура институтига тааллуқли республикамизда қабул қилинган ва амалда бўлган барча ҳуқуқий ва корпоратив ҳужжатлар жойлаштирилган.

Нашр амалиёт билан шуғулланувчи адвокатларга, ассоциация ҳудудий бўлими ва адвокатлик тузилмаларининг раҳбарларига ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган. Адвокатлик фаолияти ва адвокатура соҳаси билан боғлиқ вазифаларни бажарувчи адлия идораларининг ходимлари, шунингдек судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшунослик муассасаларининг талабалари ва ўқитувчилари ҳамда адвокатура соҳасига қизиқувчи барча ўқувчилар тўпламдан фойдаланиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

АДВОКАТУРА ТЎҒРИСИДА*

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда).

1-модда. Адвокатура ва унинг вазифалари

Адвокатура – ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасида адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

3-модда. Адвокат

Олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин.

* 1997 йил 9 январдан кучга кирган.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун шахс малака имтиҳонини топшириши шарт.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорларига асосан берилади.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

4-модда. Адвокатура фаолиятининг принциплари ва ташкилий шакллари

Адвокатура ўз фаолиятини қонуннинг устунлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида амалга оширади.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда фаолият кўрсатишга ёхуд ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар (шериклар) билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақлидир.

Адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари, шунингдек адвокатлар бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда рўйхатга олинади.

Адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларини тузиш, уларнинг тузилиши, штатлари, вазифалари, маблағларни сарфлаш тартиби, раҳбар органларининг ваколатлари, уларни сайлаш тартиби ҳамда адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг фаолиятига доир бошқа масалалар уларнинг уставлари (низомлари) билан тартибга солиб турилади.

Адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини оладилар ҳамда кўрсатилган юридик ёрдам учун фуқаролардан ва юридик шахслардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) ҳисобига фаолият кўрсатадилар.

Адвокатлар қонунда белгиланган тартибда адвокатларнинг жамоат бирлашмаларини тузишлари мумкин.

5-модда. Адвокатлик фаолиятининг турлари

Жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокат:

ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар беради;

ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузади;

фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади;

жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этади;

тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади.

Адвокат қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдам ҳам кўрсатиши мумкин.

6-модда. Адвокатнинг ҳуқуқлари

Адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

тегишли масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлган барча органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг топшириғига мувофиқ уларнинг манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

судларда, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органларда далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;

юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан давлат органларидан, корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан ҳамда жамоат бирлашмаларидан зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертлар хулосаларини, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини миждознинг розилиги билан сўраш ва ёзма тарзда олиш;

унга ваколат берган ёки унинг ҳимоясида бўлган шахсга нисбатан иш юритаётган судга ва бошқа давлат органларига тўпланган материалларни тақдим этиш;

мансабдор шахсларга илтимоснома ва шикоят бериш ҳамда улардан ёзма тарзда далил-исботли жавоб олиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳаракатларни бажариш.

Адвокат ёрдамчига эга бўлиши мумкин.

7-модда. Адвокатнинг вазифалари

Адвокат ўз касбий фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши, унга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш учун қонунда кўзда тутилган воситалар ва усуллардан фойдаланиши шарт.

Адвокат муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки аввал юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларига зид келган ёки у судья, прокурор, терговчи, суриштирув ўтказувчи шахс, жамоат айбловчиси, суд мажлиси котиби, эксперт, мутахассис, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили, гувоҳ, холис, таржимон сифатида иштирок этган, шунингдек ишни дастлабки тергов қилишда ёхуд судда адвокатнинг қариндоши бўлмиш мансабдор шахс иштирок этган ёки иштирок этаётган бўлса, худди шунингдек адвокат бевосита ёки билвосита шу ишдан шахсан манфаатдор бўлган ва бу ҳол унга ўз ишини топширган шахснинг манфаатларига зид келадиган ҳолларда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилишга ҳақли эмас.

Адвокат кимнинг манфаатларини ҳимоя қилиш топшириғини олган бўлса, ўз ваколатларидан шу шахснинг зарарига фойдаланишга ҳамда гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини ҳимоя қилишдан бош тортишга, агар миждознинг ўзи уни бундан озод этмаса, ҳақли эмас.

Жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокат фуқаронинг тўловга қобилиятсизлигини важ қилиб, унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Адвокат давлат хизматида туриши мумкин эмас.

8-модда. Адвокатнинг ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикасининг юридик маълумотга эга бўлган фуқароси адвокат ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлиги бе-кор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахс адвокат ёрдамчиси бўлиши мумкин эмас.

Адвокат ёрдамчиси адвокат ҳуқуқларига эга бўлмайди ҳам-да унинг суриштирув, дастлабки тергов органларида, судларда ва бошқа давлат органларида ишларни олиб боришига йўл қўйилмайди.

Адвокат ёрдамчиси адвокат кўрсатмасига биноан адвокат-нинг юритувидаги ишлар бўйича топшириқларни бажаради, адвокатнинг процессуал ваколатларига тааллуқли ишлар бундан мустасно.

Адвокат ёрдамчисининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжат-ларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

9-модда. Адвокатлик сири

Адвокат адвокатлик сирини сақлаши шарт. Адвокатлик сири жумласига мижоз адвокатдан ёрдам сўраб мурожаат этганли-гининг ўзи, мижоз ёрдам сўраб мурожаат этган масалалар, ад-вокатдан мижоз олган маслаҳатлар, насиҳатлар ва тушунти-ришларнинг моҳияти, адвокатнинг мижоз билан ўтказган суҳ-батиде тўхтаб ўтилган барча масалалар киради.

Адвокат, адвокат ёрдамчиси, адвокатлар бюрolari, ҳайъ-атлари ва фирмалари мансабдор шахслари ва техник ходимла-рининг адвокатлик сири бўлмиш маълумотларни ошкор этиши ва бу маълумотлардан ўз манфаатлари ёки учинчи шахслар манфаатлари йўлида фойдаланиши ман этилади.

10-модда. Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари

Адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади. Адвокатларнинг касбий фаолиятига у ёки бу тарзда аралашиб, улар ўз касбий вазифаларини бажараётганда олган муайян маълумотларни ошкор этишни талаб қилиш, шунингдек адвокатлар бирлашмаларининг мансабдор шахсларидан ва техник ходимларидан худди шундай маълумотларни талаб қилиш тақиқланади. Адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганида унга бирор-бир шаклда таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди.

Адвокат ҳимоячилик ёки вакиллик вазифасини бажараётганда ўзига маълум бўлиб қолган тафсилотлар юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас. Адвокат касбий вазифаларини бажариши муносабати билан қўлга киритган адвокатлик далиллари (ашёлари), ҳужжатлари ундан олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас, шунингдек унинг ўзи юридик ёрдам кўрсатаётган шахслар билан учрашиш ҳуқуқи чекланиши мумкин эмас.

Адвокатнинг иш юзасидан ҳуқуқий нуқтаи назари хусусида суриштирув органи, терговчи, прокурор тақдимнома киритиши, шунингдек суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас.

Адвокат қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан уни жиной, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан қўрқитиш мумкин эмас.

Адвокатга нисбатан жиной иш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қўзғатилиши мумкин.

11-модда. Адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш

Адвокатларнинг меҳнатига кўрсатилган юридик ёрдам учун жисмоний ва юридик шахслардан адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади.

Юридик хизмат учун ҳақ тўлаш адвокат билан мижоз ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Шахс тўловга қобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан озод этилганда, жинойи ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

12-модда. Адвокатнинг ижтимоий ҳуқуқлари

Адвокат давлат ижтимоий суғуртаси бўйича барча нафақа турларини олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда тўланади.

Адвокатга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар белгилаш ва тўлаш унинг давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари маблағлари адвокатларнинг ижтимоий эҳтиёжларига ишлатиладиган фондлар тузишга ҳақлидирлар.

13-модда. Малака комиссиялари

Зарур билимга ва касб малакаларига эга бўлган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузурида малака комиссиялари тузилади.

Малака комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларини тенг миқдорда киритган ҳолда тузилади.

Малака комиссияларининг қарорлари устидан келтирилган шикоятларни қараб чиқиш, малака комиссиялари иш тажрибасини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Олий малака комиссияси тузилади. Олий малака комиссиясининг таркиби Ўзбекис-

тон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси томонидан адлия органлари ходимлари ҳамда адвокатларни тенг миқдорда киритган ҳолда тасдиқланади.

Малака комиссияларининг ваколатлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси билан ҳамкорликда белгилаб қўйилади.

14-модда. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва лицензияни бекор қилиш

Лицензиянинг амал қилиши лицензияни берган органнинг қарорига биноан қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахс жиноий жавобгарликка тортилганда, у айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилганидан бошлаб суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд оқловчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар;

адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахснинг қонун ҳужжатлари талабларини бузганлиги аниқланганда;

лицензияловчи органнинг лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлари адвокат томонидан бажарилмаганда;

адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахснинг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарганда, лицензияни қайта расмийлаштириш муддатига.

Лицензияловчи орган адвокат томонидан лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиш учун муддат белгилаши шарт. Кўрсатилган муддат олти ойдан ошиши мумкин эмас, адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахс жиноий жавобгарликка тортилган ҳоллар бундан мустасно.

Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни адвокат бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб турган лицензияловчи орган кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани

олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Лицензияни бекор қилиш лицензияни берган орган томонидан қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахснинг ари-засига биноан;

агар адвокат унга лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома юборилган (топширилган) пайдан эътиборан уч ой ичида лицензияловчи органга лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган бўлса;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Лицензия суднинг қарорига биноан ҳам бекор қилиниши мумкин.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор у берилган санадан эътиборан амал қилади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг бекор қилиниши адвокатнинг ўз касбий фаолиятини бажаришдаги ҳаракатларини ноқонуний деб топишга сабаб бўлмайди.

15-модда. Адвокатнинг интизомий жавобгарлиги

Ушбу Қонун талабларини ва адвокатлик фаолиятини тартибга солиб турувчи бошқа қонун ҳужжатларини бузганлик учун адвокатга нисбатан қуйидаги интизомий чоралар қўлланилиши мумкин:

огоҳлантириш (малака комиссиясининг қарорига биноан);

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш (лицензия берган орган томонидан малака комиссиясининг қарорига асосан);

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тугатиш (лицензия берган орган томонидан малака комиссиясининг қарорига асосан).

16-модда. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тугатиш

Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади: адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахс лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, лекин агар миждоз талаб қилса аввал қабул қилинган топшириқ бажарилиб бўлгач;

адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахснинг муомала лаёқати белгиланган тартибда чекланганда ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

адвокат лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;

адвокат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг Қонунга хилофлиги аниқланганда;

адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахсга нисбатан суд чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда.

Тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

17-модда. Адвокатура ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколати доирасида:

адвокатлар малакасини ошириш тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини тўплайди ва ўрганади, адвокатларнинг ижобий иш тажрибаларини оммалаштиради, адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларига услубий ёрдам кўрсатади;

адвокатларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ тарздаги таъқиблар, асоссиз чеклашлар ва тажовузлардан адвокатларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради;

адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари, фирмалари ва Олий ма-
лака комиссияси фаолиятига ёрдам беради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**Тошкент ш.,
1996 йил 27 декабрь,
№ 349 – I.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида*

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон 12-модда).

1-модда. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи

Адвокатлик фаолияти билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, шуғулланишга ҳақлидир.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия берилади.

2-модда. Адвокатлик фаолиятининг асосий принциплари

Адвокатлик фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

адвокатнинг мустақиллиги;

касб этикасига, адвокатлик сири ва қасамёдига қатъий риоя этиш;

қонун ҳужжатларида ман қилинмаган усуллар ва воситаларни қўллаш.

3-модда. Адвокат қасамёди

Адвокат тегишли малака комиссиясининг мажлисида қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

“Ўз касбий бурчимни ҳалол ва виждонан бажаришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамиша ҳимоя қилишга, адвокатлик сирини сақлашга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан”.

* 1997 йил 19 январдан кучга кирган.

4-модда. Адвокатнинг ваколатлари

Адвокат Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, шунингдек, агар олинган топшириқни бажариш зарурияти тақозо этса ва тегишли давлатларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, республика ташқарисида ҳам адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади.

Адвокат, тараф сифатида, суд ишларини юритишнинг ҳамма босқичида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга.

Адвокат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонунда белгиланган тартибда ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олиш;

ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушланган пайтдан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миқдори ва муддати чекланмаган холи учрашувлар ўтказиш;

ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилгани тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш;


иш материаллари билан танишиш ҳамда ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш;

агар жиноят ишини юритишда, шунингдек фуқаролик, хўжалик ишини ёки маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриш ва ҳал этишда ҳимояни ёки вакилликни амалга ошириш зарурияти тақозо этса, давлат сирлари, тижорат сирини ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш.

Адвокат қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Адвокат:

юрidik ёрдам сўраб мурожаат қилган юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида маслаҳат бериш.



юримдик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг ишига унинг ҳолатини оғирлаштирадиган касбий нуқтаи назар билан ёндашмаслиги;

ваколат берувчининг, ўз ҳимоясидаги шахснинг нуқтаи назарига кўра ноқонуний қарор чиқарилган тақдирда, бу қарор устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиши шарт.

Адвокат қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

5-модда. Адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш

Адвокатнинг мустақиллиги:

унга қонунда белгиланган тартибда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун ижозат бериш, бу фаолиятни тўхтатиб туриш ва тугатиш;

адвокатнинг дахлсизлиги;

адвокатлик сирини ошкор этишни талаб қилишни ман этиш;

адвокат олиб бораётган ишларга аралашганлик ёхуд адвокатнинг дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

давлат томонидан унга адвокатлик фаолияти кафолатлари берилиши ҳамда ижтимоий ҳимояланиши орқали таъминланади.

6-модда. Адвокатнинг дахлсизлиги

Адвокатнинг шахси дахлсиз. Адвокатнинг дахлсизлиги унинг уй-жойига, хизмат хонасига, фойдаланишидаги транспорти ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.

Адвокатга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қўзғатилиши мумкин.

Адвокатнинг уй-жойи ёки хизмат хонасига, шахсий ёки фойдаланишидаги транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш, унинг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, адвокатни кўздан кечириш ва шахсий тинтувдан ўтказиш, худди шунингдек унинг почта-теле-

граф жўнатмаларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш ёки олиб қўйиш, адвокатни мажбурий келтириш, ушлаб туриш ёки қамоққа олиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг санкцияси билан амалга оширилиши мумкин.

Адвокатнинг иш бўйича ҳуқуқий нуқтаи назарига нисбатан суриштирув органи, терговчи, прокурор тақдимнома киритиши, шунингдек суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас.

Адвокатни юридик ва жисмоний шахсларга конунга мувофиқ юридик ёрдам кўрсатганлиги муносабати билан жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки унга шундай жавобгарликка тортиш билан таҳдид қилиш мумкин эмас.

7-модда. Адвокатлик фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги

Адвокат юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганида унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Адвокатдан ва унинг ёрдамчисидан адвокатлик сири предмети ҳисобланган ҳолатлар тўғрисида бирон-бир тушунтириш ёки кўрсатувлар беришни талаб қилиш, шунингдек улар ҳақида тезкор-қидирув фаолиятида, жиноят ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва бошқа ишларни юритишда фойдаланиш учун бирон-бир материал тақдим этишни талаб қилиш ман этилади.

Адвокатлик фаолиятини амалга ошириш чоғида бирон-бир махсус рухсатнома (ордер, ишда иштирок этиш учун адвокатга ижозат берилгани тўғрисида ёзма равишдаги тасдиқ, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдан ташқари) талаб қилиш ёки бошқа тўсиқлар вужудга келтириш ман этилади.

Адвокатнинг муайян ишни ўрганишига тўсқинлик қилиш ёки ваколат берувчининг ёхуд ўз ҳимоясидаги шахснинг қонуний манфаатларига зид келувчи нуқтаи назарни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатиш, шунингдек адвокатга таҳдид қилиш, уни ҳақорат-

лаш, унга нисбатан гуҳмат қилиш, куч ишлатиш ёхуд унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

8-модда. Адвокатлик фаолияти ҳимояланишини таъминлаш

Адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади.

Адвокатнинг ўз ҳимоясидаги шахс билан холи учрашувлар ўтказишини, жиноят ишига доир барча материаллар билан танишиб чиқиши ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олишини рад этиш ман қилинади.

Юридик ёрдам бериш билан боғлиқ ахборотни талаб қилиб олиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, текшириш, ундан нусха кўчириш, бундай ахборотни тўплаш ва ундан фойдаланишга фақат адвокат айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортилган тақдирда, бошқа ҳолларда – жиноят, фуқаролик, хўжалик ишлари, интизомий ишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда эса, фақат юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

Давлат томонидан адвокатга қўйидагилар таъминланади:
касбий вазифаларини бажариш имконияти;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек унинг ташқарисида юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахсларга маслаҳат бериш имконияти;

ўз касбий вазифаларини бажариши туфайли ҳаёти ва соғлиғи учун хавф-хатар юзага келганда зарур даражадаги ҳимоя.

Адвокатнинг касбга оид ҳуқуқларининг давлат органлари ва бошқа органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бузилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

9-модда. Юридик ёрдамни таъминлаш кафолатлари

Ҳар ким ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун юридик ёрдам сўраб ўзи хоҳлаган ҳар қандай адвокатга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ушлаб турилган шахсга, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумга адвокат билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда ундан маслаҳат олиш учун зарур шарт-шароит таъминланиши лозим.

10-модда. Адвокатнинг ижтимоий ҳимояси чоралари

Адвокатнинг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади.

Адвокатларнинг ҳаёти ва соғлиғини адвокатура ўз маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилади.

Суғурта ташкилотлари суғурта суммаларини қуйидаги ҳолларда тўлайди:

адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлиғига бошқача тарзда етказилган шикастланиш оқибатида ўз касбий фаолиятини амалга ошириш вақтида ёки бундай фаолиятни тугатганидан кейин ҳалок бўлганида (вафот этганда), унинг меросхўрларига – адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорида;

адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан бундан кейин адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлганда ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганда – адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдорида;

адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан унинг бундан кейин адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада меҳнат қобилиятини узил-кесил йўқотишга олиб бормайдиган тан жароҳатлари олганда ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганда – адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида.

11-модда. Адвокатуранинг маблағлари

Адвокатура нотижорат ташкилотдир ва фаолиятни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

Адвокатуранинг штатлари, мансаб окладлари ва маъмурий-хўжалик харажатларининг сметалари молия органларида рўйхатдан ўтказилмаслиги лозим. Адвокатуранинг иш ҳақи фонди банклар томонидан назорат қилинмайди.

12-модда. Давлат билан адвокатура ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Давлат ҳар бир фуқаронинг тенг ва эркин юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш учун адвокатура билан ҳамкорлик қилади.

Адвокатура манфаатларига дахлдор масалалар давлат органлари томонидан республика адвокатлар жамоат бирлашмаси иштирокида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Давлат адвокатурани фуқаролар мурожаат этиши учун қулай бўлган жойларда зарур бинолар билан белгиланган тартибда таъминлайди.

Адвокатурага коммунал хизматлар, алоқа хизматлари ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бошқа имтиёзлар берилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**Тошкент ш.,
1998 йил 25 декабрь,
№ 721 – 1.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

“Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига шарҳ бериш тўғрисида*

(“Халқ сўзи” газетаси, 12. 07.2000 й., 133-сон).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлизда “Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига шарҳ бериш тўғрисида”ги масаласи кўриб чиқилди. Масала адвокат Х.Нурмухамедовнинг Конституциявий судга Қонуннинг ушбу нормасига шарҳ беришни сўраб қилган мурожаати муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Конституциявий суднинг учта судьяси кўрсатган ташаббуси билан киритилди.

Адвокат Х.Нурмухамедовнинг мурожаатида қайд этилишича “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига кўрсатилганидек, адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида “юримдик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертлар хулосаларини...мижознинг розилиги билан сўраш ва ёзма тарзда олиш” ҳуқуқига эгадир. Қонуннинг ушбу қондасига мувофиқ Х.Нурмухамедов Х.Сулаймонова номидаги республика илмий-тадқиқот криминалистика марказига экспертнинг ёзма хулосасини сўраб мурожаат қилган. Аммо, Х.Сулаймонова номидаги республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази адвокатнинг бундай ҳуқуқи процессуал кодексларда мустаҳкамланмаганлиги сабабли унинг илтимосини рад этган.

Шундай қилиб, Қонуннинг ушбу нормасига нисбатан бири-бирини инкор этувчи тушунчалар вужудга келган, бу эса ҳуқуқни

* 2000 йил 12 июлдан кучга кирган.

қўлланиш амалиётида хатоликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу нормани бир хил ва тўғри қўлланиш мақсадида унга расмий шарҳ бериш лозим.

Қонун нормаларини таҳлил қилиб ва уларни процессуал кодексларнинг алоҳида нормалари билан таққослаб ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига амал қилган ҳолда Конституциявий суд

Қарор қилади:

1. “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг кўрсатилган нормаси адвокатга юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертлар хулосаларини миждознинг розилиги билан айнан экспертиза муассасаси ёки экспертдан сўраш ва ёзма тарзда олиш ҳуқуқини беради.

Қонун чиқарувчи адвокатнинг ушбу ҳуқуқини белгилаб, экспертиза муассасаларига ва экспертларга адвокатга экспертларнинг ёзма хулосаларни бериш мажбуриятини юклаган.

Шундай қилиб, юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертиза муассасалари ёки экспертлар миждознинг розилиги билан адвокатнинг сўровномасига асосан экспертнинг ёзма хулосасини беришлари шарт.

2. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-ва 27-моддаларига асосан ушбу шарҳ мажбурий ва матбуотда эълон қилинган вақтдан бошлаб кучга киради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

**“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмини ва
“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва
адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг
бешинчи қисмини шарҳлаш ҳақида***

*(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами,
2006 й., 6-7-сон, 40-модда).*

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ўринбосари Б. Мирбобоев, судьялар У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С. Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига амал қилган ҳолда, “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмини ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмини шарҳлаш ҳақидаги ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Масала адвокат А.Р. Лутфуллаевнинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ судьялар У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С. Ҳакимованинг ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд маърузачи судья С. Ҳакимованинг ахборотини, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг раиси Б. Саломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси С. Одилхўжаева, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий

* 2006 йил 18 февралдан кучга кирган.

суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгаши аъзоси М. Гасанов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б. Жамолов ва бошқаларнинг фикрларини эшитиб, иш бўйича мавжуд материалларни ўрганиб чиқиб қуйидагиларни

Аниқлади:

“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмида “Адвокат қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан уни жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан қўрқитиш мумкин эмас” деб кўрсатилган. “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмида ҳам аналогик норма назарда тутилган.

Ушбу нормаларда “бошқа жавобгарликка” сўзларининг қўлланилиши уларни мазмунан қандай тушуниш керак, деган саволга жавоб беришни талаб қилади ва шунинг учун ҳам уларга шарҳ бериш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тегишли нормаларини ва иш бўйича бошқа материалларни таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қуйидагиларга асосланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунича у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади”.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида “Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади” деб кўрсатилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи “Адвокатура тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси

Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмида ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмида баён қилинган нормани белгилаётганда, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва нормаларининг устунлигидан ҳам келиб чиққан деб ҳисоблайди. Жумладан, Жиноятларнинг олдини олиш бўйича БМТнинг саккизинчи конгресси томонидан 1990 йил август ойида қабул қилинган “Адвокатларнинг роли тўғрисидаги асосий қоидалар”да ҳукуматлар этироф этилган касбий вазифалари, стандартлари ва этика нормалари асосида амалга оширилган ҳар қандай ҳаракатлари учун адвокатларни жазолаш ёки жазо қўлланиши билан қўрқитиш ва айблаш, уларга нисбатан маъмурий, иқтисодий санкциялар қўлланиши мумкин эмаслигини таъминлашлари шартлиги назарда тутилган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, адвокат судда, трибуналда ёки бошқа юридик ёки маъмурий органларда ўз бурчини виждонан бажариши ва касбий вазифаларини амалга ошириши муносабати билан ишга тааллуқли ёзма ва оғзаки шаклда қилинган мурожаатлари бўйича таъқибдан жиноят ёки фуқаролик иммунитетига эга бўлиши лозимдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди юқоридаги қоидалардан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи ушбу ҳолатда юридик жавобгарликни назарда тутган, деб ҳисоблайди. Юридик жавобгарликнинг жинсий, фуқаролик, маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарлик турлари борлигини инобатга олиб, Конституциявий суд қонунга мувофиқ, юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан адвокатни юридик жавобгарликда кўрсатиб ўтилган турларининг бирортасига ҳам тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан кўрқитиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Баён қилинганларга асосланиб ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 25, 26, 27-моддаларига амал қилган ҳолда Конституциявий суд

Қарор қилади:

1. “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмига ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмига қуйидаги шарҳ берилсин:

“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмидаги ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмидаги “бошқа жавобгарликка” сўзларини мазмунан фуқаролик, маъмурий ва интизомий жавобгарликка деб тушуниш лозим;

“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг тўртинчи қисмидаги ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмидаги норма адвокатни қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан уни жиноий, фуқаролик, маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан қўрқитиш мумкин эмаслигини назарда тутди.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ушбу қарори “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида эълон қилинсин.

**Адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмаларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон
Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти
билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни
бериш тартиби тўғрисида***

*(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами,
2003 й., 37-38-сон, 280-модда).*

“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда адвокатлик бюрolari, адвокатлик ҳайъатлари, адвокатлик фирмаларини рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш, шунингдек адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беришни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги илова қилинаётган Низом тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмалари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, шунингдек улар қайта рўйхатдан ўтказилганлиги учун қуйидаги миқдорларда давлат божи тўланади:

рўйхатдан ўтказилганлиги учун—энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида;

қайта рўйхатдан ўтказилганлиги учун—рўйхатдан ўтказилганлик учун тўланадиган сумманинг 20 фоизи.

Лицензия берилганлиги учун қуйидаги миқдорларда давлат божи тўланади:

“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун кучга кирган пайтда адвокатлар ҳайъати аъзоси ҳисобланган шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида;

биринчи марта адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳоҳишини билдирган шахслар учун—энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида;

* 1997 йил 13 мартдан кучга кирган.

лицензия дубликати берилганлиги учун-лицензия берилганлиги учун белгиланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи

3. Белгилансинки, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш хоҳишини билдирган фуқаролар малака комиссиялари иши билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш мақсадида малака имтиҳони топширишдан олдин қуйидаги миқдорларда йиғим тўлайдилар:

“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирган пайтда адвокатлар ҳайъати аъзоси ҳисобланган шахслар—энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

биринчи марта адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хоҳишини билдирган шахслар—бир ойлик энг кам ойлик иш ҳақи миқдориди.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири С.Мирсафоев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
1997 йил 13 март,
139-сон.

**Вазирлар Маҳкамасининг
1997 йил 13 мартдаги
139-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмаларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон
Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти
билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи
лицензияларни бериш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

Мазкур Низом билан адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартибга солинади.

1-бўлим

**Адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларини
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби**

1. “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари рўйхатдан ўтказиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари (кейинги ўринларда – адлия органлари деб аталади) томонидан амалга оширилади.

2. Адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган адвокатуранинг ташкилий тузилмалари қуйидагилар ҳисобланади:

- адвокатлар ҳайъати;
- адвокатлик фирмаси;
- адвокатлик бюроси.

3. Адвокатлик ҳайъатлари, фирмалари ва бюрolari давлат рўйхатидан ўтказилиши учун давлат тилида бажарилган қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза;
- адвокатлик бюроси ташкил этиш тўғрисидаги қарор (адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисида).

зия олувчи шахсинг аризаси), адвокатлик фирмаси, ҳайъатнинг таъсис шартномаси ва устави тасдиқланганлиги тўғрисида таъсис мажлиси баёни;

таъсис шартномасининг тасдиқланган нусхалари;

адвокатлик бюроси, фирмаси ёхуд ҳайъатнинг муассислар (шериклар) томонидан тасдиқланган устави икки нусхада (ип ўтказиб боғланган ва тартиб рақами қўйилган ҳолда);

муҳр ва бурчакли штапнинг (мавжуд адвокатлар ҳайъати учун муҳр ва бурчакли штамп отгиски), эмблема ёки герб бўлган тақдирда уларнинг ҳам икки нусхадаги намуна эскизи;

адвокатлик бюроси, ҳайъати ва фирмаси рўйхатдан ўтказилганлиги учун давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлигидан далолат берувчи банк тўлов ҳужжати.

Рўйхатдан ўтказиш адвокатлик бюроси, фирмаси, ҳайъати жойлашган жойдаги тегишли адлия органи томонидан амалга оширилади.

Адвокатлик бюроси рўйхатдан ўтказишда таъсис йиғилиши ва таъсис шартномаси баён талаб қилинмайди.

4. “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киргунга қадар ўз фаолиятини амалга оширувчи адвокат ҳайъати уларнинг уставлари адвокатлар ҳайъати умумий йиғилишлари томонидан тасдиқлангандан, барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин (таъсис йиғилиши ва таъсис шартномаси баёни бундан истиснодир), тегишли адлия органларида ҳисоб олинади.

Адвокатлар ҳайъати маълумотларининг ҳисобга қўйилиши давлат рўйхатидан ўтказишга тенглаштирилади, бунинг тасдиғи сифатида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

Ушбу ҳолда давлат божи белгиланган миқдорда ва тартибда тўланади.

5. Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилса, шунингдек адвокатлик бюроси, ҳайъати ва фирмаси қайта ташкил этилса, у қайта рўйхатдан ўтказилади.

6. Адвокатлик бюроси, ҳайъати ва фирмаси рўйхатдан ўтказилганлиги ва қайта рўйхатдан ўтказилганлиги, шунингдек адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги учун ундириладиган маблағлардан 20 фоизи Адлия муассасаларини ва судларни ривожлантириш жамғармасига, қолгани маҳаллий бюджетга ўтказилади.

7. Адвокатлик бюроси, ҳайъати, фирмасини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда муҳрлар ва штамплар намуна эскизларини, эмблема ва герб бўлган тақдирда уларнинг намунали эскизларини тасдиқлаш зарур ҳужжатлар илова қилган ҳолда ариза олинган пайтдан бошлаб 20 иш кунидан кечикмай амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган тақдирда рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи орган томонидан бир ҳафта муддатда ариза берувчига тақдим этилган ҳужжатларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида тавсия берилади. Тавсия бажарилмаган тақдирда ариза берувчига ёзма хулоса берилади, унда рўйхатдан ўтказиш рад этилишининг сабаби аниқ далилланади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилишининг сабаблари ариза берувчи томонидан асоссиз деб топилганда ёхуд рўйхатдан ўтказиш белгиланган муддатларда амалга оширилмаганда ариза берувчи рўйхатдан ўтказиш рад этилиши тўғрисидаги қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмалари реестри юритилади (1-илова).

Адвокатлик бюролари, фирмалари, ҳайъатларини давлат рўйхатидан ўтказиш реестрларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

9. Рўйхатдан ўтказилган адвокатлик бюроси, адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмасига қуйидаги ҳужжатлар берилади:

тегишли адлия органининг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарори—икки нусхада;

адвокатлик бюроси, фирмаси, ҳайъатнинг рўйхатдан ўтказилган устави—1 нусхада;

рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома (2-илова).

Адвокатлик бюроси, ҳайъати, фирмаси рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

Ҳужжатлар бериш ҳафтада камида икки марта амалга оширилади.

10. Рўйхатдан ўтказилган адвокатлик бюроси, адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмаси банкда ҳисоб-китоб рақами

очилгандан кейин бир ҳафта муддатда ҳокимлик органларида ва ўзлари жойлашган жой бўйича солиқ органларида белгиланган тартибда ҳисобда туришга мажбурдирлар.

11. Адвокатлик бюроси, ҳайъатлари ва фирмаларини ташкил этиш, фаолияти, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, тузилмаси, штатлари, функциялари, маблағларни тақсимлаш тартиби, раҳбар органлар ваколоти, уларни сайлаш тартиби ва адвокатлик бюроси, ҳайъатлари ва фирмалари фаолиятига тегишли бўлган бошқа масалалар уларнинг уставлари билан тартибга солинади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари рўйхатдан ўтказувчи органлар сифатида адвокатлик бюрolari, адвокатлар ҳайъатлари ва адвокатлик фирмалари томонидан ўз таъсис шартномалари ва уставларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Рўйхатдан ўтказиш тартиби бузилган тақдирда, шунингдек таъсис ҳужжатлари талабларига риоя этилмаган тақдирда (уставда назарда тутилмаган фаолият турлари билан шугулланиш) рўйхатдан ўтказувчи орган адвокатлик бюроси, адвокатлар ҳайъатлари ва адвокатлик фирмасидан хўжалик суди орқали энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорда жарима ундиришга ҳақлидир.

Жарима маҳаллий бюджет даромадига ўтказилади. Адлия органлари бундай даъво билан хўжалик судига мурожаат қилганлари тақдирда давлат божи тўлашдан озод этилади.

Агар адвокатлик бюроси, ҳайъати, фирмаси улардан жарима ундирилгандан кейин амалдаги қонун ҳужжатларни бузишни давом эттирсалар ҳамда таъсис ҳужжатларида белгиланган ваколатлардан ташқарига чиқсалар, рўйхатдан ўтказувчи орган уларни тугатиш тўғрисида хўжалик судига даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

13. Адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмаси юқори органи томонидан тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин адлия органига тегишли ҳужжат тақдим этилади. Адвокатлар ҳайъатини адвокатлик фирмасини тугатиш рўйхатдан ўтказиш бундай ҳолда ушбу тузилмалар бошқаруви юқори органи мажлиси баёни асосида амалга оширилади.

Адвокатлик бюросини тугатишни рўйхатга олиш мазкур бюро муассис адвокатнинг аризаси ёхуд адлия органи унинг ли-

цензиясини бекор қилиш тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари, ўз ваколатлари доирасида, ҳар йили адвокатлик бюролари, ҳайъатлари, фирмалари фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини йиғади ва ўрганади, зарур ҳолларда эса қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотни ярим йилликлар бўйича алоҳида талаб қилиб олади.

2-бўлим

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш тартиби тўғрисида

15. “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия малака комиссиясининг қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг олий юридик маълумотига эга бўлган, малака имтиҳонини топширган фуқарога берилиши мумкин.

Лицензия бериш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари (кейинги ўринларда – адлия органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

16. Агар берувчи лицензия олиш учун малака имтиҳони топширган кундан бошлаб ўн кун ичида лицензия бериш тўғрисидаги аризани адлия органига шахсан ўзи тақдим этади.

малака комиссиясининг қарори;

лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлашга пул қабул қилинганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати илова қилинади.

Лицензия олиш учун тақдим этилган барча ҳужжатлар адлия органи томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Ариза берувчидан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш таъқиқланади.

17. Лицензия олишга даъвогарлик қилувчи шахсининг аризасига мувофиқ у малака имтиҳонини муваффақиятли топширгандан кейин адлия органи имтиҳон топширилгандан кейин йигирма иш куни ичида малака комиссиясининг масъул котиби томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида лицензия бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

Ариза бериш муддатлари ариза берувчи томонидан узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган, шунингдек тушган ҳужжатлар қўшимча, шу жумладан мустақил экспертизадан ўтказилган алоҳида ҳолларда адлия органи раҳбари ушбу муддатни узайтириши мумкин, бироқ 10 иш кунидан ортиқ эмас.

18. Лицензия беришга вакил қилинган орган агар лицензия олиш учун тақдим этилган материалларида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар борлиги аниқланса, лицензия беришни рад этишга ҳақлидир.

Бошқа сабабларга кўра, шу жумладан мақсадга мувоқиқ эмас, деган сабаб билан лицензия берилиши рад этилишига йўл қўйилмайди.

Лицензия бериш рад этилган тақдирда малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор, ушбу қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилишга ҳақлидир.

Лицензия бериш рад этилиши ҳақидаги қарор асосланиши ва ариза берувчига қарор қабул қилингандан кейин 3 кун муддатда ёзма шаклда тақдим этилиши керак.

Лицензия бериш тўғрисидаги ариза такрор кўриб чиқилишига бундай рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган вазият ўзгарган тақдирда ёхуд адлия органининг лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор ҳақиқий эмас деб топилганда йўл қўйилади.

19. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия белгиланган шаклда (3-илова) берилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

Бериладиган лицензияга рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами берилади ва у мана шу тартиб рақами билан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар Давлат реестрига (4-илова) киритилади. Лицензия адлия органи (раҳбарнинг ўринбосари) томонидан имзоланади ва ушбу органнинг муҳри билан тасдиқланади. Реестрни сақлаш муддати 75 йил.

Лицензия бланки қатъий ҳисобда туради, эгаси ёзилмаган қимматли қоғоз даражасида ҳимояланган бўлади, ҳисобга олиш сериясига ва унинг тартиб рақамига эга бўлади, бунда серия аббревиатураси мазкур лицензия берилаётган ҳудудга тегишлиликни кўрсатади. Лицензиялар бланklarини сақлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

20. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни беришда “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирган пайтда адвокатлар ҳайъати аъзоси ҳисобланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида давлат божи тўлайдилар, биринчи марта адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хоҳишини билдирган шахслар эса энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи тўлайдилар.

21. Лицензия йўқотилган тақдирда унинг дубликати берилиши мумкин. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг дубликати берилганлиги учун лицензия берилганлиги учун белгиланган давлат божи умумий миқдорининг 50 фоизи миқдорида ҳақ ундирилади.

22. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган шахслар (кейинги ўринларда адвокат деб аталади) “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида назарда тутилган адвокатлик фаолияти турини амалга оширишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, ажнабий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, агар бу тўғридан-тўғри Қонун билан тақиқланмаган бўлса, бошқа ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши мумкин.

23. Адвокат касб-кор фаолиятини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

тегишли масалаларни ҳал этиш ваколатига кирадиган барча органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг топшириғига кўра уларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

судларда, шунингдек маъмурий ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги ишларни кўрувчи органларда исбот сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш;

ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш муносабати билан давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларидан маълумотлар, тавсифномалар ва бошқа зарур ҳужжатларни сўраш ва олиш;

ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича мижознинг розилиги билан экспертларнинг ёзма хулосалари-

ни, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини сўраш ва олиш;

тўпланган материалларни судларга ва унга ишонганнинг ёки унинг ҳимояси остидагининг ишини кўриб чиқувчи давлат органларига тақдим этиш;

мансабдор шахсларга илтимоснома ва шикоят қилиш ҳамда улардан сабаби асосланган ёзма жавоблар олиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни бажариш.

24. Адвокат ўзининг касб-кор фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш, унга ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қонунда назарда тутилган воситалар ва усуллардан фойдаланиши шарт.

25. Адвокат адвокатлик сирини сақлаши шарт. Мижознинг адвокатга ёрдам сўраб мурожаат қилиши фактининг ўзи, мижоз ёрдам сўраб мурожаат қилган масалалар, мижоз адвокатдан олган маслаҳатлар ва тушунтиришларнинг моҳияти, адвокатнинг мижоз билан суҳбати мазмунига тегишли бўлган қолган барча маълумотлар адвокатлик сирини ҳисобланади.

26. Адвокатларнинг касб-кор ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қиммати қонун томонидан қўриқланади.

Адвокат ўз касб-кор вазифаларини бажараётганда унга таъсир кўрсатишнинг исталган шаклларига йўл қўйилмайди.

27. Адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш мижоз билан адвокат ўртасида эркин тузиладиган келишув (шартнома) асосида амалга оширилади.

28. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари лицензия берувчи органлар сифатида адвокат томонидан лицензия белгиланган фаолият турига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

Адвокат “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига риоя этмаган, адвокатлик фаолиятини амалга оширишдан бош тортган, шунингдек 6 ойдан ортиқ вақт давомида лицензияда назарда тутилмаган фаолият тури билан шуғулланган тақдирда адлия органи малака комиссиясига унга нисбатан интизомий жазо чоралари қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тақдимнома киритади.

29. Адвокатлик фаолиятини бундан кейин амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг хусусиятига боғлиқ равишда адлия органлари лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд уни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш мазкур фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлган бутун даврда ёхуд йўл қўйилган қонун бузилиши бартараф этилган тақдирда олти ойгача муддатга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи тақиқланишини англатади.

31. Адвокат жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда у айбдор сифатида жалб қилинган пайдан бошлаб ва суднинг ҳукми қонуний кунча киргунга қадар ёхуд оқловчи асосларга кўра уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилингунча адлия органининг қарори асосида лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши мумкин.

32. Лицензиянинг амал қилиши, шунунгдек интизомий жазо чораси сифатида малака комиссиясининг қарори асосида ҳам тўхтатилиши мумкин.

Бундай ҳолда лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши ҳақидаги қарорни олган адвокат адлия органи томонидан белгиланган муддатда айтиб ўтилган органга лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган аниқланган қонун бузилиши бартараф қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдир.

33. Илгари лицензиянинг амал қилиши тўхтатилишига олиб келган ҳолат адвокат учун ижобий ўзгарган тақдирда унинг амал қилиши тикланади.

34. Лицензиянинг бекор қилиниши адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланишини англатади.

Лицензияни бекор қилиш қуйидаги асосларга кўра лицензияни берган орган томонидан амалга оширилади:

адвокатнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги аризасига кўра;

адвокат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан маҳрум бўлганда;

белгиланган тартибда ҳуқуқий лаёқат чекланган ёки адвокат ҳуқуқий лаёқатсиз деб топилган ҳолларда;

адвокатга нисбатан суд томонидан чиқарилган айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

лицензия олишда адвокатнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатларидан гувоҳлик берувчи ҳолатлар аниқланганда;

адвокат томонидан касб-кор ахлоқи нормалари мунтазам равишда бузилганда ёки у қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бузганда (малака комиссиясининг қарори асосида).

Лицензия адлия органи томонидан интизомий жазо бериш тартибида малака комиссиясининг қарори асосида ҳам бекор қилиниши мумкин.

Адвокатнинг ташаббуси билан лицензияни бекор қилиш амалга оширилиши мумкин. Бироқ агар буни мижоз талаб қилса, илгари қабул қилинган топшириқ бажарилгандан кейин амалга оширилиши мумкин.

35. Адлия органлари лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши ёки унинг бекор қилиниши тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 кун муддатда бу ҳақда адвокатни хабардор қиладилар.

Бундай ҳолда адвокат лицензия бекор қилинганлиги тўғрисида адлия органининг қарори ҳақида ўз мижозларини дарҳол хабардор қилиши ва 10 кун мобайнида лицензияни уни берган органга қайтариши шарт.

36. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки унинг бекор қилиниши тўғрисидаги қарорга адлия органи раҳбари (раҳбарнинг ўринбосари) имзо чекади.

37. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши ёки унинг бекор қилиниши тўғрисидаги қарор устидан бундай қарор олинган пайдан бошлаб бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

38. Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги ахборот адлия органи томонидан лицензияси бекор қилинган шахсларни кўриб чиқиладиган ишларда қатнаштиришга йўл қўймаслик мақсадида маълумот учун суд-тергов органларига юборилади.

39. Адлия органлари йилнинг ҳар чорагида берилган, бекор қилинган ва амал қилиши тўхтатилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи барча лицензияларнинг йиғма реестрини юритади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**Адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмаларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон
Республикаси фуқароларига адвокатлик
фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи
лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги
Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар
киритиш ҳақида***

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартдаги 139-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 3-сон, 12-модда; 2003 й., 4-сон, 34-модда) билан тасдиқланган Адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ў. СУЛТОНОВ

**Тошкент ш.,
2003 йил 5 ноябрь,
485-сон.**

* 2003 йил 5 ноябрдан кучга кирган.

**Адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари,
фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда
Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик
фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи
лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги Низомга
киритилаётган ўзгартиртириш ва қўшимчалар**

1.1-банддаги ва 8-банднинг биринчи хат бошидаги “вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари” сўзлари “вилоятлар, Тошкент шаҳар” сўзлари билан алмаштирилсин.

2.10-банддаги “ҳокимлик” сўзи “статистика” сўзи билан алмаштирилсин.

3.12-банд биринчи хат бошидаги “вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари” сўзлари “вилоятлар, Тошкент шаҳар” сўзлари билан алмаштирилсин, “ўз таъсис шартномалари ва уставларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади” сўзларидан кейин эса қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланган тақдирда адлия органлари адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмаларига аниқлаган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида ёзма кўрсатма киритишга ҳақлидир”.

4.14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“14. Адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари адлия органларига статистика ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича ва муддатларда тақдим этадилар”.

5.15-бандда:

иккинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Лицензиялар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда – адлия органлари) томонидан берилади”.

Қуйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

“Лицензиялар лицензия талабгори яшайдиган жойдаги адлия органлари томонидан берилади”.

6. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“16. Лицензия талабгори лицензия олиш учун малака имтиҳонини топширган кундан бошлаб ўн кун мобайнида фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, лицензияланадиган фаолият турини кўрсатган ҳолда лицензия бериш тўғрисида аризани бевосита ёхуд почта алоқа воситаси орқали адлия органига тақдим этади. Аризага малака комиссиясининг қарори илова қилинади.

Лицензия олиш учун адлия органига тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади) ва адлия органи томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди”.

7. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“18. Адлия органи қуйидаги ҳолларда лицензия беришни рад этиш ҳуқуқига эгадир:

лицензия талабгори томонидан зарур даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилганда;

лицензия талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ва бузилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

лицензия талабгори лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ бўлмаганда, шу жумладан белгиланган тартибда унинг лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган деб эътироф этилган тақдирда, шунингдек судланганлиги қайтариб олинмаган ёки олиб ташланмаган тақдирда.

Бошқа сабаблар, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли лицензия беришни рад этишга рухсат берилмайди.

Лицензия талабгори адлия органининг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек адлия органининг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия

талабгорига 3 кун мобайнида рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш адлия органи томонидан лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади”.

8.19-банд биринчи хат бошидан олдин қуйидаги мазмундаги хат бошилар билан тўлдирилсин:

“19. Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришномада лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия бериш лицензия талабгори томонидан давлат божи тўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда амалга оширилади.

Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида адлия органига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса, адлия органи кўрсатилган лицензияни бекор қилишга ҳақлидир”;

биринчи – учинчи хат бошилар тегишли равишда тўртинчи – олтинчи хат бошилар деб ҳисоблансин.

9.28-банднинг биринчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари лицензия берувчи органлар сифатида адвокат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши, шу жумладан адвокатлик фаолиятини белгилловчи қонун ҳужжатларига, адвокатлик этикаси қоидаларига риоя этилишини, шунингдек адвокатларнинг касб тайёргарлигини назорат қиладилар”.

10.29-банд “тўхтатиш” сўздан кейин “ёки тўхтатиб туриш” сўзлари билан тўлдирилсин.

11.30-34-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш мазкур Низомнинг 31-бандида назарда тутилган ҳолат мавжуд бўлган даврда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи тақиқланишини англатади.

31. Лицензиянинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда адлия органи қарорига кўра тўхтатиб турилиши мумкин:

адвокат жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда у айбдор сифатида жавобгарликка тортилган пайдан бошлаб ва суднинг ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд оқловчи асосларга кўра уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилингунгача;

адвокатлик фаолиятини амалга оширувчи шахснинг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарганда лицензияни қайта расмийлаштириш муддатига;

адвокат томонидан унинг аниқланган қонун бузилишларини бартараф этишни талаб этувчи адлия органининг қарори бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилиши адлия органи томонидан адвокатнинг қонун ҳужжатларини, адвокатлик этикаси қоидаларини бузганлиги аниқланган тақдирда интизомий жазо чораси сифатида малака комиссиясининг қарори асосида ҳам тўхтатиб турилиши мумкин.

Адлия органи лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар адвокат томонидан бартараф этиш учун муддат белгилайди. Кўрсатилган муддат 6 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак, адвокат жиноий жавобгарликка тортилган ҳоллар бундан мустасно.

Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар адвокат томонидан бартараф этилганда адлия органи кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлигининг тасдиғи олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

32. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши мазкур Низомнинг 33-бандида назарда тутилган ҳолатлар бошланиши билан боғлиқ бўлганда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланишини англатади.

33. Лицензиянинг амал қилиши адлия органи томонидан қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

адвокат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда, бироқ илгари қабул қилинган топшириқ бажарилгандан кейин, агар миждоз ўз сўзида туриб олса;

белгиланган тартибда ҳуқуқий лаёқати чекланган ёки адвокат ҳуқуқий лаёқатсиз деб эътироф этилганда;

адлия органи белгилаган муддатда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар адвокат томонидан бартараф этилмаганда;

адлия органининг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонуний эканлиги аниқланганда;

адвокатга нисбатан чиқарилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

адвокат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанда.

Лицензиянинг амал қилиши адлия органи томонидан лицензия талаблари ва шартлари адвокат томонидан мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузилган тақдирда интизомий жазо чораси сифатида малака комиссиясининг қарори асосида ҳам тўхтатилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилиши суднинг қарорига кўра ҳам тўхтатилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилиши унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб тўхтатилади.

34. Лицензиянинг бекор қилиниши мазкур бандда назарда тутилган асослар бўйича лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги эълон қилиниши билан боғлиқ бўлганда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланишини англатади.

Адлия органи томонидан лицензия қуйидаги асосларда бекор қилинади:

адвокатнинг аризасига кўра;

адвокат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги тўғрисида билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида адлия органига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган тақдирда;

қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда лицензия олиш ҳолати аниқланган тақдирда.

Лицензия суднинг қарорига кўра ҳам бекор қилиниши мумкин.

Лицензиянинг бекор қилиш тўғрисидаги қарор, қарор берилган санадан бошлаб амал қилади.

Лицензиянинг бекор қилиниши адвокатнинг касбий фаолиятини бажаришда унинг ҳаракатлари ноқонунийлигини эътироф этмайди”.

12.35-банднинг биринчи хат боши, 36 ва 37-бандларнинг “Лицензиянинг амал қилиш тўхтатилиши” сўзлари “Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши, тўхтатилиши” сўзлари билан алмаштирилсин.

13.38-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“38. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши ёки унинг бекор қилиниши тўғрисидаги ахборот адлия органи томонидан лицензиясининг амал қилиши тўхтатилган ёки лицензияси бекор қилинган шахсларнинг кўриб чиқиляётган ишларда қатнашишига йўл қўймаслик мақсадида суд-тергов органларига маълумот учун юборилади”.

14.39-банднинг “ва амал қилиши тўхтатилган” сўзлари “ва амал қилиши тўхтатиб турилган, тўхтатилган” сўзлари билан алмаштирилсин.

15.4-илованинг 4-устуни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги, тўхтатилганлиги ёки унинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида*

Суриштирув, дастлабки тергов, судда фуқароларнинг ҳимоя қилинишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 50-моддаси ва “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси

Қарор қилади:

1. Белгилансинки, суриштирувни олиб борувчи шахс, терговчи, прокурорнинг қарори, суднинг фуқарони ҳуқуқий ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш ҳақидаги ажримни гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Адвокатларга тўланадиган сумма миқдори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқлайдиган Адвокатлар томонидан кўрсатиладиган ҳуқуқий ёрдам учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ белгиланади.

2. Меҳнатга лаёқатсиз ва тўловга қобилиятсиз шахслар, шунингдек жами даромади ҳар бир боқимандага ҳисоблаганда ушбу даврда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан ортиқ бўлмаган ночор фуқаролар ҳуқуқий ёрдам учун ҳақ тўлашдан озод қилинишлари керак.

3. Туман, шаҳар ҳокимлиги ҳақ тўлашни қарор, ажримни чиқарган орган жойлашган жой бўйича амалга оширади.

Ҳақ қарор, ажрим ва адвокатлар бюроси, ҳайъати ва фирма-си раҳбари томонидан ҳисоблаб чиқарилган сумма кўрсатилган

* 1997 йил 16 июндан кучга кирган.

ҳамда қарор, ажримни чиқарган шахс томонидан тасдиқланган маълумотнома тақдим этилгач тўланади.

4. Туман, шаҳар ҳокимлиги кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар олингач, бир ой муддатда адвокатлар бюроси, ҳайъати, фирма-сига тўланиши керак бўлган суммани ўтказади.

5. Адвокат жинойи ишни судда кўриб чиқишда узоқ вақт қатнашган тақдирда унинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳақидаги маълумотнома ҳар ойда тузилади.

6. Адвокатлар бюроси, ҳайъати ва фирмаси раҳбари тайинланиб жинойи ишда қатнашган адвокатга ҳақ тўлангандан кейин бир ҳафта муддатда жинойи ишга тиркаш учун давлатга тўланиши керак бўлган сумма ҳақида суриштирувни олиб борган шахс, терговчи, прокурорни хабардор қилади. Фуқаро суднинг ҳукми билан айбдор деб топилганда ва ҳуқуқий ёрдам учун ҳақ тўлашдан озод қилиш учун асос маъжуд бўлмаган ҳолда давлат харажатлари ҳукм қилинганнинг ҳисобидан ундириб олинади.

7. Давлат томонидан ҳақ тўланган ҳуқуқий ёрдамга оид харажатларни ҳукм қилингандан ундириб олиш юзасидан ҳукмнинг ижро этилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочиси томонидан амалга оширилади.

8. Адвокатлар томонидан фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни молия органлари амалга оширади.

9. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан кўрсатилган ҳуқуқий ёрдамга давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда Адвокатлар томонидан кўрсатиладиган ҳуқуқий ёрдамга ҳақ тўлаш ҳақидаги йўриқномани ва Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига давлат ҳисобига ўтказилган ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни адвокатларга тўлаш тартиби тўғрисидаги қоидаларни бир ой муддатда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг “Адвокатлар томонидан фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида” 1990 йил

19 сентябрдаги 314-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ў.СУЛТОНОВ

**Тошкент ш.,
1997 йил 16 июнь,
297-сон.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами,
2003 й., 15-16-сон, 138-модда, 22-сон, 226-модда; 2004 й.,
3-сон, 31-модда, 17-сон, 199-модда, 29-сон, 334-модда).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

Қарор қилади:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ҳукуматининг қарорлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилди, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишлари такомиллаштирилмоқда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил қилиш ва унинг мониторинги ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар бериш тизими ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳот-

* 2003 йил 27 августдан кучга кирган.

лар адлия органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий ва энг муҳим вазифаси бўлиши лозим.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг энг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

қонунчилик ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, улар амалга оширилишини таъминлаш;

Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

судларни моддий-техникавий ва молиявий жиҳатидан таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш;

нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараёнини соддалаштиришга, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юридик шахслар, шу жумладан нодавлат ноtijорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш;

тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

3. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида 6 кишидан иборат Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса 1-иловага* мувофиқ тегишли бўлимлар ташкил этилсин.

4. Белгилансинки, адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдирлар ва бевоқифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бўйсундилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг тузилмалари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг намунавий тузилмалари 2,6-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати ходимларининг умумий чекланган сони 202 кишидан, шу жумладан 151 нафар бошқарув ва 51 нафар хизмат кўрсатувчи ходимлардан иборат этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” ва “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси” нашрлари негизида Ўзбекистон Республикасининг барча норматив-ҳуқуқий ҳужжат-

* 1, 3 – 6-иловалар берилмайди.

ларининг ягона расмий нашри – “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”ни таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўплами” даврий нашр қилинишини, шунингдек унинг очиқ обуна йўли билан тарқатилишини ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага* мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг тузилмаси ва Низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

қонун ҳужжатларига мазкур қарор талабидан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси**

И. КАРИМОВ

**Тошкент ш.,
2003 йил 27 август,
370-сон.**

* 7-илова берилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия Вазирлиги тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда матнда Вазирлик деб юритилади) давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

2. Вазирлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, бошқа адлия органлари ва муассасалари киради (кейинги ўринларда матнда адлия органлари ва муассасалари деб юритилади).

Адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита Вазирликка бўйсунди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низом билан тартибга солинади.

3. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-

нинг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Адлия органлари ва муассасаларини моддий-техник таъминлаш, шунингдек адлия тизимининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирликка ажратиладиган маблағ доирасида давлат бюджети ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Вазирлик, унинг органлари ва муассасалари юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга эгадир.

II. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

2) Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

3) жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

4) судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва давлат органлари бошқа ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш;

5) нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

6) тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб қилинган корхоналар-

нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

7) хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартнома интизомини мустаҳкамлаш;

8) юридик шахслар, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш;

9) тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

10) замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

11) адлия органлари ва муассасалари тизимига раҳбарликни амалга ошириш.

7. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

а) қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш соҳасида:

давлат бошқаруви органларининг қонунчилик ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга методик раҳбарликни амалга оширади;

қонунчилик ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органлари томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг зарурлиги масалалари бўйича олдиндан келишишни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги лойиҳаларни ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича таклифларини кўриб чиқади ва умумлаштиради;

қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказади ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан хулосалар беради;

қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлаштириш, ҳуқуқий тартибга солишининг тизимга солинишини ва яхлитлигини таъминлаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тақдим қилади, қонун ҳужжатларини кодекслаштириш бўйича ишларни олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, уларнинг Кенгашлари, қўмиталари ва комиссиялари билан доимий амалий алоқада бўлади;

б) идоравий норма ижодкорлиги соҳасида:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказади;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрини юритади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш, шунингдек уларни қўллаш бўйича ишларини назорат қилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳолати тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиб туради;

в) қонунчиликни тизимлаштириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат ҳисобига олиш ва қонун ҳужжатларини туркумлаш ишларини олиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг назорат нусхаларини юритади;

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари банкини (фондини) шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси тармоқ қонунчилигининг умумҳуқуқий классификаторини ривожлантирилишни амалга оширади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга классификатор асосида кодлар беради;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини белгилайди ва уларга риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади;

г) ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида:

ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишини таъминлаш ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижалари бўйича таклифлар киритади;

қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича ўз ваколатлари доирасида хулосалар беради;

2) Конституцияда ва қонунларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларини доимий равишда таҳлил қилади ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

халқаро тажрибани ўрганади ва халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларидаги ижроси бўйича таклифлар тайёрлайди;

инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғоясини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилишнинг ҳолатини ўрганади ва умумлаштиради ҳамда уни яхшилаш юзасидан тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатлик тузилмаларининг ролини кучайтиришга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ҳамда уларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишига кўмаклашади;

инсон ҳуқуқлари бўйича, шу жумладан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши мониторинги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатлари холисона ва ҳар томонлама кўриб чиқишини таъминлайди, улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирлар кўради;

3) давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:

ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг аҳолини таҳлил қилади, уларни яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни оширишга, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий билимлар аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини ташкил этади;

ҳуқуқ соҳасида таълим ишлари методик жиҳатдан таъминланишини ташкил этади, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий шаклларини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

олий ва ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар ўқув юртларининг талабалари ва ўқувчилари учун юридик дарсликлар, ўқув қўлланмалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, шунингдек, илмий-оммабоп ва бошқа юридик адабиётлар нашр этиш режаларини ишлаб чиқади ва нашр этилишини ташкил этади;

жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини тақомиллаштириш дастурлари ва тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

адлия органлари ва муассасалари учун ҳуқуқий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий-техник воситалари ва технологиялари жорий этилишини ташкил қилади;

адлия органлари ва муассасаларини зарур қонунчилик материаллари билан таъминлаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг улардан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлайди;

ҳуқуқий ахборотлар давлатлараро алмашилишини амалга оширади;

кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларини, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” расмий нашр этилишини ташкил этади;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади;

тегишли давлат бошқаруви органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш қоидаларини белгилайди, уларнинг ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

4) судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлаш соҳасида:

судларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларни молиялаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

судларнинг биноларини қуриш ва таъмирлашга, судларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратишга ажратилган маблағлар самарали ўзлаштирилишини таъминлайди;

судлар ва суд жараёнларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этади;

судларнинг фаолиятини таъминлаш, уларнинг амалдаги му-
стақиллигини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳуқуқни му-
ҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар билан ўзаро ҳам-
корлик қилади;

суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари
ижросини таъминлашнинг самарали механизмларини яратди;

5) ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг давлат томонидан тартибга
солинишини амалга ошириш соҳасида;

а) нотариат ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхат-
га олиш фаолиятини ташкил этиш бўйича:

давлат нотариал идораларини очади ва тугатади, нотариус
лавозимини таъсис этади ва тугатади;

нотариуслар фаолиятини лицензиялашни амалга оширади;

давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шу-
ғулланувчи нотариуслар идораларининг давлат реестрини юри-
тади;

стажер нотариуснинг стажировкани ўташ тартибини, нота-
риал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия бериш тар-
тибини белгилайди, малака ва апелляция комиссиялари тўғри-
сидаги низомларни тасдиқлайди;

чет элда фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлардаги
нотариуслар имзосининг ва улар муҳри кўчирмасининг ҳақиқий-
лигини тасдиқлайди, нотариат фаолияти билан боғлиқ бўлган
бошқа функцияларни бажаради;

нотариуслар томонидан хизмат мажбуриятларининг, шу жум-
ладан нотариал иш юритув қоидаларининг бажарилиши юзаси-
дан белгиланган тартибда назорат олиб боради, уларнинг иши-
ни таҳлил қилади ва умумлаштиради;

нотариал иш юритиш қоидаларини, давлат нотариал идо-
ралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланув-
чи нотариуслар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқа-
ролар йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан нотариал
ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқно-
маларни, нотариал ҳаракатлар, тасдиқловчи ёзувлар ва гу-
воҳномаларни рўйхатга олиш реестрлари шаклини тасдиқлай-
ди, Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги
Қонунида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оши-
ради;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олишни ташкил қилади, ФХДЁ органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва уларни назорат қилади;

ФХДЁ органларини ташкил қилади, қайта ташкил қилади ва тугатади, уларнинг ишини текширади, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

ФХДЁ ва нотариат идоралари ходимлари томонидан фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш чоратадбирларини кўради;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бланкалари намуналарини тасдиқлайди;

ФХДЁ органларини ва Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги консуллик муассасаларини қатъий ҳисобдаги гербли гувоҳномалар бланкалари билан таъминлайди;

нотариат ва ФХДЁ органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек ушбу органлар учун кўрсатмалар ва методик тушунтиришлар беради;

б) адвокатура ва юридик хизматларни ривожлантириш бўйича:

адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси билан биргаликда малака комиссиялари ваколатларини ва улар фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди;

адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси билан биргаликда адвокатларнинг Олий малака комиссияси таркибини тасдиқлайди;

адвокатларга лицензиялар беришни ва адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

адвокатлар, шунингдек адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг реестрини юритади;

адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмалари ва адвокатларнинг Олий малака комиссиясининг фаолиятига методик ёрдам кўрсатади ва кўмаклашади;

адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини ўрганади ва оммалаштиради;

адвокатлар малакасини ошириш бўйича тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади;

адвокатларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблар, асоссиз чеклашлар ва тажовузлардан адвокатларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради;

адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига, адвокатлик этикаси қоидаларига риоя қилиниши, шунингдек адвокатларнинг касбий тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширади;

адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг адлия органларига статистика ҳисоботи тақдим қилиш шакллари тасдиқлайди ва муддатларини белгилайди;

юримдик хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштиради, уларни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқади;

ҳуқуқий ишларни йўлга қўйиш амалиётини текширади ва таҳлил қилади, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юримдик хизматларининг ишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ижобий иш тажрибасини ёйиш, юримдик маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради, уларни аттестациядан ўтказиши;

б) тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

ҳуқуқий таъминот самарадорлигини оширишга ва тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича барча қонун ҳужжат-

ларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;

тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кичик корхоналарни, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётини ўрганади, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

назорат қилувчи органлар ўтказётган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлайди;

тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради;

жиной, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материалларини белгиланган тартибда ўрганади;

давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига ноқонуний ҳолатларини тегишли маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда аниқлайди, ўрганади ва мониторингни амалга оширади;

тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади, кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларни хабардор қилади;

7) шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида:

хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

шартнома интизомини такомиллаштириш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар ишлаб чиқади ва киритади;

хўжалик юритувчи субъектларни ва энг аввало, уларнинг мансабдор шахсларини шартнома интизомини бузганлик учун жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган чоралар қўлланилишини назорат қилади;

хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг шартнома интизомига риоя этиш юзасидан жавобгарлигини ошириш ишларини олиб боради;

8) юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида: нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан жамоат бирлашмалари (диний ташкилотлар, сиёсий партиялар)ни, халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш, кўрсатиб ўтилган ваколатхоналар ва филиалларнинг хорижий давлатлар фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиш;

аудиторлик ва суғурта ташкилотларини, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни, биржалар, бозорлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишда қонунийликка риоя қилинишини таъминлайди;

ўзи томонидан рўйхатдан ўтказилган юридик шахсларнинг давлат реестрини юритади;

адлия органларида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар томонидан таъсис ҳужжатларига, устав фаолиятига, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартибига риоя этилиши юзасидан назорат олиб боради;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва ўз устав фондларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўради;

сиёсий партияларнинг уставларида назарда тутилган фаолиятни молиялаштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган давлат маблағларини улар ўртасида тақсимлайди;

9) халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини самарали ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш бўйича таклифларни келишади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тайёрлаш ва бажаришда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги халқаро шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва бажариш ҳақида белгиланган тартибда таклифлар тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси томонлардан бири ҳисобланадиган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида тузилган қарз ва кредит шартномалари бўйича юридик хулосалар беради;

халқаро шартномалар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказди;

ўз ваколатлари доирасида бошқа давлатларнинг тегишли органлари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузади;

халқаро-ҳуқуқий ахборот масалалари бўйича маълумотлар банкини ташкил этади;

ўз ваколатлари доирасида хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди;

хорижий давлатлар судларида томонлардан бири Ўзбекистон Республикаси бўлган низолар кўриб чиқиладиганда вакиллик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва экс-Президентининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий, шу жумладан судда ҳимоя қилишни амалга оширади;

10) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида:

давлат органларининг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, уларни Тошкент давлат юридик институтида, Тошкент юридик коллежида, Тошкент давлат юридик институти ҳузурларидаги академик лицейда ва Вазирлик тизимининг бошқа ўқув юртларида тайёрлаш ишларини ташкил этади ва раҳбарлик қилади;

замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади, ҳуқуқшунослар ўртасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

адлия органлари ва муассасаларининг кадрлар заҳирасини яратади, кадрларни тайёрлашни ташкил этади, танлашни амалга оширади ва белгиланган тартибда жой-жойига қўйишда қатнашади, уларни қайта тайёрлашни ташкил этади;

11) фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасида:

адлия органлари ва муассасалари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқади, ушбу масалалар бўйича шикоятлар ҳар томонлама ҳолисона кўриб чиқилишини таъминлайди;

қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари юзасидан тушган шикоятларни зарур ҳолларда жойларда мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар билан биргаликда текшириб, адолатли қарорлар қабул қилинишини таъминлайди;

адлия органлари ва муассасаларининг шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятини ўрғанади ва бу борадаги ишларни умумлаштиради, шу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқади;

12) ҳуқуқий статистика соҳасида:

давлат органлари ва бошқа органлардан олинган ҳуқуқий статистика маълумотларини умумлаштиради ва таҳлил қилади, ушбу масалалар бўйича статистика ҳисоботи юритиш ва таҳлил қилишга методик раҳбарликни таъминлайди;

адлия органлари ва муассасаларида статистика ҳисоботи ва бирламчи ҳисобга олиш ҳужжатлари шаклларини ишлаб чиқади;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини тўплайди ва ўрғанади;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олишни, шунингдек адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича статистикани юритади;

13) адлия органлари ва муассасаларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаштириш соҳасида:

адлия тизими ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

адлия органлари ва муассасаларини моддий-техник таъминлашни ташкил этади, адлия органлари, давлат нотариал идоралари, ФҲДЁ бўлимлари, суд ижрочилари бўлимлари ва бошқа адлия муассасалари биноларини капитал қуриш ва таъмирлаш чораларини кўради, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритади;

адлия органлари ва муассасаларини белгиланган тартибда молиявий таъминлашни амалга оширади, адлия тизимида

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этади ва назорат қилади;

адлия органлари ва муассасаларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан назоратни амалга оширади;

14) суд-эксперт, илмий ва таълим муассасаларини ривожлантириш соҳасида:

ҳуқуқий фанларни ривожлантириш чораларини кўради, криминалистика ва суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот, экспертлик ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси суд-эксперт муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва илмий-методик раҳбарликни амалга оширади;

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази, Республика юристлар малакасини ошириш маркази, Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент юридик коллежи ва бошқа адлия муассасалари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

8. Вазирлик ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига буйсунувчи республика органлари ва ҳудудий органлар орқали амалга оширади.

III. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

9. Вазирлик ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан белгиланган тартибда зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш соҳасида таҳлилий, статистика материаллари ва бошқа материалларни сўраш ва олиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

3) давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини

ни тайёрлаш масалалари бўйича методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

4) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, илмий муассасалар, ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлардан қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хулосалар олиш ҳамда кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда ушбу лойиҳаларни тайёрлаш бўйича комиссиялар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

5) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш бўйича белгиланган тартибга улар томонидан риюя қилиниши, шунингдек уларнинг қўлланилиши юзасидан текширишлар ўтказиш;

6) вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларга давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, шунингдек тегишли органлар олдига бунда айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани қўйиш;

7) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат реестридан чиқариш ёхуд уларнинг (тўлиқ ёки қисман) амал қилишини тўхтатиш;

8) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда уларни қабул қилиш зарурлиги тўғрисида;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

9) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари тўғри ва бир хилда қўлланилиши бўйича ишларнинг ҳолатини ўрганиш. Ўрганиш натижалари бўйича тегишли органлар раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуж-

жатлари нормалари зарур даражада қўлланилиши тўғрисида тақдимномалар киритиш;

10) вазирлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини бажармаганлик (лозим даражада бажармаганлик) ҳолатлари юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларини жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиш учун киритиш;

11) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш.

Кўрсатиб ўтилган органларнинг раҳбарларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини ва унинг сабаблари ҳамда унга кўмаклашувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек инсоннинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш чора-тадбирларини кўриш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

12) хорижий давлатларнинг судларида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳуқуқий низолаб бўйича даъвогар ва жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиш;

13) ҳуқуқий, шу жумладан, суд масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва экс-Президентининг вакили сифатида иштирок этиш;

14) тегишли органларга судьялар ва суд аппарати меҳнат шароитларини яхшилаш, моддий ва ижтимоий таъминлаш юзасидан таклифлар киритиш;

15) адвокатлар ва нотариусларга берилган лицензияларнинг белгиланган тартибда амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш;

16) адвокатлар малака комиссияларига адвокатларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини киритиш;

17) адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмаларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф қилиш тўғрисида кўрсатмалар юбориш;

18) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ҳуқуқий ишлар ҳолатини, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини текшириш, улардан амалга оширган ишлари тўғрисида маълумотлар тақдим этишларини талаб қилиш, кўрсатилган органларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ёки уларнинг айби билан давлатга ёки корхона, муассаса ва ташкилотга етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги масала билан юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиш;

19) хизмат мажбуриятларини қўпол равишда бузилишига йўл қўяётган юридик хизмат ходимларига берилган аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бекор қилиш;

20) тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни жавобгарликка тортишнинг асослилигини зарур ҳужжатлар, шу жумладан жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материаллари билан танишиш йўли билан ўрганиб чиқиш;

21) барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларига риоя этиш бўйича қонун ҳужжатлари оғишмай бажарилишини текшириш. Кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган:

- аниқланган қонун ҳужжатлари бузишларини, қонун бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида;

- тадбиркорлар, шу жумладан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўриш тўғрисида;

22) Конституцияда ва қонунларда мустақамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари мансабдор шахслар томонидан бузилиши ҳолатлари аниқланганда, шунингдек адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаганда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани тегишли органлар олдига қўйиш;

23) вазирликлар, идоралар, назорат қилувчи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳақ-ҳуқуқларини бузувчи қарорларини ва шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни тўхтатиб қўйиш;

24) жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини давлат божи тўламасдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига тақдимномалар киритиш;

25) тадбиркорлар ва хусусий мулк эгалари ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

26) фуқароларнинг, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида мурожаатларни текшириш учун тегишли мутахассисларни жалб қилиш;

27) хўжалик шартномалари бажарилиши жараёнини назорат қилиш, шартнома интизоми бузилган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларга мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги ва судларда даъво қўзғашлари, шунингдек шартнома мажбуриятларини бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарарни қоплашлари юзасидан белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритиш; тақдимномада баён қилинган талаблар белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда ваколат-

ли органлар ёки судлар олдига шартнома интизомини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

28) адлия органларида рўйхатдан ўтган юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига амал қилишини текшириш, улардан керакли ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этишларини талаб қилиш, кўрсатиб ўтилган юридик шахсларнинг раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, таъсис ҳужжатларини ва амалдаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун мансабдор шахсларни белгиланган жавобгарликка тортиш, шунингдек, уларнинг айби билан давлатга ёки корхонага етказилган моддий зарарни ундириш учун юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиш;

сиёсий партияларнинг уставларида назарда тутилган фаолиятни давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

28-1) Халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотлар ваколатхоналари ва филиалларининг ходимларини, улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда аккредитациядан маҳрум қилиш;

29) ўз ваколатлари доирасида хорижий давлатлар органлари ва халқаро ташкилотлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш;

30) барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан ҳуқуқий статистикани ташкил этиш ва юритиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

31) давлат, юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволар билан мурожаат қилиш;

32) адлия органлари ва муассасалари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли бўлинмалар ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг уставлари (низомлари)ни тасдиқлаш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Вазирликнинг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ва уларнинг жойлардаги бўлимларининг ходимлари ўз ваколати доирасида назоратни амалга оширишда:

текширишни ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш учун хизмат гувоҳномасини кўрсатиб тегишлича вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг, корхона ва ташкилотларнинг тобелигидан, мансублигидан қатъи назар ҳудудларига ва биноларига киришга;

ўрганиш учун зарур бўладиган қарорлар, фармойишлар, йўриқномалар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишга, тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқига риоя қилиш бўйича қонунийликнинг аҳволи, шунингдек уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олишга;

мазкур банднинг иккинчи хат бошида кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларини чақиришга, улардан тадбиркорларнинг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари риоя қилиниши бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

11. Вазирлик ўз ваколати доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нотариуслар, адвокатлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир.

Вазирлик, зарур ҳолларда бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни чиқаришга ҳақлидир.

12. Вазирлик қонунчилик ижодкорлиги соҳасида давлат сис-
ёсатининг амалга оширилишини таъминлаш ва ўзига юкланган бошқа вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

13. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирини (кейинги ўринларда матнда Вазир деб юритилади) бошчилик қилади.

Вазир ўз ўринбосарларига, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.

14. Вазир:

1) яқкабошчилик асосида Вазирлик фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

2) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, Вазирлик фаолиятининг алоҳида қисмлари ҳамда унга бўйсунувчи органлар ва муассасаларнинг иши учун ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

3) Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолайди;

4) Вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, Вазирлик тизимида кирувчи бошқа ўзига қарашли органлар ва муассасаларнинг низом (устав)ларини тасдиқлайди;

5) ходимлар белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини тасдиқлайди;

6) Вазирлик марказий аппаратининг, шунингдек адлия органлари ва муассасаларининг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

7) республика нотариат ва ФХДЁ муассасалари тизимини тасдиқлайди;

8) тегишли давлат органларига адлия органлари ва муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ходимлари сонини белгилаш тўғрисида таклифлар киритади;

9) Вазирлик марказий аппарати, адлия органлари ва муассасалари ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

10) Вазирлик марказий аппарати ходимларини, унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини, шунингдек Вазирлик тизимига кирувчи бошқа ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

11) адлия органлари ва муассасалари ходимларига белгиланган тартибда мартаба даражалари беради, адлия органлари ва муассасалари ходимларига олий мартаба даражалари бериш учун уларни Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этади;

12) адлия органлари ва муассасаларининг ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади, Вазирлик тизимининг алоҳида ўрнатилган ходимларини фахрий унвонлар беришга ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этади;

13) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Адлия органлари ва муассасаларининг, шу жумладан Вазирлик тизимидаги илмий муассасалар ва ўқув юртлари ходимларига эгаллаб турган лавозимга ва иш стажига мувофиқ махсус даражали унвонлар ҳамда мартаба даражалари берилади ва белгиланган хизмат муддати учун устама ҳақи тўлаб борилади.

Мартаба даражалари бериш ва ундан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низом билан тартибга солинади.

16. Вазирликда Вазир (раис), вазир ўринбосарлари (лавозими бўйича) ва Вазирликнинг бошқа раҳбар ходимларидан иборат 11 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Адлия вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлик ҳайъати Вазирлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади. Вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш,

Ўқитиш ва тарбиялаш, ижро назорати масалаларини, Вазирликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатларининг лойиҳаларини, шунингдек текшириш натижаларини муҳокама қилади.

Вазирликнинг ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ҳайъатнинг мажлисларига вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари таклиф қилинишлари мумкин.

Ҳайъатнинг қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан ҳаётга жорий этилади. Вазир билан ҳайъат ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда, Вазир ўз қарорини амалга оширади. Вазир юзага келган келишмовчилик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришнинг гоят муҳим шарти аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаоллигини оширишдан, давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг амалий иштирокидан иборатдир.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, сиёсий маданиятини оширишга, фуқароларнинг хилма-хил ҳуқуқий ахборотлардан кенгроқ фойдаланиш имкониятини яратишга, шунингдек, давлат-ҳуқуқий ва суд тизимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиши лозим бўлган ҳуқуқий даврий нашрлар муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг сиёсий-ҳуқуқий масалалари, қонун ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ёритадиган 8 та юридик журнал (умумий тиражи 55 минг нусхадан кўпроқ) чоп этилмоқда.

Шу билан бирга юридик журналларнинг мазмуни ҳали замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Мавжуд нашрлар ўз мазмун йўналиши ва мақсадли вазифаларини белгилаб берувчи чуқур ўйланган, аниқ ўқувчилар доирасига мўлжалланган концепцияга эга эмас. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, долзарб сиёсий-ҳуқуқий масалаларига тегишли даражада эътибор берилмаяпти. Журналлар таҳририяти мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад-вазифалари ва мазмун-моҳиятини англайдиган юқори малакали мутахассислар билан етарлича таъминланмаган.

Давлат-ҳуқуқий ва суд тизими, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий

* 2005 йил 18 октябрдан кучга кирган.

онгини шакллантириш ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда юридик журналлар ролини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини ривожлантириш Концепцияси ва чоп этиладиган юридик нашрлар (журналлар) рўйхати 1, 2-иловаларга^{*} мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, давлат-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ соҳаларида олиб борилаётган демократик ислоҳотлардан жамиятнинг кенг хабардор бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва маърифий савияси юксалиши жамият ва давлатни демократик янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг ғоят муҳим шarti бўлиб қолмоқда.

2. Чоп этилаётган журналларнинг сифати, самарадорлиги ва савияси учун жавобгарлик журналларнинг бош муассислари зиммасига юклансин.

3. Қуйидагилар юридик журналларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

- давлат ва жамият қурилишининг долзарб сиёсий-ҳуқуқий муаммолари, қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, инсоннинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш муаммолари кенг муҳокама қилинишини ташкил этиш;

- қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, профилактика ишлари ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилиш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини ёритиш;

- фуқароларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг ҳуқуқий онгини, уларнинг сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек, одамлар онгида демократик қадриятларни шакллантиришга хизмат қиладиган материалларни чоп этиш;

- нашрлар саҳифаларида юридик фан ривожига, миллий ҳуқуқ мактабини шакллантиришга, юқори малакали юридик

^{*} 1, 2-иловалар берилмайди.

кадрларни тайёрлашга оид долзарб муаммолар бўйича мунозаралар ташкил қилиш;

- қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини, халқаро ҳуқуқни ривожлантириш, унинг нормаларини миллий қонунчиликка татбиқ этишнинг долзарб муаммоларини ёритиш.

4. Адлия вазирлиги, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, юридик журналларнинг бошқа муассислари ва таҳрир ҳайъатлари бир ой муддатда:

- журналларнинг таҳририятларини чуқур ҳуқуқий билимларга ва оммавий ахборот воситаларидаги зарур иш тажрибасига эга бўлган, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг, давлат-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг моҳиятини, мақсадли вазифаларини англайдиган юқори малакали кадрлар билан таъминласин;

- таҳририят ходимлари ва фаол муаллифлар меҳнатини чоп этилаётган материалларнинг юксак сифатли бўлиши ҳамда таҳририят жамоалари олдида турган вазифаларнинг бажарилиши учун уларнинг масъулиятини оширишни таъминлаш имконини берадиган моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш чораларини кўрсин;

- юридик журналларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таҳрир ҳайъатларининг замонавий талаб ва андозаларни ҳисобга олган ҳолда журналларнинг бадиий савиясини ошириш, уларни расмийлаштириш ҳамда дизайн сифатини яхшилаш мақсадида журналистлар, ёзувчилар, рассомлар ижодий уюшмалари билан мустаҳкам ҳамкорлигини ўрнатиш чоратадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

- илмий-тадқиқот, таълим муассасалари билан биргаликда журналларнинг фаолиятига, давлат-ҳуқуқий ва суд тизимларини ислоҳ қилиш мақсад ва вазифаларини амалга оширишнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилишга етакчи ҳуқуқшунос олимлар, тарихчилар, иқтисодчилар, социолог ва файласуфлар жалб этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги юридик журналларнинг электрон версиялари (сайтлари)ни яратиш ва

уларни глобал Интернет тармоғида жойлаштиришда мазкур нашрларга ёрдам кўрсатсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоат бирлашмалари билан биргаликда юридик журналларнинг мақолаларидан мамлакатнинг муайян йўналишдаги олий ўқув муассасалари, коллежлари, лицейлари, мактаблари ва бошқа тарбия муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида фойдаланишни таъминласин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 18 октябрь,
ПҚ – 203-сон.

**Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг
2004 йил 29 февралдаги 41-сон,
66-мҳ-сон ва 2004-29-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Адвокатлик бюрolari, адвокатлар ҳайъатлари,
адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан
бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни
ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА***

*(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами,
2004 й., 12-сон, 148-модда).*

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси, “Адвокатура тўғрисида”ги, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги ва “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилиб, адвокатлик бюрolari, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қондалар

1. “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ Адвокатура нотижорат ташкилотдир ва фаолиятни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади. У адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида

* 2004 йил 1 апрелдан кучга кирган.

ихтиёрийлик асосида ташкил этилган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

2. Адвокатуранинг ташкилий тузилмалари бўлиб адвокатлар коллегиялари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюrolари (кейинги ўринларда – адвокатлик тузилмалари) ҳисобланади.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган жисмоний шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда фаолият кўрсатишга ёхуд ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар (шериклар) билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга, шунингдек, адвокатлик фирмалари ва коллегияларига аъзо (муассис) сифатида киришга ҳақлидир.

“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ адвокатлар бюrolари, ҳайъатлари ва фирмалари рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини оладилар ҳамда кўрсатилган юридик ёрдам учун фуқаролардан ва юридик шахслардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) ҳисобига фаолият кўрсатадилар.

3. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотларининг мол-мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса;

муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир мартаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар;

ихтиёрий мулкӣ бадаллар ва эҳсонлар;

тадбиркорлик фаолиятидан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);

қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Бунда қатнашчилар (аъзолар), яъни адвокатларнинг жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган юридик ёрдам учун оладиган даромадларининг бир қисми кўринишидаги мунтазам тушумлари адвокатлик тузилмаларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаси ҳисобланади. Кўрсатилган юридик ёрдам учун келиб тушган маблағлардан адвокатлик тузилмаси-

ни сақлаб туриш учун ажратмалар миқдори адвокатлик тузилмасининг таъсис ҳужжатида (уставида) ёки қатнашчилар (аъзолар)нинг бошқа қарорида белгиланади.

4. Адвокатлик тузилмасини сақлаш учун харажатларга маъмурий ва хўжалик харажатлари, шунингдек уни сақлаш учун қилинган бошқа харажатлар киради.

5. Адвокатлик тузилмасини сақлаш учун харажатлар таркибига қуйидаги харажатлар киради:

а) маъмурий ва хўжалик (техник) ходимларни сақлаб туриш, жумладан компенсация ва кафолатли тўловлар билан биргаликда улар меҳнатига ҳақ тўлашга;

б) коммунал хизматлар, шунингдек, телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари учун ҳақ тўлашга;

в) инвентарь, материаллар, канцелярия, офис учун ва бошқа жиҳозларни харид қилишга;

г) транспорт воситалари, техникаларни сақлаш, ижарага олишга ва бошқа хизматларга ҳақ тўлашга, бензин ва ёқилғи мойлаш маҳсулотларига;

д) адвокатларни (адвокатура ходимларини) ўқитишга, газеталар, журналлар ва бошқа даврий нашрларга обуна бўлишга, бошқа жорий харажатларга;

е) жорий таъмирлашга;

ж) техника ва асбоб-ускуналарни, оргтехника воситалари, компьютерлар ва бошқа асосий воситаларни харид қилишга;

з) қурилиш ва капитал таъмирлашга;

и) адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун бошқа харажатларга.

“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун харажатлар таркибига, шунингдек, маблағлари адвокатларнинг ижтимоий эҳтиёжларига ишлатиладиган Адвокатурани ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармасини шакллантириш бўйича харажатлар киради. Адвокатурани ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармасининг маблағлари қуйидагиларга сарфланади:

а) адвокатлик тузилмасининг адвокатларига нафақалар, компенсация ва кафолатли тўловларни тўлаш, уларнинг таътили

учун ҳақ тўлашга. Бунда адвокатлик тузилмалари таътил учун ҳақ тўлаш мақсадида маблағларни (масалан, иш ҳақининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда) жамлашга ҳақлидирлар;

б) моддий ёрдам сифатида бериладиган турли хил пуллик нафақаларга;

в) санатория-курортда даволаниш учун ва дам олиш уйлари-га йўлланмаларни тўлашга, стационар ва амбулатор давола-ниш ҳақини тўлашга;

г) овқатланиш учун қўшимча тўловларга, йўл чипталарини бериш ёки уларнинг қийматини қоплашга;

д) адвокатларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилиш бадал-ларини тўлашга;

е) туристик йўлланмалар, спорт секцияларига абонементлар-ни тўлашга ва бошқа шу каби харажатларга;

ж) Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясига аъзолик бадали-ни адвокат ҳисобидан тўлашга;

з) адвокатларнинг бошқа ижтимоий эҳтиёжларига.

II. Фойда солиғи ва ягона солиқ

6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 31-модда-сига мувофиқ тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шах-слар, уларнинг тадбиркорлик фаолиятдан оладиган даромад-ларидан (фойдаларидан) ташқари фойда солиғидан озод қили-нади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори билан тасдиқланган Микрофирма-лар ва кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалашти-рилган тизимини қўллаш тартибининг 1-бандига мувофиқ, со-лиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими тадбиркорлик фа-олиятини амалга ошираётган микрофирмалар ва кичик корхо-налар учун қўлланилади.

7. Адвокатлик тузилмалари нодавлат нотижорат ташкилот-лар сифатида, фойда солиғини тўлашдан озод этиладилар ҳам-да ягона солиқ тўловчиси ҳисобланмайдилар.

8. “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қону-нининг 11-моддасига мувофиқ, адвокатларнинг меҳнатига кўрса-

тилган юридик ёрдам учун жисмоний ва юридик шахслардан адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади. Бунда юридик хизмат учун ҳақ тўлаш адвокат билан миждоз ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун келиб тушган маблағлар адвокатлик тузилмаларининг даромадлари ҳисобланмайди.

Маблағларнинг адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун ўтказиладиган (ушлаб қолинадиган) қисми тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад бўлиб ҳисобланмайди. Ушбу маблағларга мазкур Ўйриқноманинг 3 ва 4-бандларига мувофиқ адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун мунтазам тушумлар сифатида қаралади.

9. Агар адвокатлик тузилмалари тадбиркорлик фаолияти, яъни адвокатлик фаолиятидан ташқари бошқа (адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган) фаолият билан шуғуллансалар, ушбу фаолиятдан олинган даромадлар (фойда) белгиланган тартибда фойда солиғи ёки ягона солиққа тортилади.

III. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ

10. Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар – адвокатлар жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўловчилардир.

11. Адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш шаклида олиннадиган даромадлардан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва уни бюджетга ўтказиш адвокатлик тузилмалари томонидан амалга оширилади.

12. Адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш шаклида олиннадиган даромадларни аниқлаш учун асос бўлиб, адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобланади.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни аниқлаш мақсадида, адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, белгиланган ставкаларда ажратиладиган ижтимоий суғурта ба-

далларини чегириб ташлаган ҳолда қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Phi \text{ қ } (Y \times 100) / (100 + C), \text{ бунда}$$

Φ – адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди;

Y – адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун олинган маблағлар (адвокат гонорари) ҳамда мазкур Йўриқноманинг 3 ва 4-бандига мувофиқ адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун ўтказиладиган маблағлар ўртасидаги фарқ;

C – меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан олинадиган ижтимоий сугурта бадалининг фоиздаги ставкаси.

Масалан, кўрсатилган юридик ёрдам учун адвокатнинг гонорари 100000 сўмни ташкил этган. Бунда, адвокатлик тузилмасининг тегишли қарорига кўра, адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун мунтазам тушум сифатида 30000 сўм ушлаб қолинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон қарорига мувофиқ, адвокатлик тузилмалари меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 25 фоизли ставкада ижтимоий сугурта бадалини тўлайдилар. Бундай ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди қуйидагича аниқланади:

$$(100000 - 30000) \times 100 / (100 + 25) \text{ қ } (70000 \times 100) / 125 \text{ қ } 56000 \text{ сўм.}$$

Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларни аниқлашнинг намунавий схемаси мазкур Йўриқноманинг иловасида келтирилган.

13. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромадлар таркибига мазкур Йўриқноманинг 12-банди асосида аниқланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 49-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган даромадлар ҳам киради.

14. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун адвокатлик тузилмалари жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда, улар ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

15. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ушлаб қолинганда адвокатлик тузилмалари ушлаб қолинган солиқ суммасини тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида бюджетга ўтказадилар.

16. Адвокатлик тузилмалари:

иш ҳақини тўлаш чоғида адвокатнинг талабига кўра унга унинг даромади суммаси ва тури, шунингдек, ушлаб қолинган солиқ суммаси (агар солиқ ушлаб қолинган бўлса) кўрсатилган маълумотномани бериши;

асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар тўғрисида жисмоний шахснинг рўйхат рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, ҳисобот йилида қилган даромадининг умумий суммаси ва ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномани қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда молия йили тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида солиқ органларига тақдим этиши;

ёлланиб ишлайдиганларга меҳнат ҳақи тарзида ҳисоблаб чиқарилган ва амалда тўланган суммалар ҳамда бошқа даромадлар, шунингдек, бу даромадларнинг солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда йилнинг ҳар чорагида, йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунига қадар солиқ органларига тақдим этиши шарт.

IV. Қўшимча қиймат солиғи ва акциз солиғи, божхона тўловлари

17. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 66-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғи тўловчилардир.

Адвокатлик тузилмалари қўшимча қиймат солиғини тўловчи ҳисобланмайдилар, мазкур Йўриқноманинг 18-бандида ва 19-бандининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

18. Агар адвокатлик тузилмалари тадбиркорлик фаолияти, яъни адвокатлик фаолиятидан ташқари бошқа (адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган) фаолият билан шуғуллансалар, ушбу фаолият доирасидаги товарлар (иш-

лар, хизматлар) реализацияси бўйича оборот белгиланган тартибда қўшимча қиймат солиғига тортилади.

19. Адвокатлик тузилмалари товарларни импорт қилишда божхона тўловларини (шу жумладан қўшимча қиймат ва акциз солиғини) белгиланган тартибда тўлайдилар, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

V. Бошқа солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш

20. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 110-моддасига мувофиқ товарлар ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар экология солиғи тўловчилардир.

Юридик ёрдам адвокат билан мижоз ўртасида тузилган шартнома асосида адвокат (жисмоний шахс) томонидан кўрсатилишини инобатга олиб, ушбу юридик ёрдам экология солиғига тортилмайди.

Агар бевосита адвокатлик тузилмаси томонидан товарлар ишлаб чиқарилса, ишлар бажарилса ва хизматлар кўрсатилса, ушбу фаолиятдан белгиланган тартибда экология солиғи тўланади.

21. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 92, 102 ва 119-моддаларига мувофиқ адвокатлик тузилмалари нодавлат нотижорат ташкилотлар сифатида мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан озод қилинадилар.

Агар адвокатлик тузилмалари тадбиркорлик фаолияти, яъни адвокатлик фаолиятдан ташқари бошқа (адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган) фаолият билан шуғуллансалар, ушбу фаолият учун фойдаланилган мол-мулк, ер участкалари ва сув ресурслари белгиланган тартибда мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тортилади.

22. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш чиқариш ва бюджетга тўлаш тар-

тиби тўғрисидаги йўриқнома (2002 йил 15 февраль, рўйхат рақами 1100-сон – Меъёрий ҳужжатлар Ахборотномаси, 2002 й., 3-сон)нинг 1-бандига мувофиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслардир.

Адвокатлик тузилмалари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчи ҳисобланмайдилар.

Агар адвокатлик тузилмалари тадбиркорлик фаолияти, яъни адвокатлик фаолиятдан ташқари бошқа (адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган) фаолият билан шуғуллансалар, ушбу фаолиятдан олинган соф фойда белгиланган тартибда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғига тортилади.

VI. Ўзбекистон Республикаси Пенсия Жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва бадаллар

23. Юридик ёрдам адвокат ва мижоз ўртасида тузилган шартнома асосида адвокат (жисмоний шахс) томонидан кўрсатилганлиги сабабли, адвокатлик тузилмасининг адвокатлари томонидан кўрсатилган юридик ёрдам ҳажмидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ўтказилмайди.

Агар бевосита адвокатлик тузилмаси томонидан товарлар ишлаб чиқарилса, ишлар бажарилса ва хизматлар кўрсатилса, ушбу товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан белгиланган тартибда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва Республика йўл жамғармасига ажратмалар ўтказилади.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва сарфлаш фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 29-бандига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар тижорат ва хўжалик фаолият

ти бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар ва тушумлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади.

Адвокатнинг кўрсатилган юридик ёрдам учун олган гонорари, уставда назарда тутилган кириш ва аъзолик бадаллари, ихтиёрий мулкӣ бадаллар ва эҳсонлар, адвокатлардан бир мартаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар тижорат ёки хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ёки тушумлар ҳисобланмайди.

25. Адвокатлик тузилмалари ягона ижтимоий тўлов ўрнига меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 25 фоизлик мажбурий ижтимоий суғурта бадалларини тўлайдилар.

26. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар ҳамда фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари, солиқлар ушланишини ҳисобга олмасдан, иш ҳақи (даромад) нинг барча турларига (шу жумладан адвокатуранинг ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармасидан тўланадиган тўловларга) ҳисобланади, қонунчиликда белгиланган тўловлар бундан мустасно.

Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратиладиган мажбурий ажратмалар суммаси қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$CF \text{ қ } ((Y + V) \times C) / (100 + C), \text{ бунда}$$

CF – адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ажратиладиган ижтимоий суғурта бадали суммаси;

Y – адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун олинган маблағлар (адвокат гонорари) ҳамда мазкур Йўриқноманинг 3 ва 4-бандига мувофиқ адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун ўтказиладиган маблағлар ўртасидаги фарқ;

V – Адвокатуранинг ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармасидан ажратиладиган ва суғурта бадаллари ҳисобланиши назарда тутилган тўловлар. Бунда суғурта бадаллари ҳисобланиши назарда тутилмайдиган тўловлар, адвокатлик тузилмалари томонидан ижтимоий суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ҳисобга олинмайди;

С – меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан олинадиган ижтимоий суғурта бадалининг фоиздаги ставкаси.

Масалан, кўрсатилган юридик ёрдам учун адвокатнинг гонорари 100000 сўми ташкил этган. Бунда адвокатлик тузилмасининг тегишли қарорига кўра, адвокатлик тузилмасни сақлаб туриш учун мунтазам тушум сифатида 30000 сўм ушлаб қолинган.

Бундан ташқари, адвокатлик тузилмаси томонидан адвокат ҳисобига Адвокатурани ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларидан 2000 сўм миқдорида аъзолик бадали тўланган, шунингдек, 3000 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган Пенсияни ҳисоблаб чиқаришда ҳамда суғурта бадалларини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган иш ҳақи ва даромадлар турлари рўйхатига мувофиқ моддий ёрдам бўйича ижтимоий суғурта бадали ҳисобланмайди. Аъзолик бадали мунтазам равишда адвокат ҳисобига тўланишини инobatга олиб, ушбу тўлов адвокатнинг даромади ҳисобланади ва у бўйича ижтимоий суғурта бадали ҳисобланади (бунда аъзолик бадали пенсияни ҳисоблашда ҳам ҳисобга олинади).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон қарорига мувофиқ, адвокатлик тузилмалари меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 25 фоизли ставкада ижтимоий суғурта бадалини тўлайдилар.

Бундай ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратиладиган ижтимоий суғурта бадали суммаси қуйидагича аниқланади:

$$((100000 - 30000) + 2000) \times 25 / (100 + 25) \text{ қ } (72000 \times 25) / 125 \text{ қ } \\ 14400 \text{ сўм}$$

Фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий ижтимоий суғурта бадали суммаси қуйидагича аниқланади:

$$CF1 \text{ қ } ((Y - CF) + V) \times C1 / 100, \text{ бунда}$$

CF1 – иш ҳақидан мажбурий ижтимоий суғурта бадали суммаси;

C1 – иш ҳақидан мажбурий ижтимоий суғурта бадалининг фоиздаги ставкаси.

Юқорида кўрсатилган мисолда фуқароларнинг иш ҳақидан 2,5 фоизли мажбурий суғурта бадали суммаси қуйидагича аниқланади:

$$((70000-14400)+2000) \times 2,5/100 \text{ қ } 57600 \times 2,5/100 \text{ қ } 1440 \text{ сўм}$$

VII. Мазкур йўриқнома талабларига риоя этилиши устидан назорат, адвокатлик тузилмаларининг жавобгарлиги

27. Солиқлар ва мажбурий тўловларни мазкур Йўриқномага асосан тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва бюджетга тўланиши устидан назорат белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

28. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари рўйхатдан ўтказувчи органлар сифатида адвокатлик тузилмалари томонидан ўзларининг таъсис шартномалари ва уставларига риоя этилиши устидан назоратни олиб борадилар.

Адвокатлик тузилмалари мазкур Йўриқнома талабларига риоя этмаганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

VIII. Яқунловчи қоидалар

29. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси билан келишилган.

Адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш
фондини ҳисоблаб чиқаришнинг
НАМУНАВИЙ СХЕМАСИ

Адвокатнинг гонорари 100 000 сўм

30 000 сўм

70 000 сўм

Адвокатлик тузилмасининг таъминоти учун харажатлар - 30 000 сўм

МҲТФдан иж. суғурта*** (25%) 14 000 сўм.

Адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (ҳисоблаб чиқарилган гонорар) 56000 сўм

Маъмурий ва хўжалик харажатлари, сақлаб туриш бўйича бошқа харажатлар (20 000 сўм). Шу жумладан:

- 1) Маъмурий бошқарув ва хўжалик ходимларини сақлаб туриш учун харажатлар;
- 2) коммунал ва телекоммуникацион хизматларга ҳақ тўлаш;
- 3) инвентар ва канцелярия жиҳозларини харид қилиш;
- 4) даврий нашрларга обуна;
- 5) адвокатлик тузилмасининг таъминоти учун бошқа харажатлар.

Даромад солиғи * (13 дан 30 фоизгача) 6048 сўм.

Иш ҳақидан иж. суғурта*** (2,5%) 1400 сўм.

Адвокат "қўлга" оладиган гонорари - 48 067 сўм.

Кас. уюш. (1%)**** 485 сўм.

Адвокатурани ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси (10 000 сўм).

Шу жумладан:

- 1) моддий ёрдам **;
- 2) маблағларни таътиллаш учун жамланиши (МҲТФдан 7 фоиз);
- 3) ЎААга аъзолик бадали (энг кам иш ҳақдан 30 фоиз)*;
- 4) адвокатнинг амбулатор даволаниши ҳақини тўлаш;
- 5) адвокатларнинг бошқа ижтимоий эҳтиёжларига.

Изоҳ:

Мазкур схема адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондини аниқлаш учун намуна тариқасида келтирилган. Маъмурий ва хўжалик (техник) ходимларнинг иш ҳақи ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳамда улар бўйича ижтимоий сугурта бадаллари адвокатлик тузилмасининг таъминоти учун маблағлар ҳисобидан белгиланган тартибда алоҳида аниқланади.

**) Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлардан ушлаб қолинади. Бунда, Солиқ кодексининг 49-моддасига мувофиқ, меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадларга адвокат ҳисобига тўланган аъзолик бадали ҳамда адвокатнинг амбулатор даволаниши қиймати киритилади.*

****) Солиқ кодексининг 58-моддасига кўра, йил давомида берилган, суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки бараваридан ошмайдиган моддий ёрдам солиқ солиши базасига киритилмайди.*

*****) Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар (25%) ҳамда фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий сугурта бадаллари (2,5%), иш ҳақи (даромад)нинг барча турларига (шу жумладан адвокатурани ижтимоий ҳимоя қилиш жамгармасидан тўланадиган тўловларга) ҳисобланади, қонунчиликда белгиланган тўловлар бундан мустасно.*

******) Касаба уюшмасига бадаллар, агар адвокатлик тузилмасида бундай ушлаб қолиш назарда тутилган бўлса, касаба уюшмаси аъзоси бўлган адвокатнинг розилигига асосан (даромад солиғи ва мажбурий ижтимоий сугурта бадалларини тўлагандан сўнг қолган иш ҳақидан) ушлаб қолинади.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН АДВОКАТЛАР УЮШМАСИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИ

1997 йил 13 март

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисида ва
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,
вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия
бошқармалари ҳузуридаги Малака комиссиялари
тўғрисидаги Низомларни ҳамда Олий малака
комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати ва Ўзбекистон адвокатлар Уюшмаси бошқаруви 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонуни, мустақил республикамизда инсон ҳуқуқларини янада мукамалроқ ҳимоя қилиш йўлида қўйилган қадам эканлигини тасдиқлаш билан бирга, бу қонуннинг адвокатлар мустақиллигини таъминлашга ҳизмат қилишини эътироф этади.

Қабул қилинган қонунда адвокатура ўз фаолиятини қонуннинг устунлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида амалга оширишлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартдаги 139-сонли қарори билан, адвокатлар иштирокида ишлаб чиқилган “Адвокатлар бюролари, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

“Адвокатура тўғрисида”ги қонунда ва кўрсатилган Низомда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш ва бошқа қатор масалаларни ҳал қилишлик ҳуқуқи адвокатларнинг ўзлари ёки уларнинг бевосита иштирокида кўрилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, малака комиссияларининг ваколатлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси билан биргаликда белгиланиши кўрсатилган.

Қонуннинг бу талабини бажариб бориб, Ўзбекистон Адвокатлар Уюшмасининг бевосита иштирокида Олий малака комиссияси тўғрисида ва Малака комиссиялари тўғрисида Низомлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирда, Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясини тузиш борасида иш олиб борилиб, лекин бу борада сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати ва Ўзбекистон Адвокатлар Уюшмаси Бошқаруви

Қарор қилади:

1. Тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисида ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузуридаги Малака комиссиялари тўғрисидаги Низомлар тасдиқлансин.

Қар иккала Низом ушбу қарор имзоланган пайтдан кучга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси Адлия вазирлиги ҳодимлари ҳамда адвокатлардан тенг миқдорда киритилган ҳолда 10 кишидан иборат таркибда тузилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Ашуров Файзулло Қозиевич – Тошкент вилоят адвокатлар ҳайъати Раёсатининг раиси.

Мамаджонов Акмал Аҳмаджонович – Наманган вилоят адвокатлар ҳайъати Раёсатининг раиси.

Нормуродов Мустафо – Самарқанд вилоят адвокатлар ҳайъати Раёсатининг раиси.

Саидов Тошпўлат Давронович – Бухоро вилоят адвокатлар ҳайъати Раёсатининг раиси.

Арзимбетов Сапарбай Абдужалилович – Қорақалпоғистон Республикаси адвокатлар ҳайъати Раёсатининг раиси.

Тухташев Абдил Қосимович – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармаси бошлиғи.

Ҳамидов Фарҳод Пулатович – шу бошқарма бошлиғининг ўринбосари.

Раҳимов Сайфиддин Абдураҳимович – ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси бошлиғи.

Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович – кадрлар бошқармаси бошлиғи.

Сорабеков Абдуқодир Сорабекович – судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

4. Олий малака комиссияси таркибига киритилган адвокатларга малака имтиҳонларини топширмай адвокатлик билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилсин.

5. Олий малака комиссиясига малака комиссиялари аъзоларидан 1997 йил 10 апрелга қадар имтиҳон олишлик топширилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари бошлиқларига 1997 йил 26 мартга қадар Ўзбекистон адвокатлар Уюшмасининг ҳудудий бўлимлари билан келишган ҳолда малака комиссияларини тузиш топширилсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартдаги 139-сонли қарори билан тасдиқланган “Адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг ижросини жойларда таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари бошлиқлари, малака комиссиялари раислари ва адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси ҳудудий бўлимларига юклатилсин.

8. Ўзбекистон Адвокатлар Уюшмасига Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси таъсис съездига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш ва бу съездни 1997 йил 15 майгача чақаришлик тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Адвокатлар Уюшмасига бу ишларни амалга оширишда Адлия вазирлигининг Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармаси фаол ёрдам кўрсатсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вазир муовини М.Жалиловга ва Ўзбекистон Адвокатлар Уюшмаси Президенти Ф.Ашуровларга топширилсин.

Ҳайъат раиси
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири
С.МИРСАФОЕВ

Ўзбекистон адвокатлар
уюшмаси бошқарувининг
вице-президенти
Т.ТАДЖИЕВ

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳайъати
ва Ўзбекистон адвокатлар
Уюшмаси бошқарувининг
1997 йил 13 мартдаги
қўшма қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,
вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари
Адлия бошқармалари ҳузуридаги
Малака комиссиялари тўғрисида
НИЗОМ**

1. Зарур билимга ва касб малакаларига эга бўлган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида малака комиссиялари тузилади.

2. Малака комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларидан тенг миқдорда уч йиллик ваколат муддатига тузилади.

3. Малака комиссиялари таркиби тегишли адлия органи томонидан адвокатларнинг республика жамоат уюшмасининг ҳудудий бўлими билан келишилган ҳолда 6 дан 12 кишигача белгиланади.

4. Малака комиссияларининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адвокатларнинг республика жамоат Уюшмаси билан келишилади.

5. Малака комиссиялари ҳамраислари, комиссия аъзолари ичидан (адвокатлардан ва адлия ходимларидан) сайланиб, ко-

миссия мажлисларида навбат билан, лекин узлуксиз икки мажлисдан ортиқ эмас, раислик қиладилар.

6. Комиссия аъзоси бўлган тегишли адлия органи ходимларидан бири малака комиссиясининг масъул котиби этиб сайланади.

7. Малака комиссияси мажлисларнинг даврийлигини комиссияни ўзи заруратдан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Лекин комиссия мажлиси ҳар чоракда камида бир марта ўтказилмоғи лозим.

8. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олишни истаган, олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ўзи яшаб турган жойдаги тегишли адлия органига малака комиссияси номига малака имтиҳонини топшириш учун киритишларини сўраб ариза беради.

9. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши шарт:
олий юридик маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
адвокатларнинг республика жамоат Уюшмасига тегишли бўлимини тавсияномаси;

меҳнат стажини, шу жумладан ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжат;

ушбу низомнинг 10– бандига кўра йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

Аризада даъвогар илгари фаолият кўрсатган, кўрсатаётган ёки фаолият кўрсатмоқчи бўлган ҳуқуқ соҳаси бўйича мутахассислик кўрсатилмоғи лозим. Шунингдек, ариза топширишда у ўз шахсни тасдиқловчи (паспорт ёки уни ўрнини босувчи) ҳужжатни кўрсатиши керак.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳловчи шахсларга тавсиянома юрист сифатидаги фаолиятини ҳарактерловчи барча материаллар (ҳуқуқ соҳасида фаолият кўрсатувчи ташкилот, муассаса, корхоналар томонидан берилган маълумотнома – тавсифнома ёки тавсиянома) ўрганилгандан кейин берилади.

10. Малака комиссиялари иши билан боғлиқ чиқимларни қоплаш мақсадида, “Адвокатура тўғрисида”ги қонун кучга кир-

гунга қадар адвокатлар ҳайъатларининг аъзоси бўлган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоиз миқдорида, биринчи бор адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни истаган шахслар эса энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида йигим тўлайдилар.

11. Берилган ариза, тегишли адлия органи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар билан солиштириб кўрилади, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги Ахборот Марказидан судлаганлик ҳақидаги маълумотлар талаб қилиб олинади;

ариза тегишли тартибда ҳисобга олинади; малака имтиҳони топшириш куни ва вақти белгиланади ёхуд имтиҳон қабул қилиш куни ва вақти барча ҳужжатлар топширилган куни ёки эртасига аризачига шахсан хабар қилиниши керак.

Агар имтиҳон куни аризачи узрли сабаблар билан келмай қолса, малака комиссияси уни кейинги имтиҳонга қўйиш ҳақида қарор қабул қилиб, унга имтиҳон ўтказиладиган кун ҳақида қўшимча хабар қилади.

Аризаларни қабул қилиш, ҳисобга олиш, имтиҳон топширишга ҳужжатларни тайёрлаш ва имтиҳон ўтказиш куни ҳақида ахборот бериш малака комиссияси масъул котиби томонидан амалга оширилади.

12. Малака комиссияси аризани кўриб чиқиб қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

аризачини малака имтиҳонига кўйиш ҳақида;

аризачини малака имтиҳонига қўйишни рад қилиш ҳақида;

аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида;

Аризачини малака имтиҳонига қўйишни рад қилиш ҳақидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин. Агар ариза билан мурожаат қилган шахс:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса;

олий юридик маълумотга эга бўлмаса;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан суд тартибда маҳрум қилинган бўлса;

судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган бўлса;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса.

Ушбу Низомнинг 9–бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, ариза кўрилмасдан қолдирилади.

Малака имтиҳонига қўйишни рад қилиш ёки аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги қарор тўғрисида аризачига сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабар қилинади.

13. Ариза берган ва малака имтиҳонига қўйилган шахсга имтиҳон варақаси берилади.

14. Имтиҳонга тайёргарлик кўришда малака комиссияси тақдим қилинган ҳужжатлардан келиб чиқиб, имтиҳон топширувчининг ҳуқуқнинг қайси соҳаси бўйича ихтисослашганини эътиборга олади. Шундан келиб чиқиб, малака комиссияси имтиҳон топширувчига у ихтисослашган ёки ихтисослашмоқчи бўлаётган ҳуқуқ соҳасини ўз ичига олган гуруҳ саволлардан иборат билетларини таклиф қилади.

15. Имтиҳон билетларида учтадан ортиқ бўлмаган, иккитаси тегишли ҳуқуқ соҳаси назарияси, биттаси ҳуқуқ соҳаси нормаларини амалиётда қўллаш билан боғлиқ саволлар бўлади. Охиргисида амалий вазифани ечиш, берилган ҳолатлар бўйича ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган процессуал ҳужжат лойихасини тузиш, уларни қўллаш тартиби ва услубини тушунтириш талаб қилиниши мумкин.

16. Имтиҳон ёзма иш шаклида қабул қилинади. Билетдаги барча саволларга тўлиқ жавоб берилиб, у имтиҳон топширувчи томонидан ўқилиб берилиши керак.

Масъул котиб томонидан баённома юритилиб унга комиссия аъзолари томонидан берилган қўшимча саволлар ва имтиҳон топширувчининг жавоблари киритилади. Баённомага имтиҳон топширувчининг имтиҳон билети саволларига берган ёзма жавоби қўшиб қўйилади.

Баённома имтиҳон топширувчи, масъул котиб ва малака комиссияси мажлисида раислик этувчи томонидан имзоланади.

17. Малака комиссияси ўтказилган имтиҳон натижаларига кўра, имтиҳон топширган шахснинг адвокатлик фаолиятига тайёр ёки тайёр эмаслиги ҳақида қарор қабул қилади.

Қарор имтиҳон топширувчининг иштирокисиз очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Комиссия аъзоларининг алоҳида фикри баённомага киритилади. Қабул қилинган қарор имтиҳон топширган шахсга овоз бериш ёки шу кунга тайинланган имтиҳонлар тугагач эълон қилинади.

Комиссия қарори алоҳида ҳужжат сифатида расмийлаштирилиб, имтиҳонда қатнашган комиссия аъзоларини барчаси томонидан имзоланиб, сақлаш учун тегишли адлия органига топширилади.

Имтиҳон топширган шахсга қарор нусхаси уч кундан кечиктирилмасдан берилади.

18. Малака комиссиясининг масъул котиби малака комиссияси қароридан нусха беришда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш, малака комиссияси қарори устидан шикоят келтириш тартибини тушунтириб, бу ҳақда малака имтиҳонини топширган шахсдан тилхат олади.

19. Даъвогар малака имтиҳонини муваффақиятли топширса, малака комиссияси масъул котиби ҳужжатларни (малака комиссияси қарори нусхаси, диплом нусхаси, адвокатларнинг республика жамоат Уюшмасининг тегишли бўлими тавсияномаси, умумий меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатни) лицензия берувчи адлия органига юборади.

20. Малака имтиҳонини топшира олмаган шахс малака комиссияси қарори устидан унга қарор нусхаси топширилган кундан бир ой ичида Олий малака комиссиясига шикоят қилиши мумкин. Олий малака комиссияси шикоят келиб тушиши биланок, малака комиссиясидан барча ҳужжатларни талаб қилиб олади. Олий малака комиссияси қарори узил-кесил бўлиб, шикоят қилинишига йўл қўйилмайди.

21. Малака имтиҳонини топшира олмаган шахснинг илтимосига кўра, унга комиссия қарори топширилгандан кундан бир ойдан ўтиб, аризага илова қилинган барча ҳужжатлар (йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан ташқари) қайтарилиши мумкин.

Талаб қилиб олинмаган ҳужжатлар тегишли адлия органида бир йил сақланиб, бу муддат ўтгач, малака комиссияси масъул котиби томонидан алоқа бўлими орқали эгасига жўнатилади.

22. Малака имтиҳонини топшира олмаган шахс қайта имтиҳонга имтиҳон ўтказилган кундан бир йилдан сўнг қўйилиши мумкин.

23. “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунга кўра малака комиссияси адвокатура фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатлари талабини бузганлиги туфайли адвокатга интизомий чора қўллаш масалаларини кўриши ва тегишли қарор қабул қилиши мумкин.

24. Малака комиссияси қарори билан адвокатга қуйидаги таъсир чоралари қўлланиши мумкин;

огоҳлантириш;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор қилиш.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш ҳақидаги малака комиссиясининг қарори ижро қилиш учун тегишли адлия органига юборилади.

25. Адвокатга интизомий чора қўллаш ҳақидаги масалани кўришдан илгари малака комиссияси у ишлаётган адвокатлар фирмаси, адвокатлар ҳайъати, агар у яқка фаолият билан шуғулланаётган бўлса, тегишли адвокатлар жамоат Уюшмаси ҳудудий бўлимига тушган шикоят ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тақдимномасида кўрсатилган ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур текшириб хулоса беришни сўраб талабнома юборади. Зарур ҳолларда эса қўшимча маълумотлар талаб қилиб олиши мумкин. Барча зарур ҳужжатлар тўплангач, комиссия мажлиси тайинланиб, унга интизомий иш кўзғатилган адвокат ҳам таклиф қилинади.

26. Интизомий иш кўрилгунга қадар, адвокатдан ёзма тушунтириш олинади. Адвокатни ёзма тушунтириш беришдан бош тортиши ишни кўрмай қолдиришга асос бўла олмайди.

Адвокат малака комиссияси мажлисига келмаса, интизомий ишни кўриш бошқа кунга қолдирилиб, унга комиссияни кейинги мажлиси кунини ҳақида ёзма хабарнома юборилади.

Агар адвокат малака комиссиясининг кейинги мажлисига ҳам узрсиз сабаб билан келолмаса, бу интизомий ишни уни иштирокисиз кўрилишига тўсиқ бўла олмайди.

27. Интизомий чора қўллаш ҳақида қарор қабул қилишда малака комиссияси йўл қўйилган ноҳўя ҳаракатни оғирлиги, иш ҳолатлари, адвокатни олдинги ишлари ва хулқини эътиборга олиши лозим.

28. Малака комиссияси мажлисида аъзоларининг учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, қарор қабул қилишга ваколатли.

29. Мажлисида қатнашаётган малака комиссияси аъзоларининг учдан икки қисми овоз берган тақдирдагина малака комиссияси қарори қабул қилинган ҳисобланади. Қарор иши кўрилатган адвокатни иштирокисиз очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Овоз бериш натижалари билан қабул қилинган қарор интизомий иши кўрилган адвокатга комиссия мажлиси тугагач эълон қилинади.

30. Интизомий иши кўрилган адвокатга қарор нусхаси комиссия мажлисидан сўнг уч кундан кечиктирилмасдан берилади.

Малака комиссияси масъул котиби малака комиссияси қароридан нусха беришда шикоят келтириш тартибини тушунтириб, бу ҳақда тилхат олади.

31. Лицензияни амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарор устидан ушбу қарор нусхаси олинган кундан бир ой муддат ичида Олий малака комиссияси ёки судга шикоят берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳайъати ва
Ўзбекистон Адвокатлар Уюшмаси
бошқарувининг 1997 йил 13 мартдаги
қўшма қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисида
НИЗОМ

1. Малака комиссияларининг қарорлари устидан келтирилган шикоятларни кўриб чиқиш, малака комиссиялари иш тажрибасини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун Адлия вазирлиги ходимлари ҳамда адвокатлардан тенг миқдорда киритилган ҳолда Адлия вазирлиги ҳузурида Олий малака комиссияси тузилади.

2. Олий малака комиссияси шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адвокатларнинг республика жамоат Уюшмаси томонидан адвокатлардан ва адлия вазирлиги ходимлардан тенг миқдорда киритилган ҳолда 10 кишилик таркибда уч йиллик ваколат муддатига тасдиқланади.

3. Олий малака комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилиш учун комиссия аъзолари ичидан комиссия мажлисларида (узлуксиз икки мажлисдан ортиқ эмас) навбат билан раислик қилувчи ҳамраислар сайланади.

4. Комиссия аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларидан бири Олий малака комиссиясининг масъул котиби этиб сайланади.

5. Олий малака комиссияси мажлисларининг даврийлиги заруриятдан келиб чиқилган ҳолда ҳамраислар томонидан белгиланади. Лекин комиссия мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилмоғи лозим.

6. Олий малака комиссияси малака комиссияларининг қуйидаги қарорларига шикоятларни кўришга ваколатли:

имтиҳон натижасига кўра, даъвогар адвокатлик фаолиятини амалга оширишга тайёр эмаслиги ҳақидаги;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор қилиш ҳақидаги.

7. Малака комиссиялари қарорлари устидан шикоят малака комиссияси қарори олинганидан сўнг, бир ой ичида Олий малака комиссиясига берилиши мумкин.

Берилган шикоятлар белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

8. Олий малака комиссияси шикоятини кўришда тегишли малака комиссиялари, адлия органлари ва адвокатлар уюшмаларидан барча зарур ҳужжатларни талаб қилиб олади. Зарур ҳолларда юқоридагилардан қўшимча текшириш ўтказишни талаб қилиши мумкин.

Комиссия мажлиси тайинланган кун ҳақида аризачига камида 10 кун илгари хабар қилинади.

9. Малака комиссияларининг имтиҳон натижаси бўйича қабул қилган қарори устидан шикоят берилганида, Олий малака комиссияси томонидан малака имтиҳони тайинланади.

10. Имтиҳонга тайёргарлик кўришда Олий малака комиссияси тақдим қилинган ҳужжатлардан келиб чиқиб, имтиҳон топширувчининг ҳуқуқнинг қайси соҳалари бўйича ихтисослашганлигини эътиборга олади.

11. Имтиҳон топшириладиган куни ариза берган шахсга, имтиҳон варақаси берилади.

12. Малака имтиҳони ёзма шаклда ўтказилади. Билетдаги барча саволларга тўлиқ жавоб берилиб, у имтиҳон топширувчи томонидан комиссия аъзоларига ўқиб берилади.

Масъул котиб томонидан баённома юритилади, унга комиссия аъзолари томонидан берилган қўшимча саволлар ва имтиҳон топширувчининг жавоблари киритилади. Баённомага имтиҳон топширувчининг имтиҳон билети саволларига берган ёзма жавоблари қўшиб қўйилади.

Баённома имтиҳон топширувчи, масъул котиб ва малака комиссияси мажлисида раислик қилувчи томонидан имзоланади.

13. Олий малака комиссияси ўтказилган имтиҳон натижаси бўйича малака комиссиясини қарорини тасдиқлаш ёки бекор қилиш ва аризачига адвокатлик фаолияти билан шуғул-

ланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилади.

14. Мажлисида қатнашаётган малака комиссияси аъзоларининг учдан икки қисми овоз берган тақдирдагина, Олий малака комиссиясининг қарори қабул қилинган ҳисобланади.

Қарор имтиҳон топширувчининг иштирокисиз, очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Комиссия аъзоларининг алоҳида фикри баённомага киритилади.

Олий малака комиссияси қарори алоҳида ҳужжат шаклида расмийлаштирилиб, мажлисида қатнашган комиссия аъзоларининг барчаси томонидан имзоланади.

Олий малака комиссияси қабул қилган қарор аризага имтиҳонлар тугагач, эълон қилинади.

Олий малака комиссияси мажлисида комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, қарор қабул қилишга ваколатли.

15. Олий малака комиссияси мажлисида комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, қарор қабул қилишга ваколатли.

16. Олий малака комиссияси қарори сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қолдирилиб, нусхаси ижро учун тегишли адлия органига юборилади.

17. Малака комиссияси қарори тасдиқланган тақдирда, аризага малака комиссияси қарори қабул қилинган кундан бир йил ўтгандан сўнгина, қайта имтиҳон топширишга қўйилиши мумкинлиги тушунтирилади. Бу масала бўйича Олий малака комиссиясининг қарори узил-кесил бўлиб, шикоятга йўл қўйилмайди.

18. Малака комиссиясининг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилинишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарори устидан шикоят қилинганда, Олий малака комиссияси тегишли малака комиссиясидан интизомий иш қўзғатиш ва интизомий чора қўллашга асос бўлган барча материалларни, шунингдек берилган шикоятни ҳолисона кўришлик учун зарур бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилиб олади.

Барча материаллар ва ҳужжатлар ўрганиб чиқилгач, Олий малака комиссияси ҳамраисларидан бири комиссия мажлисини тайинлайди, унга тегишли малака комиссияси қарорига шикоят берган адвокат ҳам таклиф қилинади.

19. Олий малака комиссияси мажлисига шикоят берган адвокат келмаса, масалани кўриш комиссиясининг кейинги мажлисига қолдирилиб, унга бу ҳақда ёзма хабар юборилади. Адвокатни иккинчи марта ҳам узрсиз, сабабсиз келмаслиги, шикоятни уни иштирокисиз кўришга тўсиқ бўла олмайди.

20. Олий малака комиссияси шикоятни кўриш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

малака комиссиясининг қарорни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида;

малака комиссиясининг қарорини ўзгартириш ҳақида;

малака комиссиясининг қарорини бекор қилиш ҳақида;

21. Олий малака комиссияси шикоят қилинган малака комиссияси қарорини ўзгартирган ёки бекор қилган ҳолларда, бу ҳақдаги қарор нусхаси илгари талаб қилиб олинган материаллар ва ҳужжатлар билан бирга ижро қилиш учун тегишли адлия органига юборилади.

22. Олий малака комиссиясига тегишли малака комиссиясининг лицензия амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарорни ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги қарори устидан шикоят билан мурожаат қилган шахс, бу қарор нусхасини олгач, бир ой ичида судга шикоят бериши мумкин.

Олий малака комиссиясининг масъул котиби, қарор нусхасини шикоят берган шахсга топширишда шикоят қилиш тартибини тушунтириб, бу ҳақда тилхат олади.

Олий малака комиссиясининг қароридан нусха комиссия мажлиси ўтгач, уч кундан кечиктирилмасдан, шикоят берган шахсга топширилади.

23. Олий малака комиссияси шикоятларни кўриб чиқишдан ташқари, ҳар олти ойда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларни ишини умумлаштирилади ва таҳлил қилади. Бунинг учун тегишли малака комиссияларидан барча зарур материалларни талаб қилиб олади.

**Ўзбекистон Адвокатлар
Ассоциацияси
таъсис съездида
1997 йил 1 августда
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДВОКАТЛАР
КАСБ ЭТИКАСИ ҚОИДАЛАРИ**

Адвокатлар касб этикаси қоидалари – бу адвокатлар ўз касб вазифасини адо этиш жараёнида, уларнинг одоб-ахлоқи, миждо ва ҳамкасблар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат, бошқарув ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларига қўйилган талаблардир.

Мазкур қоидаларнинг таъсир доирасига адвокатлар, адвокатура органлари кирадилар.

Адвокат ушбу қоидаларга, «Адвокатура тўғрисида»ги қонун ва қонунчиликка қатъий риоя қилиб, одил судлов процесси иштироқчиси сифатида ўз шаъни, қадр-қимматини сақлаши, адвокатуранинг жамиятдаги мавқеи, обрўсини кўтариши лозим.

Адвокатнинг касбий этикасига оид баъзи масалалар қонун мазкур қоидалар доирасидан четда олган тақдирда адвокат, адвокатурада амал қилиб келинган, жамиятнинг маънавий тамойиллари ва талабларига жавоб берувчи урф-одатларга бўйсунishi лозим.

Касб этикаси қоидаларини бузиш Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни, «Малака комиссияси тўғрисида»ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатларга биноан интизомий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

I. Умумий қоидалар

Адвокат жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолиятни қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда амалга оширади.

Адвокат ўзининг одоб-ахлоқи билан халқ ўртасида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлади.

Адвокатлик шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлар бу адвокатлик касбининг обрўсини туширадиган ва жамиятнинг унга нисбатан бўлган ҳурмати ва ишончига путур етказадиган хатти-ҳаракатлардир.

Адвокатлар касб этикаси адвокатлар томонидан қонунларга қатъиян риоя қилишни талаб этади.

II. Адвокатнинг касбий, шахсий шаъни ва ор-номуси

2.1. Адвокат ўз шаъни ва қадр-қимматини сақлаш мақсадида қуйидагиларга риоя қилиши лозим:

- хушмомала, одобли, жонкуяр, ҳалол, инсофли бўлиши ва ўз касб вазифасини сидқидилдан бажариши;

- юқори касб малака даражасига интилиши, ҳимоянинг қонун йўл қўядиган барча усулларида фойдаланиши, ўз позициясини фаол ҳимоя қилиши;

- адвокатлик сирини сақлаши;

- адвокатуранинг ва адвокатнинг шахсий обрўсини тўқадиган ҳаракатларга йўл қўймаслиги, адвокатуранинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга кўмаклашиш;

- ўзининг ҳуқуқ соҳасидаги билимларини оширишга интилиши ва ҳоказолар.

2.2. Адвокатга қуйидагилар ман этилади;

- ўз-ўзини реклама қилиш (адвокат томонидан кўрсатиладиган ҳуқуқий ёрдам турлари, иш вақтидан ташқари);

- мижозларни норасмий ахлоқсиз йўллар билан жалб қилиш (ҳуқуқини муҳофаза қилиш органлари билан хизмат ва шахсий алоқаларини суистеъмол қилган ҳолда мижозларни жалб этиш, мижозга ўз иштироқи билан ишда яхши натижа ваъда қилиш ва ҳоказолар);

- мижоз билан келишилмаган ҳолда ҳуқуқий позицияни белгилаш;

- ундан юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг манфаатларига зид ҳаракат қилиш;

- мижознинг розилигисиз ва бунга зарурат бўлмаган ҳолда мижоз шахсий ҳаёти ҳақида маълумот йиғиш;

- адвокатлик сирини ҳисобланган маълумотларни ошкора қилиш, жумладан мижознинг шахсий ҳаётига оид у билан шартнома бўйича хизмат муносабатлар тугатилгандан кейин ҳам;

- адвокатлик сири бўлган масалалар бўйича гувоҳлик бериш;
- процесс қатнашчиларини ҳақоратлаш ёки қўпол хатти-ҳаракатларга нисбатан ўша йўсинда жавоб бериш;
- иш бўйича гувоҳ, жабрланувчи, экспертлар билан суддан ташқари баҳслашиш;
- иш учун зарур бўлмаган процесс иштирокчилари ёки бошқа шахсларнинг обрўсини тўкадиган ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва тақдим қилиш;
- келишув музокаралари жараёнида иш бўйича иккинчи томондан олинган маълумотларни уларга қарши ишлатиш (процесс пайтда ёки ундан кейин);
- мулк ёки унга нисбатан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқини (ўзининг номига ёки бошқаларга олиб бериш баҳонаси билан) сотиб олиш ёки бошқа усулда ўзлаштириш.

2.3. Адвокат мижоз маълум қилган маълумотнинг иш учун зарур бўлган қисмини қуйидаги ҳолларда ошкора қилиши мумкин:

- мижознинг рухсати билан, агарда шундай ахборот мижоз манфаатини ҳимоя қилиш учун керак бўлса;
- адвокат ва мижоз ўртасидаги баҳсни ҳал қилишда адвокатнинг позициясини асослаш ёки мижоз иштирок этган ҳаракатлар натижасида адвокатга қарши қўзғатилган ишда ўз-ўзини ҳимоя қилиш мақсадида;
- мижознинг розилиги билан унинг манфаати йўлида бошқа адвокатлар билан мазкур иш бўйича маслаҳатлар қилиш лозим бўлганда.

2.4. Мижоз томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги учун адвокат жавобгар эмас, шунингдек агар бу ҳужжатлар қалбаки бўлиб, адвокат бундан беҳабар бўлса.

III. Адвокатларнинг ўзаро муносабатлари

3.1. Адвокат ўз ҳамкасбларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши, ўзаро муносабатларида оқил, бўлиши зарур бўлган ҳолларда ҳамкасбларига қўлидан келган ёрдамини аямаслиги лозим (ҳуқуқий позицияни ҳимоянинг турлари, йўсини, мақсадга мувофиқ бўлган усуллари танлашда).

3.2. Адвокат қуйидагиларга ҳақли эмас:

- ҳуқуқий ҳужжатларда мижозга ва бошқа шахсларга ёзилган хатларда мансабдор шахслар ва бошқаларнинг шаънига тегадиган беҳурмат сўз ва ибораларни ишлатишга;

- ишни аввал олиб борган адвокат ҳарактларини мижоз билан муҳокама қилишга ёки уни беҳурмат қилишиб, номига доғ туширишга;

- мижознинг олдида бошқа бир адвокатнинг берган маслаҳатларини тўғри эканлигини гумон остига қўйишга (аммо ҳамкасбини кўрган пайтда унинг обрўсини тўкмай ушбу хатони тузатиш йўлини қидириши лозим);

- бошқа адвокатнинг олган гонорарини мижоз билан муҳокама қилишга.

3.3. Адвокат узрли сабаларга кўра суд мажлисида қатнаша олмаса мажлисни бошқа вақтга кўчиришни илтимос қилиши ва узрли сабабини олдиндан судга, томонларга, адвокатура раҳбариятига ва ишда қатнашувчи бошқа адвокатларга маълум қилиш лозим.

3.4. Агар мижоз адвокатдан аввал ёллаган адвокати билан биргаликда иш олиб боришни илтимос қилса, у ўз ҳамкасбининг бу таклифга розилигини аниқлаши, ҳамкасби норози бўлган тақдирда, бу тўғрида мижозга маълум қилиши, икки адвокатдан бирини танлаш зарурлигини тушунтириши лозим.

3.5. Адвокат ҳамкасби устидан қўзғатилган ишда бошқа тарафдан қатнашаётган бўлса, бу ҳақда адвокатура раҳбариятини ва ўз ҳамкасбини хабардор этиши ва ишини келишув билан тугатишга ҳаракат қилиши. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда мазкур ишда мижознинг манфаатини кўзлаган ҳолда қатнашиши ва ҳамкасби билан алоқада бўлмаслиги лозим.

3.6. Адвокат ҳамкасбига унинг хатосини, касб этикаси қоидаларини қўпол равишда бузганлигини тушунтириши лозим. Агар бу чоралар кор қилмаса, у адвокатура раҳбариятига мурожаат қилишга ҳақлидир.

IV. Адвокатнинг мижоз билан муносабати

4.1. Адвокат юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг муаммоси моҳиятини чуқур ўрганиб, уни мижозга содда қилиб тушунтириши, қонунга таянган ҳолда баҳо бериши лозим.

4.2. Давлат ҳимояси ёки шартномага асосан ҳимояни ўз зиммасига олган адвокат унинг суд ёки терговга йўллаган илтимосномалари қондирилмагунча ва бу ҳақда адвокатлик бирлашмасига маълум қилинмагунга қадар ҳимоя, вакилликдан бош тортиши мумкин эмас.

4.3. Адвокат қуйидаги ҳолларда ишда қатнашишга ҳақли эмас:

-айнан шу иш бўйича ҳуқуқий ёрдам сўраганларга қарама-қарши томонга шундай ёрдам кўрсатган ёки кўрсатмоқчи бўлса;
-мазкур иш бўйича у аввал судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, гувоҳ, ҳолис сифатида иштирок этган бўлса.

4.4. Ишда қатнаша олмаслиги ҳақидаги илтимоснома суд ва тергов органлари томонидан қаноатлантирилган тақдирда адвокат миждозни ва адвокатлар бирлашмаси раҳбариятини бу ҳақда кечиктирмай хабардор қилиши лозим. Негаки миждоз бошқа адвокат ёллаш имкониятига эга бўлиши керак.

4.5. Адвокат миждознинг талаблари бажарилишига кафолат бериши ман этилади.

4.6. Агар адвокат даъвонинг ёки эътирознинг асослигига шубҳа қилса, миждоз билан шартнома тузган ҳолда ҳам, унга даъво қондирилмаслиги мумкинлигини тушунтириши лозим. Даъво талаблари ёки эътирозларнинг асоссизлиги, ишда ҳуқуқий позиция йўқлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда адвокат ўз фикрини миждозга маълум қилиши шарт.

Агар даъвонинг ёки эътирознинг асоссизлиги суд жараёнида маълум бўлса ва миждоз унинг ишда иштирок этишда давом этишини талаб қилса, адвокат қонун ҳужжатларни аралаштирмай, миждознинг талаб ва эътирозлари билангина чегараланиши лозим.

4.7. Адвокат ҳуқуқий позициясини юридик ёрдам сўрган шахс билан келишиши шарт ва унинг розилигисиз позицияни ўзгартиришга ҳақли эмас (Мазкур қоидаларнинг 4.9. ва 4.10. моддалари бундан мустаснодир).

4.8. Адвокат ҳимоясидаги шахс ўзини айбсиз деб билса, унинг айби исботланган дейишга ёки айбига иқрор бўлишига ундашга ҳақли эмас.

4.9. Ҳимояланувчи айбига иқрор бўлганда ҳам, адвокат унинг айбдорлигига шубҳа қилса, беайблигини таъкидлаш, исботлаш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳолда адвокат ҳимояланувчидан ўзгача

мустақил позицияни эгаллаб ҳимоясидаги шахснинг оқланиши-ни талаб қилиши мумкин.

4.10. Агар мавжуд далиллар химояланувчининг ҳаракатида унга қўйилган айбга нисбатан енгилроқ аломатлар борлигини исботласа, адвокат ҳимоясидаги шахсга бу ҳақда маълум қилиши ва у билан енгилроқ жиноятни назарда тутган позицияни келишиб олиши (мумкин) лозим.

4.11. Жиноий гуруҳ иши бўйича қатнашганда ва айрим химояланувчиларнинг манфаатлари орасида зиддиёт мавжуд бўлган ҳолларда адвокат суд суриштируви жараёнида ўзининг ҳимоясидаги шахсга тааллуқли, унинг айбини инкор этувчи, айбдорлигига гумон туғдирувчи ёки айбини енгиллаштирувчи далилларни тўплаб, уларни баҳолаши ва бу ҳақда ўзининг ҳимоя нутқида баён этиши лозим.

4.12. Адвокат жабрланувчини ёлғон, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатув беришга ундашга ҳақли эмас.

4.13. Юридик хизмат учун тўланадиган гонорар миқдори адвокат ва мижоз ўртасида келишилган ҳолда адвокатура органи раҳбари иштирокида белгиланади.

V. Адвокатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат, жамоат ва бошқа турдаги ташкилотлар билан муносабатлари

5.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат ва жамоат ташкилотларида адвокат ўз касб вазифасини бажаришда жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил сифатида ёндошмоғи лозим.

5.2. Адвокат судьялар ёки бошқа процесс иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатидан норозилик билдирмоқчи бўлса, буни фақат қонунда белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин.

5.3. Адвокат тергов ҳаракатлар муддатини ёки суд муҳокамасини пайсалга солишга ҳақли эмас.

VI. Адвокатнинг адвокатлар ўз-ўзини бошқарув органлари ва малака комиссияси билан муносабатлари

6.1. Адвокатлар ўз-ўзини бошқарув органларини ҳурмат қилиши, мазкур орган қабул қилган ва адвокатура фаолияти-

ни тартибга солувчи қарор ва йўриқномаларга бўйсунитиши лозим.

6.2. Адвокат адвокатура органларига барча касбий ва жамоат ёрдамидини кўрсатиши лозим.

6.3. Адвокат адвокатура органига чақиртирилса, дарҳол етиб келиши, узрли сабабларга кўра кела олмаган тақдирда, мазкур органга бу ҳақда хабар бериши лозим.

6.4. Адвокатга қарши жиноий иш қўзғатилса, хусусий айбнома ёки адвокат шаънига доғ тушурувчи ҳаракатлари устидан даъво иши юритилса, у бу ҳақда адвокатура органлари раҳбарига маълум қилиши шарт

**Ўзбекистон Адвокатлар
Ассоциацияси таъсис съездида
1997 йил 1 августда
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН**

**Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг
Тафтиш комиссияси тўғрисида
Н И З О М**

Мазкур Низом Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг Тафтиш комиссияси фаолиятини тартибга солиди.

1. Тафтиш комиссияси Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси Уставига мувофиқ Адвокатлар Ассоциациясининг съезди томонидан ташкил этилади. Унинг аъзолигига сайловга қадар камида 5 йиллик адвокатлик иш стажига эга бўлган ва Ассоциация аппаратида мансабдор бўлмаган делегат адвокатлардан сайланади.

2. Тафтиш комиссияси аъзолари очиқ овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга оддий кўпчилик овоз билан сайланадилар.

3. Тафтиш комиссиясининг сон жиҳатидан таркибини Ассоциация съезди белгилайди.

4. Тафтиш комиссияси аъзолари ўз сафидан очиқ овоз бериш йўли билан Тафтиш комиссиясининг раиси ва раис ўринбосарини сайлайди.

5. Тафтиш комиссияси мажлиси Раис томонидан бир йилда камида бир марта чақирилади.

6. Тафтиш комиссияси:

Адвокатлар Ассоциацияси Бошқаруви ва Адвокатлар жамғармасининг хўжалик ҳамда молиявий фаолиятини тафтиш қилади;

Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси аъзолари томонидан аъзолик бадалларини тўғри тўланишини текширади;

Бошқарувга тушган таклиф, шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини назорат қилади.

7. Тафтиш комиссияси аъзолари:

Адвокатлар Ассоциацияси Бошқаруви ва Раёсатининг барча мажлисларида маслаҳат овоз билан қатнашиш;

тафтиш ўтказиш жараёнида керак бўлиб қолса, ўз ишларига мутахасисларни таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

8. Тафтиш комиссияси аъзоларининг иши жамоатчилик асосида ташкил этилади. Тафтиш ўтказиш билан боғлиқ ҳақиқатан бажарилган ишларгагина ҳақ тўланади. Тафтиш комиссияси фаолияти билан боғлиқ ҳамда сарфлар Адвокатлар Ассоциацияси маблағлари ҳисобига, унинг харажат сметасига мувофиқ амалга оширилади.

9. Тафтиш комиссияси Адвокатлар ҳайъати, Адвокатлик фирма ва Бюроларига нисбатан назорат-тафтиш ваколатига эга эмас.

10. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Адвокатлари съезди олдида ҳисобот беради.

Тафтиш натижалари ва улардан келиб чиқадиган амалий таклифлар съездлар оралиғида Тафтиш комиссияси томонидан Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси Бошқарувига кўриб чиқиш учун киритилади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигида
2003 йил 7 апрелда
310-сон билан
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

Ўзбекистон Адвокатлар
Ассоциациясининг
III-съезди томонидан
2003 йил 6 февралда
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН

О‘ЗБЕКИСТОН АДВОКАТЛАР АССОТСИАТСИЯСИ

УСТАВИ

I-боб

Умумий қондалар

1-модда. Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси (бундан буён “АССОЦИАЦИЯ”) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган ва унга кўра фаолият юритувчи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг касбий жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

2-модда. АССОЦИАЦИЯ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлимларига эга (бундан буён “БЎЛИМ”).

3-модда. АССОЦИАЦИЯ адвокатларнинг мустақил, ўз-ўзини бошқарувчи, фойда олиш мақсадларини назарда тутмайдиган жамоат бирлашмаси шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотидир.

АССОЦИАЦИЯ қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

- аъзоларининг тенг ҳуқуқчилиги;
- ўз-ўзини бошқариши;
- ошкоралик;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимо-

яси тўғрисида”ги, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунларига, бошқа қонуний ҳужжатларга ва ушбу Уставга амал қилиш.

4-модда. АССОЦИАЦИЯ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг органлари билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади.

II-боб

Ассоциациянинг ҳуқуқий мақоми

5-модда. АССОЦИАЦИЯ юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатга олинган ўзининг белгиси, муҳри, тамғаси ва ўз номи ва рамзи туширилган бланкка эга.

6-модда. АССОЦИАЦИЯ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва мазкур Уставда белгиланган мақсадга эришиш учун ўз номидан битимлар тузиш, мол–мулкка ва номулкий ҳуқуққа эга бўлиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиш, белгиланган тартибда бўлимлар ташкил этиш ҳуқуқига эга.

7-модда. АССОЦИАЦИЯ мустақил балансга, банкларда сўм ва валюта ҳисоб рақамларига эга бўлади, ўз–ўзини молиялаш ва харажатларини қоплаш асосида фаолият юритади.

8-модда. АССОЦИАЦИЯ ўз аъзоларининг мажбуриятлари учун, аъзолари эса АССОЦИАЦИЯ мажбуриятлари учун жавобгар эмас.

9-модда. АССОЦИАЦИЯнинг манзили: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5 уй.

III-боб

Ассоциациянинг асосий мақсад ва вазифалари

10-модда.

– демократик ҳуқуқий давлатнинг кучли, мустақил адвокатура тизимини барпо этишга кўмаклашиш;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, барча адвокатлар ва адвокатлик тузилмаларининг ўз касбий ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишида тенгликка эришиш;

– адвокатларнинг касб ахлоқи ва этикаси Қоидаларига қатъий риоя қилишларини таъминлаш, касбий ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва қонунчилик ҳужжатларига қатъий риоя қилган ва уларни бажарган ҳолда амалга оширишларига кўмаклашиш;

– адвокатлар ва адвокатлик тузилмаларининг ҳимоячи ва вакил сифатида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишдаги касбий фаолиятини ҳимоялаш, давлат органлари ва жамоат ташкилотларида уларнинг манфаатларини ифодалаш;

– адвокатларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларни рағбатлантириш;

– адвокатуранинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши йўллари ва стратегиясини ишлаб чиқиш;

– Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ишларида иштирок этиш;

– Қонун лойиҳалари, шу жумладан адвокатура фаолияти, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларига тааллуқли лойиҳаларни тайёрлаш ва муҳокама этишда иштирок этиш, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларига кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларига адвокатлик фаолияти масалалари бўйича хулосалар бериш;

– адвокатлик фаолиятига тааллуқли ва адвокатлик тузилмалари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ва тасдиқлаш;

– адвокатларга касб малакасини оширишда ва узлуксиз ҳуқуқий таълим олишларида амалий ёрдам кўрсатиш;

– аҳоли орасида ҳуқуқий тарбияни олиб бориш ва ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда иштирок этиш;

– адвокатлик фаолияти ҳақида статистик маълумотларни йиғиш ва ўрганиш, ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш, адвокатларга услубий ёрдам кўрсатиш;

– адлия органлари ҳузуридаги малака комиссиялари фаолиятида иштирок этиш;

– адвокатура манфаатларига дахлдор масалаларнинг давлат органлари томонидан ҳал этилишида қатнашиш;

АССОЦИАЦИЯнинг босма нашрларини қонунчиликда белгиланган тартибда (журнал, ахборотнома, газета ва бошқалар) ташкил этиш;

– Ассоциациянинг ижтимоий жамғармаларини қонунчиликка асосан ташкил этиш:

– хорижий давлатлар адвокатлари ва уларнинг уюшмалари билан, Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини таъминлаш билан шуғулланадиган турли давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш ҳамда ҳамкорлик қилиш;

– адвокатлик фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши масалалари бўйича илмий–амалий анжуманлар, симпозиумлар, семинарлар ташкил қилиш ва ўтказиш, Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳаларга доир қонунчиликни такомиллаштиришга кўмаклашиш, шунингдек республикада ва хорижда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат ташкилотлари, фондлар ва бошқалар томонидан ташкил қилинадиган шундай тадбирларда иштирок этиш.

IV-боб

Ассоциацияга аъзолик

11-модда. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ адвокат мақомига эга бўлган, АССОЦИАЦИЯ Устави ва “Адвокатлар касб этикаси Қоидалари”ни тан олувчи ва унга риоя қилувчи, АССОЦИАЦИЯ фаолиятида иштирок этувчи, белгиланган тартибда аъзолик бадалларини тўловчи шахслар АССОЦИАЦИЯ аъзоси ҳисобланади, шунингдек АССОЦИАЦИЯга аъзо бўлиш истагини билдирган ёши, ногиронлиги ва бошқа сабаблар бўйича ишламайдиган, нафақадаги адвокатлар АССОЦИАЦИЯга фаҳрий аъзо бўлишлари мумкин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ адвокатлик мақомига эга бўлган шахслар АССОЦИАЦИЯга аъзо бўлади. АССОЦИАЦИЯ аъзолигига якка тартибда қабул қилиш адвокатнинг ёзма аризасига асосан, жамоа тартибда қабул қилиш жамоанинг қарорига асосан амалга оширилади.

13-модда. АССОЦИАЦИЯга аъзо бўлиш ва ундан чиқиш ҳақидаги қарор тегишли ариза, тақдимнома асосида Ассоциация бўлимининг Раёсат мажлисида учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади.

14-модда. Якка тартибда АССОЦИАЦИЯ аъзолигидан чиқиш ёки чиқариш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- АССОЦИАЦИЯ аъзосининг аризасига кўра;
- АССОЦИАЦИЯ аъзоси вафот этса;
- АССОЦИАЦИЯ Уставига риоя қилмаган тақдирда;
- адвокатнинг белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бекор қилинган ҳолда;

- аъзолик бадалларини узрсиз сабабларга кўра ярим йил мобайнида тўламаганда;

- АССОЦИАЦИЯ аъзоси доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетса;

15-модда. Аъзолик бадалларининг миқдори, уларни тўлаш ва сарфлаш тартиби БОШҚАРУВ томонидан белгиланади. АССОЦИАЦИЯнинг фахрий аъзоларига нисбатан аъзолик бадалларини тўлашда имтиёзлар берилиши мумкин.

16-модда. АССОЦИАЦИЯ аъзоси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- АССОЦИАЦИЯнинг бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш;

- АССОЦИАЦИЯнинг съездлари, конференциялари, йиғилишлари ва мажлисларида иштирок этиш;

- АССОЦИАЦИЯ, унинг бўлимлари фаолияти ҳақида ахборот олиш, фаолиятига доир таклифлар киритиш;

- АССОЦИАЦИЯ ва унинг органларига адвокатнинг ҳуқуқи, адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг бузилиши масалалари бўйича ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш;

- АССОЦИАЦИЯ ва унинг органларининг касбий ва ижтимоий ҳимоясидан фойдаланиш;

- Адвокатлик фаолияти масалалари бўйича ўтадиган илмий-амалий анжуманлар, конференциялар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш.

17-модда. АССОЦИАЦИЯ аъзосининг мажбуриятлари қўйидагича:

- Устав талабларини бажариш;

- АССОЦИАЦИЯнинг фаолиятида иштирок этиш;

- аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориш.

18-модда. АССОЦИАЦИЯ аъзоларига аъзолик гувоҳнома-си берилади.

Ассоциациянинг бошқарув ва назорат органлари

19-модда. Қуйидагилар АССОЦИАЦИЯнинг бошқарув ва назорат органлари ҳисобланади:

– АССОЦИАЦИЯнинг Олий бошқарув органи адвокатлар Ассоциациясининг съезди (бундан буён “СЪЕЗД”);

– АССОЦИАЦИЯ Бошқаруви (бундан буён “Бошқарув”) коллегиял орган;

– АССОЦИАЦИЯнинг Тафтиш комиссияси – назорат органи.

20-модда СЪЕЗД АССОЦИАЦИЯнинг олий бошқарув органи бўлиб, унинг фаолиятига оид барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

21-модда Съезд тўрт йилда бир марта чақирилади. Съезднинг мутлақ ваколатига доир масалалар бўйича БОШҚАРУВ ёки АССОЦИАЦИЯ аъзолари 1/3 қисмининг ташаббуси билан БОШҚАРУВ навбатдан ташқари СЪЕЗДни чақириши мумкин. Навбатдан ташқари СЪЕЗД чақириш ташаббуси ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч ой мобайнида чақирилиши лозим.

22-модда. СЪЕЗД делегатлари АССОЦИАЦИЯ ҳудудий бўлимларининг конференцияларида сайланади. СЪЕЗДга делегатлар сони ҳудудий бўлимлардан тенг миқдорда бўлиб, уларнинг сони БОШҚАРУВ томонидан белгиланади.

23-модда. СЪЕЗД унга сайланган адвокат вакилларининг (делегатларининг) камида 2/3 қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

24-модда. СЪЕЗДнинг мутлақ ваколатига қуйидагилар киради:

– АССОЦИАЦИЯ Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

– БОШҚАРУВ таркибини тузиш, БОШҚАРУВ ва аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

– БОШҚАРУВнинг ҳисоботларини, жумладан АССОЦИАЦИЯнинг таъминоти учун қилинган харажатлар сметасининг ижросини тасдиқлаш;

– Бошқарув раисини сайланадиган кунга қадар камида беш йил адвокатлик фаолияти билан шуғулланиб келган адвокатлар орасидан тўрт йил муддатда сайлаш;

– тафтиш комиссиясини сайлаш ва БОШҚАРУВнинг молиявий фаолиятини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;

– СЪЕЗДнинг иш тартибини тасдиқлаш;

АССОЦИАЦИЯнинг республика тафтиш органлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ва унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

– адвокатура фаолиятини белгиловчи бошқа низомларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

– АССОЦИАЦИЯни янгидан тузиш ёки тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, тугатиш (янгидан тузиш) комиссиясини тайинлаш;

– қонунда ва Уставда назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

25-модда АССОЦИАЦИЯнинг Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, АССОЦИАЦИЯни тугатиш (янгидан тузиш) тўғрисидаги СЪЕЗД қарорлари, СЪЕЗДда иштирок этаётган делегатларнинг камида 2/3 қисми овози билан қабул қилинади.

26-модда. СЪЕЗД қарори фақат СЪЕЗД томонидан қайта кўрилиши мумкин.

27-модда. АССОЦИАЦИЯ БОШҚАРУВИ АССОЦИАЦИЯнинг ижроия органи ҳисобланади, СЪЕЗДЛАР оралиғида АССОЦИАЦИЯга умумий раҳбарликни амалга оширади ва СЪЕЗДга ҳисобот беради, БОШҚАРУВ РАИСИнинг ўринбосарларини сайлайди.

28-модда. БОШҚАРУВ РАИСИ ва БОШҚАРУВ органининг ваколат муддати тўрт йил. Ваколат муддати тугагач Адвокатлар Ассоциациясининг навбатдаги СЪЕЗДИга қадар ўз фаолиятини давом эттиради.

29-модда. БОШҚАРУВ аъзолари съездда қатнашган вакиллар орасидан съезд белгилаган тартибда очиқ овоз бериш йўли билан ҳар ҳудудий бўлимдан иккитадан СЪЕЗД томонидан сайланади. Бошқарув аъзолигига сайланган АССОЦИАЦИЯ ҳудудий бўлими вакили бошқарув раиси ёки унинг ўринбосарлари

лавозимига сайланганида ёки Ассоциация аъзолигидан чиқарилганда бошқарув аъзолиги ўрни ҳудудий бўлим Раёсат қарорига асосан ҳудуд ҳисобидан тўлдирилади.

30-модда БОШҚАРУВ:

– СЪЕЗДни чақиради, унинг кун тартибини белгилайди, СЪЕЗДга тайёргарлик кўради ва уни ўтказиши, СЪЕЗД қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

– адвокатларнинг СЪЕЗДга вакиллик нормасини тасдиқлайди;

– адвокатлик фаолияти ва адвокатура тузилмаларини такомиллаштиришга оид шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи ишчи гуруҳлар ва комиссиялар тузади;

– бошқарув раиси ўринбосарларини сайланадиган кунга қадар камида беш йил адвокатлик фаолияти билан шуғулланиб келган бошқарув аъзолари бўлган адвокатлар орасидан сайлайди. Жой бўшаб қолганда, ўз таркибига 5 йилдан кам бўлмаган адвокатлик стажига эга бўлган шахсларни ҳудудий бўлимларнинг тавсиясига асосан киритади;

– адвокатларни касб малакасини ошириш ва узлуксиз ҳуқуқий таълим олишини ташкил қилади;

– адвокатларнинг ижтимоий ва касбий ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

– адвокатларнинг касб ахлоқи ва этикаси Қоидасини тасдиқлайди;

– адвокатлик амалиёти андозаларини тасдиқлайди;

– адвокатлик фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари масалаларига тааллуқли қонун лойиҳаларининг муҳокама-масида иштирок этади;

– адвокатларнинг ахборот билан таъминланишини ташкил этади;

– интизомий амалиётни умумлаштиради ва шу муносабат билан зарур тавсияларни ишлаб чиқади;

– аъзолик бадаллари миқдорини белгилайди;

– аъзолик бадалларининг ҳудудий бўлимлар эҳтиёжига қолдириладиган фоизини (қисмини) белгилайди;

– олиб борилган ишлар учун қилинган харажатларни қоплашни, адвокатлик гонорарларини ва ставкаларини ҳисоблаб чиқиш тамойилини белгилайди;

АССОЦИАЦИЯнинг таъминоти учун қилинадиган харажатлар сметасини тасдиқлайди;

- АССОЦИАЦИЯнинг иш режаларини тасдиқлайди;
- БОШҚАРУВ аъзоларининг вазифаларини тақсимлайди;
- АССОЦИАЦИЯ кўмиталарининг таркибини тасдиқлайди;
- БОШҚАРУВ девонининг штатлар жадвалини тасдиқлайди;

– чоп этилаётган даврий ва бошқа нашрлар ва услубий қўлланмаларнинг муҳаррири ва таҳрир кенгаши (ҳайъати)ни тасдиқлайди;

- ҳудудий БЎЛИМлар фаолиятини мувофиқлаштиради;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги

Олий малака комиссиясига адвокатлардан номзодларни кўрсатади;

– адвокатларни рағбатлантириш (мукофотлаш) тўғрисида давлат органларига тақдимномалар киритади;

– БОШҚАРУВ қарорларини мунтазам бажармайдиган, адвокатурани обрўсизлантирган, шунингдек адвокатлик касб этикаси қоидаларини бузган БОШҚАРУВ аъзоларини ўз таркибидан чиқаради, шунингдек, шу каби ҳаракатларни содир этган бошқа адвокатларга нисбатан тегишли чора кўриш учун Олий малака комиссиясига тақдимнома киритади;

– Уставда назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

31-модда. БОШҚАРУВ йиғилиши БОШҚАРУВ РАИСИ томонидан заруриятга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Агар йиғилишда БОШҚАРУВ аъзоларининг ярмидан ортиғи иштирок этса, йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

32-модда. БОШҚАРУВ қарори унда иштирок этаётган БОШҚАРУВ аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш тартибини БОШҚАРУВ белгилайди, овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда бошқарув раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

33-модда БОШҚАРУВ РАИСИ ва унинг ўринбосарлари ҳамда БОШҚАРУВнинг бошқа аъзолари БОШҚАРУВдаги ишларини адвокатлик фаолияти билан бирга олиб боришлари ва БОШҚАРУВдаги ишлари учун БОШҚАРУВ томонидан белгиланган миқдорда ҳақ олишлари мумкин.

34-модда. БОШҚАРУВ РАИСИ (бундан буён “РАИС”) АССОЦИАЦИЯнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тизимидаги юқори мансабдор шахс бўлиб, АССОЦИАЦИЯнинг манфаатларини ифодалайди ва фаолиятини таъминлайди.

РАИС ва унинг ўринбосарлари сайланадиган кунга қадар камида 5 йил адвокатлик фаолияти билан шуғулланиб келган адвокатлар орасидан тўрт йил муддатга сайланади.

35-модда. РАИС ва унинг ўринбосарларидан бири БОШҚАРУВ штатига кирази ҳамда амалдаги Меҳнат қонунчилигига мувофиқ ҳақ олади.

36-модда. БОШҚАРУВ РАИСИ ва унинг ҳақ олиб ишлайдиган ўринбосари ўз ваколатларини бажариш даврида сайланадиган ёки тайинланадиган бошқа лавозимларда ишлаши мумкин эмас (илмий, педагогик ёки адвокатлик фаолият бундан мустасно).

37-модда. РАИС:

– УСТАВГА мувофиқ АССОЦИАЦИЯнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг самарали фаолиятини таъминлайди;

– БОШҚАРУВ девони ходимларини ишга олади ва уларни эгаллаб турган лавозимларидан озод қилади;

– АССОЦИАЦИЯ кўмиталари ва комиссиялари ишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

– АССОЦИАЦИЯнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил этади;

– шартномалар, келишувлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни имзолайди;

– Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда ҳамда хорижда АССОЦИАЦИЯни ифодалайди;

– адвокатга нисбатан интизомий иш қўзғатиш тўғрисида тақдимнома киритади;

– тасдиқланган тушумлар ва харажатлар сметаси доирасида маблағларни тасарруф этувчи ҳисобланади;

– АССОЦИАЦИЯ фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа вазифаларни амалга оширади;

– бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари бўшаб кетган тақдирда бошқарув раиси вазифасини бажаришни БОШҚАРУВ аъзоларидан бирига юклайди;

38-модда. Раиснинг ўринбосарларидан бири АССОЦИАЦИЯ РАИСИнинг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва у йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради.

39-модда. РАИС ўринбосарлари ўз фаолиятларини тақсимланган вазифаларига асосан амалга оширадилар, РАИС томонидан ўзларига юклатилган бошқа вазифаларни бажарадилар.

40-модда. РАИС ва унинг ўринбосарлари эгаллаб турган лавозимларидан муддатидан олдин БОШҚАРУВ томонидан қуйидаги ҳолларда озод этилиши мумкин:

- ўз ваколатини топшириш тўғрисида ариза берганида;
- АССОЦИАЦИЯ аъзолигидан чиққанида ёки чиқарилганида;
- айблов ҳукми қонуний кучга кирганида;
- соғлиги жиддий бузилганида ва бу тиббий текширув билан тасдиқланганида.

VI-боб

Тафтиш комиссияси

41-модда. БОШҚАРУВнинг молиявий-хўжалик фаолиятида АССОЦИАЦИЯнинг мол-мулкидан оқилона фойдаланишини ва маблағларни тўғри сарфланишини назорат қилиш учун 5 кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

42-модда. Тафтиш комиссияси ўзининг якуний фаолияти бўйича СЪЕЗДга ҳисобот беради. Тафтиш комиссияси аъзолари тафтиш комиссиясидаги ишларини адвокатлик фаолияти билан бирга олиб боришлари ва бунинг учун СЪЕЗД томонидан белгиланган миқдорда ҳақ олишлари мумкин.

43-модда. Тафтиш комиссиясининг фаолияти ва унинг тузилиш тартиби Съезд томонидан тасдиқланадиган “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

VII-боб

Ассоциациянинг ҳудудий бўлимлари

44-модда. Ҳудудий бўлимлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, тегишли ҳудуд адвокатла-

рининг камида 20 нафарининг ташаббуси билан тузилади. Ҳудудий бўлим тузиш ташаббускорлари таъсис конференцияларини чақирадилар. Конференцияда ҳудудий бўлим ўзининг бошқарув органларини сайлайди. Ҳудудий бўлим ўз фаолиятини Республика адвокатлар Ассоциациясининг УСТАВИ асосида амалга оширади.

45-модда. Ҳудудий бўлим юридик шахс бўлиб, ўзининг мустақил балансига эга, банкларда ҳисоб рақамларини очади, шунингдек муҳр ва тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик кўрсатилган ўз номи ёзилган бланкка эга бўлади. У ўзининг филиаллари, бўлинмалари ва ваколатхоналарини ташкил этишга ҳақли эмас.

46-модда. Ҳудудий бўлим:

– Ўзбекистон Республикасининг мазкур маъмурий-ҳудудий бирлигининг барча ҳудудларида юридик ёрдамни ташкил этади ва унинг аҳоли учун сифатли кўрсатилишини ва очиқлигини таъминлайди;

– давлат ҳокимияти, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда адвокатларнинг манфаатларини ҳимоя қилади ва ифодалайди;

– адвокатларнинг касбий тайёргарлигини ва уларнинг адвокатлар касб ахлоқи

ва этикаси Қоидаларига, шунингдек адвокатлик амалиётининг андозаларига риоя қилишларини назорат қилади;

– адвокатларни АССОЦИАЦИЯ аъзолигига қабул қилади ва АССОЦИАЦИЯ аъзолигидан чиқаради;

– АССОЦИАЦИЯ Бошқаруви аъзолигидан чиқиб кетган номзод ўрнига бошқа номзодни таклиф этади;

– аъзолик бадалларини ўз вақтида тўланишини назорат қилади;

– аъзолик бадалларини АССОЦИАЦИЯга ўз вақтида ўтказиб беради;

– амалдаги қонунчиликка мувофиқ адвокатлар фаолияти кафолатларини монеликсиз таъминланиши учун зарур чора-тадбирлар кўради;

– ҳудудда адвокатларнинг касбий даражасини ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиши;

– адвокатлар, адвокатлик тузилмалари ҳақида статистик маълумотларни йиғади, уларни таҳлил қилади ва АССОЦИА-

ЦИЯ БОШҚАРУВИга тақдим этади, адвокатлик фаолиятини ижобий томонларини оммалаштиради;

– давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ҳамда БОШҚАРУВда ҳудудий бўлим манфаатини ифодалайди;

– адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олишни истаган фуқароларни муносиблигини аниқлайди ҳамда мазкур масалалар бўйича хулоса тайёрлаб, ҳудудий адлия органлари қошидаги малака комиссиясига тавсиянома беради;

– ҳудудий адлия органлари қошидаги адвокатларнинг малака комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия этади;

– адвокатга нисбатан интизомий иш қўзғатиш ҳақида ҳудудий адлия органлари қошидаги малака комиссиясига тақдимнома киритади;

– ҳудуд адвокатларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ҳақида давлат органларига тақдимномалар киритади;

– БОШҚАРУВнинг қарорларини бажаради.

47-модда. БЎЛИМнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли бўлим аъзолари учун мажбурийдир.

48-модда. БЎЛИМнинг олий органи Конференция ҳисобланади. Адвокатлар конференцияси икки йилда камида бир марта чақирилади.

49-модда. Адвокатлар конференциясида БЎЛИМ аъзоларининг (конференция делегатлари) камида ярми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

50-модда. Адвокатлар конференциясининг ваколатига қуйидагилар киради:

– БЎЛИМ РАЁСАТИни тузиш ва РАЁСАТ аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

– БЎЛИМ тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш;

– БЎЛИМ бўлинмалари (комиссия ва қўмиталари)ни тузиш ва уларнинг ваколатларини белгилаш;

– БОШҚАРУВ белгилаган квоталар доирасида СЪЕЗДга делегатлар сайлаш;

– белгиланган смета доирасида БЎЛИМни таъминлаш учун харажатлар сметасини тасдиқлаш;

– БЎЛИМ тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш;

– РАЁСАТ ҳисоботларини, жумладан РАЁСАТ эҳтиёжга сарфланадиган харажатлар сметасининг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

– РАЁСАТ адвокатлар конференциясининг ва тафтиш комиссиясининг иш тартибларини тасдиқлаш;

– РАЁСАТнинг штатлар жадвалини тасдиқлаш;

– Уставга мувофиқ бошқа қарорлар қабул қилиш;

– ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб аъзолик бадалларининг бўлимга қолдирилган қисмидан ташқари қўшимча фоизлар белгилаш.

51-модда. Унинг қарорлари йиғилишда иштирок этаётган адвокатлар (конференция делегатлари)нинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

52-модда. РАЁСАТ бўлимнинг коллегиял ижроия органи бўлиб, конференциялар оралиғидаги даврда БЎЛИМга умумий раҳбарликни амалга оширади ва БЎЛИМ конференциясига ҳисобот беради.

53-модда. РАЁСАТ мазкур бўлимда рўйхатда турган адвокатлардан 9 кишидан кўп бўлмаган таркибда адвокатлар конференцияси томонидан тўрт йил муддатга сайланади. Адвокатлар конференцияси РАЁСАТ таркибининг камида учдан бир қисмини икки йилда бир марта янгилайди.

54-модда. РАЁСАТ:

– ўз таркибидан сайлангунга қадар камида беш йил узлуксиз адвокатлик стажига эга бўлган адвокатлардан раис ва унинг ўринбосарларини тўрт йил муддатга сайлайди;

– РАЁСАТ раиси ва ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди;

– конференцияга делегатлар сайлаш тартибини тасдиқлайди;

– суриштирув ва дастлабки тергов органлари, прокурор ёки суд қарорлари ажримлари) ва бошқа ҳолларда жиноят иш юритувида ҳимоячи сифатида иштирок этувчи адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам тартибини тавсия қилади; бу тартиб ҳақида кўрсатилган органлар, шунингдек адвокатларни хабардор қилади ва адвокатлар томонидан бажарилишини назорат қилади;

– РАЁСАТ қарорларини мунтазам бажармайдиган, адвокатурани обрўсизлантирган, шунингдек адвокатларнинг

касб ахлоқи ва этикаси Қоидаларини бузган РАЁСАТ аъзоларини ўз таркибидан чиқаради ва уларга нисбатан тегишли чора кўриш учун малака комиссиясига тақдимнома киритади;

– давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда БЎЛИМни ифодалайди;

– икки йилда камида бир марта адвокатлар конференциясини чақиради ва унинг кун тартибини белгилайди.

55-модда. РАЁСАТ томонидан АССОЦИАЦИЯ Уставининг талаблари бажарилмаган тақдирда унинг ваколатлари адвокатлар конференциясида муддатидан олдин тугатилиши мумкин. БЎЛИМнинг навбатдан ташқари конференцияси унинг РАЁСАТИ томонидан БЎЛИМда рўйхатга олинган адвокатларнинг учдан бир қисмининг талаби ёки Бошқарув қарори билан чақирилади.

56-модда. РАЁСАТ мажлислари унинг раиси томонидан заруриятга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Мажлисида РАЁСАТ аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашгандагина у ваколатли ҳисобланади.

57-модда. РАЁСАТ қарорлари унинг мажлисида иштирок этаётган РАЁСАТ аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. РАЁСАТ аъзоларининг фаолияти жамоатчилик асосида амалга оширилади. Лозим ҳолларда РАЁСАТ қарори билан улар моддий рағбатлантирилиши мумкин.

58-модда. РАЁСАТ раиси давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар билан бўладиган муносабатларда БЎЛИМни ифодалайди, ишончномалар беради ва шартномалар тузади, мол-мулкни тасарруф этади, раёсат аппаратига ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, РАЁСАТ мажлисларини чақиради, конференция, БОШҚАРУВ ва СЪЕЗД қарорларининг ижро этилишини таъминлайди.

59-модда. РАЁСАТ раиси ва унинг ўринбосарлари, аъзолари РАЁСАТдаги ишларини адвокатлик фаолияти билан бирга олиб боришлари ва РАЁСАТдаги ишлари учун белгиланган смета доирасида адвокатлар конференцияси белгиланган миқдорда ҳақ олишлари мумкин.

60-модда. БЎЛИМ ва унинг органларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш учун адвокатлар орасидан тафтиш комиссияси сайланади.

61-модда. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятининг якунлари тўғрисида адвокатлар конференциясида ҳисобот беради.

Тафтиш комиссияси аъзолари комиссиядаги ишларни адвокатлик фаолияти билан бирга олиб боришлари ва бунинг учун адвокатлар конференцияси белгилаган миқдорда ҳақ олишлари мумкин.

62-модда. Ҳудудий тафтиш комиссиясининг тузилиши ва фаолияти тартиби Ассоциациянинг “Республика тафтиш органлари тўғрисидаги Низом” билан тартибга солинади.

VIII-боб

Ассоциациянинг маблағлари ва мол-мулки

63-модда. АССОЦИАЦИЯ ўз фаолиятини ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

64-модда. АССОЦИАЦИЯ маблағлари адвокатлар СЪЕЗДИ томонидан белгиланадиган миқдорда ва тартибда АССОЦИАЦИЯ аъзоларининг аъзолик бадалларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда келиб тушадиган хайрия ёрдамлари (ҳадялар) ва грантлардан, бошқа маблағлардан ташкил топади.

АССОЦИАЦИЯ мазкур мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади ва унинг белгиланган тартибда ишлатилишини ва ҳисоб-китобини олиб боради.

IX-боб

Ассоциация фаолиятининг тугатилиши

65-модда. АССОЦИАЦИЯ фаолияти қуйидаги асосларда тугатилиши мумкин:

- СЪЕЗД қарорига кўра;
- суд қарорига кўра.

66-модда. АССОЦИАЦИЯ фаолиятининг тугатилиши қонунда белгиланган ҳолда амалга оширилади.

67-модда. АССОЦИАЦИЯ фаолиятининг тугатилиши адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар фаолиятига таъсир этмайди.

68-модда. АССОЦИАЦИЯ фаолияти тугатилганидан сўнг, унинг мол-мулки тугатиш комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда уставда назарда тутилган мақсадларга ишлатилади.

**Ўзбекистон Адвокатлар
Ассоциацияси раиси**

Б. САЛОМОВ

**“Ушланганлар, гумон қилинувчи ва айбланувчининг
ҳимоя ҳуқуқларини таъминлаш тартиби ҳақида”ги
Низомни тасдиқлаш тўғрисида**

Б А Ё Н Н О М А

21 август 2003 йил

Тошкент шаҳри

Ўтказилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларига риоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу муносабат билан қонунчилик ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш борасида турли муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкиллаштириш, шунингдек бу борада Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси ва Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг биргаликдаги ҳаракати бугунги долзарб масалардан бири ҳисобланади.

Қонунчиликни таъминлаш, Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ҳамда терговолди текширув ва дастлабки тергов пайтида ушланганлар, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини таъминлаш борасида қонун нормаларини қўллаш амалиётида келиб чиқаётган тўсиқларни бартараф этиш мақсадида

Қарор қилдик:

1. Ушланганлар, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармаси ва Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси ўртасидаги алоқаларни такомиллаштириш ижобий йўналиш деб топилсин.

2. “Терговолди текширув ва дастлабки тергов жараёнида ушланганлар, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини таъминлаш тартиби” тўғрисидаги қўшма Низом тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ тергов тизимлари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармасининг оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси раҳбарлари, Адвокатлар Ассоциациясининг ҳудудий бўлимлари ва адвокатлик тузилмаларининг барча ҳодимлари ўртасида мазкур Низомни ўрганиб чиқиш ташкиллаштирилсин ва оғишмай бажарилиши таъминлансин.

4. Мавжуд камчиликлар ва заддиятларни муҳокама қилиш ҳамда уларни ҳал қилишнинг амалий йўллари аниқлаш мақсадида терговчилар ва адвокатлар ўртасида ҳар чоракда учрашувлар ўтказилсин. Ҳимоячилардан дастлабки тергов идораларига келиб тушган илтимосномалар, шикоят–аризалар ва маълумотномалар умумлаштирилиб Ички ишлар вазирлиги ТББга ва Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясига тақдим этилсин.

5. Адвокатлик тузилмаларини Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармасининг ҳар бир тергов идоралари, жумладан Транспорт ИИБнинг тергов тизимларига келишилган ҳолда бириктирилиши таъминлансин. Адвокатлик тузилмаларини ички ишлар идораларининг тергов тизимларига бириктирилганлиги ҳақидаги рўйхат 2003 йилнинг 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармаси ва Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясига тақдим этилсин.

6. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларга нисбатан ҳимоя ҳуқуқини давлат ҳисобидан амалга ошириш мақсадида иш вақтидан ташқари пайтларда ҳам адвокатларнинг мунтазам навбатчилиги таъминлансин.

7. Адвокатлик фаолиятининг барча ташкилий шакиллари (ҳайъат, фирма, бюро) адвокатларнинг навбатчилик дастурига киритилсин ва тегишли тергов тизимларига бириктирилсин.

8. Жойлардаги Тергов бошқармалари ва Адвокатлар Ассоциациясининг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари ўзаро ҳамкорликда ушбу Низомнинг бажарилиши борасида текширувлар ташкил этсинлар.

9. Мазкур Низом 2003 йилнинг 1 октябрдан кучга кириши ва шу кундан бошлаб оғишмай бажарилиши белгилансин.

10. Зарур ҳолларда ички ишлар идораларнинг суриштирувчилари ҳам ушбу Низомдан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Тергов бош
бошқармаси бошлиғи
Милиция полковниги
А.О.ШАРАФУТДИНОВ

Ўзбекистон
Адвокатлар
Ассоциацияси раиси
Б.САЛОМОВ

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош
Бошқармаси ва Ўзбекистон Адвокатлар
Ассоциациясининг 2003 йил 21 августдаги
қўшма баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Терговолди текширув ва дастлабки тергов
жараёнида ушланганлар, гумон қилинувчи
ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини
таъминлаш тартиби тўғрисида
Н И З О М**

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари (бундан кейин терговчилар деб юритилади) ва адвокатлар томонидан, терговолди текширув ҳамда дастлабки тергов жараёнида ушланганлар, гумон қилинувчи ҳамда айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини таъминланиши тартибини белгилайди.

1.2. Терговолди текширув ва дастлабки тергов жараёнида ушланганлар, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш ички ишлар идоралари терговчилари ҳамда адвокатларнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилиш борасидаги устивор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

1.3. Жиноий тартибда таъқиб қилинаётган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқини таъминлашни ташкил этишга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро Конвенциялар ва ҳуқуқий масалалар бўйича келишувлар, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги, адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ички ишлар вазирлигининг тергов тизимлари фаолиятини тартибга солувчи буйруқ ва кўрсат-

малари, Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг меъёрий ҳужжатлари ҳамда мазкур Низом асос бўлади.

1.4. Терговчилар ва адвокатларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнидаги ҳамкорлиги, томонларнинг ўзаро қадрқиммати ва шаънини ҳурмат қилиш, ахлоқ—одоб қоидалари асосида амалга оширилади.

1.5. Тергов тизимлари ва адвокатлар ҳайъатлари, ҳуқуқий маслаҳатхоналар ҳамда адвокатлик фирмалари ва бюрolari (бундан кейин адвокатлик тузилмалари) ўртасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш мақсадида бир йилда камида икки мартаба туманлар, вилоятлар ва марказий идоралар миқёсида ишчи учрашувларни ўтказиш ҳамда бошқа турдаги алоқаларни ўрнатиш тавсия этилади.

2. Адвокатлар навбатчилигини ташкил этиш

2.1. Терговолди текширув ва дастлабки тергов жараёнида ушланганлар, гумон қилинувчилар ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқини ўз вақтида таъминлаш мақсадида жойлардаги ҳар бир адвокатлик тузилмалари ички ишлар идораларининг муайян тергов тизимларига бириктирилади.

2.2. Адвокатлик тузилмаларини ички ишлар идоралари тергов тизимларига, шу жумладан вилоят ва Транспорт тармоқ ички ишлар идоралари тергов тизимларига бириктириш масалалари ИИВ—ИИБ тергов тизимлари ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари томонидан ҳал этилади.

2.3. Ушланганлар, гумон қилинувчи, айбланувчилар ва уларнинг қонуний вакиллари томонидан танланган ҳимоячилардан ташқари, тергов тизимига бириктирилмаган адвокатлик тузилмаларидан ҳимоячиларни жиноят ишида қатнашишга жалб этиш ман этилади.

2.4. Ҳар бир адвокатлик тузилмаларида адвокатларнинг навбатчилиги ташкил этилади ва уларнинг навбатчилиги дам олиш ва байрам кунлари ҳам таъминланади. Бундай навбатчиликни ташкил этиш ушланган шахсларнинг дарҳол, шу жумладан

ишдан ташқари вақтларда ҳам ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаши лозим.

2.5. Адвокатлик тузилмалари томонидан навбатчи адвокатларга жиноят ишларида иштирок этиш учун ордер берилади. Ушбу ордерлардан фойдаланган адвокатлар тегишли адвокатлик тузилмалари раҳбарлари олдида ҳар ойда ҳисобот бериб боради.

2.6. Адвокатларнинг навбатчилик жадвали адвокатлик тузилмаси раҳбарлари томонидан тузилади. Навбатчи ва захира адвокатларнинг сони бириктирилган тергов тизимларидаги иш ҳажмига кўра уларнинг раҳбарияти билан келишилган ҳолда белгиланади.

2.7. Тергов идоралари раҳбарларига ҳар ойда навбатчи ва захира адвокатларнинг навбатчилик жадвали уларнинг телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда тақдим қилинади. Навбатчилик жадвали ўзгарган ёки навбатчи адвокат алмаштирилган ҳолларда тергов идоралари раҳбарларига бу ҳақда ўз вақтида хабар берилади.

2.8. Терговчининг чақирувига кўра навбатчи адвокатларнинг бириктирилган тергов идорасига ўз вақтида етиб келишининг таъминланишини назорат қилиш адвокатлик тузилмалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

2.9. Навбатчи адвокат терговчининг биринчи таклифи ёки телефон орқали чақирувига биноан дарҳол ордер билан ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун терговолди текширув ёки дастлабки терговни олиб бораётган терговчининг ҳузурига етиб келади.

3. Адвокатларни таклиф қилиш ҳамда уларнинг жиноят ишида иштирок этиш тартиби

3.1. Шахс бевосита ушлангандан, гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга

жалб қилиш ҳақидаги қарор эълон қилинганидан сўнг терговчи унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46, 48-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 49,53-моддаларида кўрсатилган ҳимоя ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини амалга ошириш тартибларини тушунтиради. Бу ҳақда тузилган қарор ёки тегишли баённомага ёзувлар киритилади ва ушланган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчиларнинг имзолари билан тасдиқланади. Улар имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, терговчининг имзоси билан тасдиқланади.

3.2. Терговчи бир вақтнинг ўзида ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячини таклиф этишга имконият яратади.

3.3. Ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчи ва бошқа шахслар томонидан эркин ҳолда адвокат танлашига терговчиларнинг таййиқ ўтказиши қатъиян ман этилади.

Адвокатларни танлаш ҳуқуқи ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларга тегишлидир. “Келишув асосида” олинган адвокатлар ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларга юридик ёрдам кўрсатишда “тайинланган” адвокатларга қараганда ҳамма вақт устунликка эга ҳисобланади.

Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчи томонидан танланган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир.

3.4. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ёзма равишдаги илтимосига кўра терговчи ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди.

Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ўзи танланган ҳимоячиларни чақириш тўғрисидаги аризалари, албатта, қаноатлантирилиши лозим.

3.5. Ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки уларнинг қонуний вакиллари ёхуд қариндошлари томонидан танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга

киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, терговчи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячи таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб адвокатлар тузилмасига мурожаат қилишни тавсия этади ва бу ҳақда уларнинг иштирокида тегишли баённома тузилади ёки терговчининг ўзи бириктирилган адвокатлик тузилмасининг раҳбарига ҳимоячи ажратиш ҳақида асослантирилган хат билан мурожаат этади. Шошилиш ҳолларда терговчи адвокатлик тузилмасининг раҳбарига адвокат ажратишни ёки навбатчи адвокатга ишда қатнашишни таклиф этиб телефон орқали хабар қилади.

Адвокатлик тузилмаси раҳбарига адвокат ажратиш ҳақидаги ёзилган хат ёки навбатчи адвокатга берилган телефонограмма нусхалари жиноят иши материалларига қўшилади.

3.6. Адвокатлик тузилмаси раҳбари, терговчининг талабига асосан дастлабки терговда қатнашиш учун тегишли ордерни расмийлаштирган ҳолда ҳимоячини тайинлашга мажбур. Терговчи тўғридан тўғри навбатчи адвокатга мурожаат қилган тақдирда, у ишда қатнашиш учун тергов идорасига келишга мажбур.

3.7. Ҳимояни таъминлаш учун адвокатнинг қайси пайтда қаерга келиши терговчи билан адвокатнинг ўзаро аввалдан келишуви асосида амалга оширилади. Келишилган жойга ўз вақтида етиб келиш имконияти бўлмаган ҳолларда, томонлар аввалдан бир бирларини огоҳлантиришлари лозим.

3.8. Адвокатнинг жиноят ишида ҳимоячи сифатида қатнашишга асос бўлиб, унга адвокатлик тузилмаси томонидан берилган ордер ҳисобланади. Ордер тақдим этилганидан сўнг терговчи дарҳол ордернинг иккинчи қисмини тўлдиради ва бу адвокатнинг жиноят ишида қатнашишининг ёзма равишдаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

Адвокат бўлиб ҳисобланмаган, лекин терговчининг қарорига кўра ишда ҳимоячи тариқасида қатнашишга рухсат этилган шахсларга дарҳол ушбу қарор нусхаси берилади ва бу ҳам унинг ҳимоячи сифатида ишда қатнашишига рухсат берилганлигининг ёзма равишдаги тасдиғи ҳисобланади.

Терговчи ўзининг иш юритувидаги жиноят иши юзасидан ҳимоячига қонунда, шу жумладан адвокатлик фаолиятига оид қонунларда ўрнатилган тартибда ушланган, гумон қилинувчи ҳамда қамоқда сақланаётган айбланувчилар билан ҳоли учрашувларига имконият ва зарурий шароитлар яратади ва бундай учрашувлар сони ҳамда давом этиш вақти чегараланмайди.

3.9. Терговчи томонидан ҳимоячининг тергов ҳаракатларида қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида, унинг ҳимоясида бўлган шахс билан тергов ҳаракатлари ўтказиладиган вақти ва жойи тўғрисида олдиндан ҳимоячига хабар берилиши шарт. Ҳимоячига хабар берилганлик ҳақидаги тегишли хат, хабарнома ва телефонограммаларнинг нусхалари жиноят иши материалга қўшилади.

Терговчи тинтув ўтказиш пайтида, унинг бошланишига ёки ўтказилишининг вақтинча кечикишига сабаб бўлмаган ҳолларда ҳимоячини иштирок этишига рухсат бериши шарт.

3.10. Терговчи ҳимоячининг илтимосномасига кўра, унинг ҳимоясида бўлган шахснинг иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатлар ва ҳужжатлар билан таништиришга мажбур.

4. Ҳимоячидан воз кечиш тартибини расмийлаштириш ва давлат ҳисобидан ҳимояни таъминлаш тартиби

4.1. Ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки уларнинг қонуний вакиллари ва бошқа шахслар ҳимоячини келишув асосида таклиф қилиш имкониятига эга бўлмаган ҳолларда, терговчи ушбу Низомнинг 3.5 бандига кўра навбатчи адвокатни таклиф қилиб, ҳимояни давлат ҳисобидан таъминлаш чораларини кўради.

4.2. Ҳимояни давлат ҳисобидан таъминлаш учун ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчиларни юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этиш ҳақида терговчи томонидан асослантирилган қарор чиқарилади ва ушбу қарор адвокатлик тузилмаси раҳбарига юборилади ёки навбатчи адвокатга тақдим этилади.

4.3. Ишда ҳимоячининг қатнашиши шарт бўлган ҳолларда (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51–моддаси) ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчилар ёки уларнинг розилиги ёхуд илтимосига кўра қонуний вакиллари ёхуд бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф этилмаган ҳолларда терговчи муайян тергов тизимига бириктирилган адвокатлик тузилмасига ҳимоячи ажратиш ҳақида мурожаат қилади.

4.4. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчи иш юритилаётган даврда исталган вақтда терговчига берган ёзма равишдаги аризасига кўра ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига терговчи томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминландиган реал имкониятлари мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Бунда адвокат ҳимоядан воз кечганлигини тасдиқлайди. Бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи, шунингдек адвокат ва терговчи имзолайдиган баённома тузилади. Мазкур баённомага адвокат ордери қўшилиб жиноят иши материалларига тикилади.

4.5. Ҳимоячидан воз кечиш ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчини кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бундай илтимос барча ҳолларда қаноатлантирилиши лозим.

5. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқлари бузилган ҳолларда шикоят қилиш тартиби

5.1. Терговолди текширув ёки дастлабки тергов жараёнида ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқлари терговчилар томонидан бузилганлиги аниқланган ҳолларда, адвокатлар бу ҳақда муайян ички ишлар идораси раҳбарини ёзма равишда хабардор қилиб, йўл қўйилган камчиликни бар-тароф этишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.2. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини адвокатлар томонидан сўзсиз таъминлаш мақсадида, адвокатлик тузилмаларига, Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси ва унинг ҳудудий бўлимларига бириктирилган

тергов идоралари ва юқори тергов идоралари раҳбарларнинг телефон рақамлари берилади.

5.3. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқлари терговчилар томонидан бузилганлиги ва уни бартараф этиш юзасидан адвокатларнинг қилган мурожаатлари, тергов идоралари раҳбарлари томонидан уч кун ичида кўриб чиқилиши шарт. Адвокат кўриб чиқиш натижалари билан ёзма равишда хабардор қилинади.

Адвокат томонидан киритилган талабномани рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, келтирилган барча ҳимоя важларини рад этилиши асослантирилган бўлиши лозим.

5.4. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқлари терговчилар томонидан бузилганлиги ҳолатлари ва уни бартараф этиш ҳақидаги талабномаларни кўриб чиқиш муддатлари бузилган ёки адвокатлар тақдимномаларини кўриб чиқиш натижаларидан норози бўлган ҳолларда, улар бевосита дастлабки терговнинг юқори турувчи идоралари, шунингдек ИИВ раҳбарларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай мурожаатлар синчковлик билан текширилиб, алоҳида назоратга олинади.

5.5. Адвокатлик тузилмалари, Адвокатлар Ассоциациясининг ҳудудий бўлимлари ва Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси раҳбарлари йилнинг ҳар чорагида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан терговолди текширув ва дастлабки тергов жараёнида ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлик ҳолатлари ҳақида умумлашган маълумотларни тузиб, ушбу камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ Тергов бошқармалари раҳбарларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ТББга юборадилар.

5.6. Ички ишлар идораларининг ҳар бир суриштирув ва тергов органларида ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларининг бузилганлиги борасидаги адво-

катларнинг мурожаатлари ҳисоботи олиб борилади, мунтазам равишда кўриб чиқиш натижалари таҳлил қилинади.

5.7. Адвокатлар томонидан ҳар бир қонун бузилиши, ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажармаслиги ва касбий ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилмаслиги ҳолатлари юзасидан ички ишлар идоралари тергов тизими раҳбарлари адвокатлик тузилмалари, Адвокатлар Ассоциациясининг раҳбарлари номига тақдимномалар киритади ва улар тақдимномани ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаб, тегишли чоралар кўрадилар.

**ЎАА Бошқарувининг
2004 йил 23 апрелдаги
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**«Йилнинг энг яхши ҳимоя нутқи»
кўрик танловини ўтказиш ва ғолибларни
аниқлаш тартиби тўғрисида**

Н И З О М

1. Умумий қоидалар

1.1 «Йилнинг энг яхши ҳимоя нутқи» кўрик танлови (кейинги ўринларда кўрик танлов) Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциация Устав талабларидан келиб чиқиб Бошқарув мажлисининг Республика адвокатлари ўртасида «Йилнинг энг яхши ҳимоя нутқи» кўрик танловини ўтказиш тўғрисидаги 2003 йил 23 декабрда қабул қилган қарорига мувофиқ ЎАА ва ҳудудий бўлимлар томонидан ўтказилади.

Мазкур Низом кўрик танловни ўтказиш ва ғолибларни аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Кўрик танловнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Танловнинг асосий мақсади адвокатлар томонидан кўрсатилаётган юридик ёрдам сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, қуйидаги вазифаларни кўзда тутати:

– жиноят ишларида қатнашаётган адвокатларнинг касбий билим даражаларини синаб кўриш;

– малакали, билимли адвокатларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш;

– адвокатларнинг амалиётдаги тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш;

– адвокатларнинг ўз касбиларига нисбатан масъулиятини ошириш;

– билимли, тажрибали адвокатларнинг энг яхши ҳимоя нутқларини чоп этиб, талабаларга, ёш адвокатларга амалий қўлланма сифатида тавсия этиш;

– адвокатлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш.

3. Кўрик танловни ўтказиш тартиби ва муддати

3.1. Кўрик танлов икки босқичда ўтказилиб, унда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи (лицензияси тўхтатиб қўйилган ёки бекор қилинган адвокатлардан ташқари) республикада амалиёт билан шуғулланувчи барча адвокатлар иштирок этишга ҳақлидир.

3.2. Кўрик танлов ўтказишнинг биринчи босқичи Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳудудий бўлимлар томонидан ташкил этилади.

3.3. Биринчи босқич кўрик танловда ҳудудлардаги барча амалиётчи адвокатлар ўзларининг жиноят ишлари бўйича тайёрлаган ҳимоя нутқлари билан иштирок этишлари мумкин.

3.4. Биринчи босқич кўрик танлов 2004 йилнинг январ ойидан август ойигача бўлган даврда ўтказилиб, адвокатларнинг ҳимоя нутқлари 1 августгача қабул қилинади.

3.5. Биринчи босқич кўрик танлови ғолибларини аниқлаш бўйича якуний хулосалар август ойида эълон қилинади.

3.6. Кўрик танловнинг иккинчи босқичи Республика миқёсида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ғолиб топилиб совринли биринчи ўринни эгаллаган адвокатларнинг ҳимоя нутқлари ўртасида Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси томонидан ўтказилади.

3.7. Иккинчи босқич кўрик танлови ғолибларини аниқлаш бўйича якуний хулосалар декабр ойида эълон қилинади.

3.8. Кўрик танловда адвокатларнинг 2003 йил август ойидан 2004 йил август ойигача бўлган даврда судларга тақдим этилган ҳимоя нутқлари ўртасида ўтказилади.

Судга тақдим этилмаган ҳимоя нутқлари кўрик танловга қабул қилинмайди. Ушбу талабни бузилиши кўрик танловга тақдим этилган ҳимоя нутқини ўз-ўзидан бекор бўлишига олиб келади. Ушбу ҳолат кўрик танловни ўтказиш бўйича ҳудудий ёки республика комиссияси томонидан тасдиқланади.

Кўрик танлов ғолибларини аниқлашдаги биринчи босқич йиғилишида мутахассис-экспертлар ва ғолибларни аниқлаш бўйича иккинчи босқич комиссия аъзолари иштирок этиши мумкин.

4. Биринчи босқич кўрик танловини ўтказиш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

4.1. Худудий бўлимлари кўрик танловини ўтказиш бўйича 5-9 кишигача таркибида танлов комиссияси тузади. Комиссия аъзоларининг учдан бир қисми худудий бўлим Раёсат аъзолари, қолганлари эса адвокатлар ҳайъати, фирмаси ва адвокатлик бюроларининг обрўли ва тажрибали адвокатларидан ташкил топиши лозим. Комиссия раиси, унинг аъзолари орасидан сайланади.

4.2. Комиссия йил давомида фаолият кўрсатиб, кўрик танлов иштирокчилари томонидан юборилган ҳимоя нутқларини ўрганади, умумлаштиради, таҳлил қилади, танлов ғолибларини аниқлайди, ғолибларни тақдирлайди ва биринчи ўринни эгаллаган ғолибга танловнинг иккинчи босқичига йўлланма беради.

4.3. Комиссия йиғилишлари заруриятга қараб ўтказилиб кўрик танлов ишига алоқадор у ёки бу масалани ҳал этиш бўйича тегишли қарор қабул қилади.

4.4. Комиссия йиғилиши аъзоларининг 2/3 қисми қатнашган ҳолда ваколатли ҳисобланиб, қарор қабул қилишда уларнинг камида 50 фоизининг овози талаб этилади.

4.5. Биринчи босқич кўрик танловида учта совринли ўрин таъсис этилади:

- I ўринга – биринчи даражали диплом ва пул мукофоти;
- II ўринга – иккинчи даражали диплом ва пул мукофоти;
- III ўринга – учинчи даражали диплом ва пул мукофоти.

4.6. Совринли ўринларни эгаллаган иштирокчилар худудий бўлимлар томонидан пул ёки қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар. Пул ёки қимматбаҳо совғалар миқдори ҳар бир худудий бўлим томонидан мустақил белгиланади.

4.7. Ҳудудда биринчи ўринни эгаллаган адвокатнинг ҳимоя нутқи танлов ҳайъатининг қарорига биноан кўрик танловнинг иккинчи босқичига юборилади.

4.8. Танловнинг иккинчи босқичига ғолиб ҳимоя нутқи билан биргаликда адвокат тўғрисида маълумот (яшаш жойи, иш жойи, туғилган йили тўғрисида маълумот ҳамда унинг фотосурати) ва адвокат қатнашган жиноят иши юзасидан чиқарилган ҳукм нусхаси юборилиши лозим.

5. Танловнинг иккинчи босқичини ташкил этиш

5.1. Кўрик танловнинг иккинчи босқичида ҳудудий бўлимларда ҳимоя нутқлари биринчи ўринни эгаллаган адвокатлар (ҳимоя нутқлари) қатнашади.

5.2. Кўрик танловнинг мамлакат миқёсидаги босқичини ўтказиш бўйича 11 кишидан иборат республика танлов ҳайъати тузилади ва унинг таркиби ЎАА Бошқарув йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

5.3. Мазкур танлов комиссияси, ҳудудий бўлимлардан кўрик танловга юборилган адвокатларнинг ҳимоя нутқларини жамлайди, ўрганади, таҳлил қилади, умумлаштиради, танлов ғолибларини аниқлайди ва бу ҳақда қабул қилинган қарорни ЎАА Бошқаруви тасдиғига киритади.

5.4. Республика миқёсида кўрик танловда учта совринли ўрин таъсис этилади:

I ўринга – биринчи даражали диплом ва 100 минг сўм;

II ўринга – иккинчи даражали диплом ва 80 минг сўм;

III ўринга – учинчи даражали диплом ва 60 минг сўм.

5.5. Совринли ўринларни эгаллаган ҳимоя нутқлари ва ғолиб адвокатлар тўғрисидаги маълумотлар, «Адвокат» журналида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин. Уларнинг ҳимоя нутқлари ўзбек ва рус тилида тўплам шаклида нашр этилади.

6. Кўрик танлов ғолибларини аниқлаш

6.1. Кўрик танлов ғолиблари қўйидаги мезонлар асосида аниқланади:

– ҳимоя нутқининг тушунарли равои тилда баён этилганлиги;

– ҳимоя позициясининг тўғри танланганлиги;

– ҳимояда қонунда тақиқланмаган барча усул ва воситалардан хусусан жиноят, жиноят–процессуал қонунчилик нормалари, Олий суд Пленуми қарорлари, суд амалиётидан тўғри фойдаланилганлиги;

– Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ халқаро ҳужжатлардан фойдаланилганлиги;

– жиноят иши юзасидан ўз ҳимоясидаги шахс манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ижобий натижаларга эришилганлиги;

– ҳимоя нутқи суд терговда муҳокама қилинган далилларга асосланганлиги;

– дастлабки тергов ва айблов томонидан келтирилган далилларни иш материаллардаги мавжуд ҳимоя далиллар билан рад этилганлигининг кўрсатилганлиги;

– суд мажлисида кўриб чиқилган воқеа тафсилотларини навбатма–навбат, узлуксиз, мантиқий тартибда тўғри мушоҳада этилганлиги;

– ҳимоя томонидан тақдим қилинган қўшимча далилларга алоҳида эътибор қаратилганлиги;

– суд амалиётидаги мисоллардан ўз ўрнида фойдаланилганлиги ва ҳимоя нутқида ҳиссиётга берилмаган ҳолда фикрларни баён этилганлиги, шунингдек, процесс иштирокчиларининг шаъни, қадру қимматини камситувчи сўзларнинг ишлатилмаганлиги.

6.2. Танлов ғолибини аниқлашда адвокатнинг ҳулқ–адоби ҳам ҳисобга олинади.

6.3. Кўрик танловга тақдим этилган ҳимоя нутқининг матни 3 бетдан кам 15 босма бетдан ортиқ бўлмаслиги шарт.

6.4. Совринли ўринга лойиқ деб топилган ҳимоя нутқининг айнан нусхаси судга тақдим этилганлиги лозим ҳолларда ҳайъат томонидан текширилиши мумкин.

7. Кўрик танловнинг молиявий таъминоти

7.1. Кўрик танловни ўтказиш бўйича ЎАА ва унинг ҳудудий бўлимларида “Кўрик танлов жамғармаси” ташкил этилади. Жамғармага маблағлар ЎААга аъзолик бадалларининг бир қисмидан, шунингдек, баъзи адвокатлар ҳайъати, фирма ва адвокатлик бюроларининг ушбу мақсадда ўтказиб берган маблағларидан ҳамда корхона, муассаса, ташкилотлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан ажратилган хайрия маблағларидан ташкил топади.

7.2. Кўрик танловни ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар жамғарма ҳисобидан амалга оширилади.

8. Кўрик танловни ўтказиш комиссияларнинг ҳуқуқий мақоми

8.1. Кўрик танловнинг ҳар иккала босқичини ўтказиш бўйича тузилган комиссиялар кўрик танловни ташкил этиш, ўтказиш, ғолибларни аниқлаш ва уларни тақдирлаш бўйича мустақил фаолият юритиб, мазкур танловни Низом талаблари асосида ўтказишга масъулдирлар.

8.2. Комиссиялар кўрик танловни ўтказиш муддати давомида фаолият кўрсатадилар ва танлов якунидан сўнг ўз фаолиятларни тўхтатадилар.

**ЎАА Бошқарувининг
2004 йил 23 апрель кундаги
мажлис қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**“Намунали ҳудудий бўлим” кўрик танловини
ўтказиш ва ғолибларини аниқлаш
тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

“Намунали ҳудудий бўлим” кўрик танлови кейинги ўринларда “Кўрик танлов” 2003 йил 22 декабрда “Ўзбекистон адвокатлар Ассоциацияси ҳудудий бўлимлари фаолиятини ривожлантириш” мавзусида ўтказилган давра суҳбати натижалари ҳамда ушбу давра суҳбатидан келиб чиқиб, ЎААси Бошқарувининг “Намунали ҳудудий бўлим” кўрик танловини ўтказиш тўғрисида 2003 йил 23 декабрда қабул қилинган қарорига асосан ЎААси томонидан ташкил этилиб ўтказилади.

Мазкур Низом “Кўрик танлов ўтказишнинг умумий қоидалари ва тартиби”ни белгилайди.

II. Кўрик танловнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Кўрик танловнинг асосий вазифаси ҳудудий бўлимлар фаолиятини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳамда уларнинг имкониятларини, ижодий салоҳиятини амалга оширишда имкониятлар яратиб беришдан иборат бўлиб, ундан кўзланган мақсад:

–адвокатлик тузилмалари фаолиятида ҳудудий бўлимлар ролини ошириш ва республика ҳаётида рўй бераётган ижтимоий–иқтисодий жараёнларга, олиб борилаётган суд–ҳуқуқ ислохатларига уларни янада кенгроқ жалб қилиш;

–Намунали ҳудудий бўлимлар илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва уларни бу тажрибаларини бошқа ҳудудий бўлимлар фаолиятига йўналтириш, ҳамда уларни оммалаштириш;

–Намунали ҳудудий бўлимларни моддий–ижтимоий жиҳатдан рағбатлантириш.

III. Кўрик танловни ўтказиш тартиби ва муддати

3.1. Кўрик танлов бир босқичда ўтказилиб, мазкур танловда ЎААнинг Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари иштирок этадилар.

3.2. Кўрик танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ЎАА ҳузурида 11 кишидан иборат кўрик танлов ҳайъати тузилади ва мазкур ҳайъат таркиби ЎАА Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

3.3. Ҳайъат мазкур Низом талабларидан келиб чиқиб кўрик танлов ўтказишни ташкиллаштиради, ҳудудий бўлимлар иш фаолиятини ўрганади, таҳлил қилади ва уларни совринли ўринларга муносиблигини аниқлайди ҳамда ғолибларни тақдирлайди.

3.4. Ҳайъат лозим ҳолларда ҳудудий бўлимлар томонидан тақдим этилаётган маълумотларни тўғрилигини текшириши мумкин ва ушбу мақсадда жойларга чиқиб бевосита ҳудудий бўлимлар фаолиятини ўрганади.

3.5. Ҳайъат йиғилишлари заруриятига қараб ўтказилади. Йиғилишда, кўрик танлов фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб тегишли қарорлар қабул қилинади.

3.6. Мажлисда ҳайъат аъзоларининг 2/3 қатнашса мажлис ваколатли ҳисобланиб, қарор қабул қилишда уларнинг камида 50 фоизининг овози талаб этилади.

3.7. Кўрик танлов 2004 йилнинг январ ойидан декабр ойигача бўлган муддат давомида ўтказилиб, танловда ҳудудий бўлимларнинг мазкур муддатданги фаолияти натижалари баҳоланади.

3.8. Кўрик танлов натижаларини умумлаштириш ва ғолибларни аниқлаш 2004 йил декабр ойида амалга оширилади.

IV. Кўрик танлов ғолибларини аниқлаш тартиби

4.1. Кўрик танлов ғолиблари қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:

–Бошқарув қарорларини жойларда ўз вақтида сифатли бажарилиши;

–Йил давомида Ассоциацияга аъзоларни жалб қилиш (аъзолар сонини ўсиб бориши);

–Белгиланган аъзолик бадалларини ўз вақтида тўланишини ташкил этилганлиги;

–“Адвокат” журнали обунасини ташкил этиш ва мазкур журнал ҳамда “Адвокат Пресс” газетасига мақолалар бериб боришни ташкил этилганлиги;

–Ҳудудий бўлим иқтисодий–молиявий аҳволини яхшилаш борасида амалий чора–тадбирларнинг белгиланганлиги, ушбу мақсадларда халқаро ташкилотларини грантларини олиш бўйича амалий ҳаракатларни олиб борилганлиги;

–ИИВ ТБ билан ҳамкорликда қабул қилинган “Терговолди текшируви ва дастлабки тергов жараёнида ушланганлар, гумон қилинувчи ва айбланувчиларни ҳимоя ҳуқуқлари билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларини адвокатлар томонидан бажарилишини намунали ташкил қилинганлиги;

–“Обод маҳалла” йили муносабати билан Ўзбекистон адвокатлар Ассоциацияси ва Республика Оқсоқоллар кенгаши томонидан ҳамкорликда қабул қилинган маҳалларда бепул юридик ёрдам кўрсатиш тадбирининг жойларда бажарилишининг намунали йўлга қўйилганлиги ва ҳоказо.

V. Совринли ўринларни белгилаш ва ғолибларни тақдирлаш

5.1. “Намунали ҳудудий бўлим” кўрик танловида учта совринли ўрин таъссис этилади:

I–ўрин;

II–ўрин;

III–ўрин.

5.2. Совринли ўринни эгаллаган ғолиблар Ассоциация томонидан таъсис этилган қуйдаги диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар:

I–ўрин ғолиби биринчи даражали диплом ва компьютер жамламаси;

II–ўрин ғолиби иккинчи даражали диплом ва 200 000 сўм;

III–ўрин ғолиби учунчи даражали диплом ва 100 000 сўм.

5.3. Ғолибларга совринлар ЎААси Бошқарув йиғилишида тантанали вазиятда топширилди ва совринли ўринларни эгаллаган ҳудудий бўлимлар фаолияти “Адвокат” журналида ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилади.

VI. Кўрик танловнинг молиявий таъминоти

6.1. Кўрик танлов ўтказиш бўйича Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси ҳузурида алоҳида танлов жамғармаси ташкил этилади.

6.2. Жамғарма маблағи ЎААга аъзолик бадалларининг маълум қисмидан, баъзи адвокатлик тузилмаларининг ушбу мақсадда ихтиёрий равишда ўтказилган бадалларидан, давлат, нодавлат ва чет эл ташкилотлари томонидан берилган беғараз хайрия ёрдамлари ҳисобидан шакллантирилиши мумкин.

6.3. Кўрик танловни ташкил этиш, ўтказиш ва ғолибларини тақдирлаш билан боғлиқ барча моддий харажат жамғарма ҳисобидан амалга оширилади. Лозим ҳолларда ЎААнинг маблағлари ҳисобидан копланиши мумкин.

VII. Кўрик танлов ҳайъатининг ҳуқуқий мақоми

7.1. Кўрик танловни ўтказиш бўйича тузилган ҳайъат ушбу Низом асосида фаолият олиб борадилар.

7.2. Ҳайъат кўрик танловни ташкиллаштириш, ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш бўйича мустақил фаолият юритиб, мазкур танловни Низом талаблари асосида ўтказиш учун масъулдир.

7.3. Ҳайъат кўрик танловини ўтказиш муддати давомида фаолият олиб боради ва кўрик танлов ниҳоясига етганда ўз фаолиятини тўхтатади ва улар тарқатилган ҳисобланади.

**ЎАА Бошқарувининг
2004 йил 20 августдаги
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси аъзолигига
қабул қилиш, аъзолик бадалларни тўлаш, ўтказиш
ва бадалларни тўлашда имтиёзлар бериш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси Устави ва Ўзбекистон Республикаси Молия, Адлия вазирликлари ва Давлат Солиқ қўмитасининг 2004 йил 29 февралдаги 41, 66-МҲ ва 29-сон қарорлари билан тасдиқланган «Адвокатлик бюролари, адвокатлар ҳайъатлари, фирмалари томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага ва ушбу соҳани тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур Низом адвокатларни Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси аъзолигига қабул қилиш, уни расмийлаштириш, аъзолар томонидан аъзолик бадалларини тўланиши, Ассоциацияга аъзолик бадалларини ўтказиш ва аъзолик бадалларини тўлашда аъзоларнинг маълум тоифаларига имтиёзлар бериш тартибини белгилайди.

2. Низом талаблари Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси аъзоларига нисбатан қўлланилади.

**II. Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясига аъзо бўлиш,
аъзоликка қабул қилиниш тартиби ва аъзолик
бадалларини тўлаш**

3. ЎАА Уставига биноан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланган тартибда адвокат мақомига эга бўлган, Ассоциация Устави ва «Адвокатлар касб этикаси Қо-

идалари»ни тан олувчи, унга риоя қилувчи, белгиланган тартибда аъзолик бадалларини тўлаган шахслар Ассоциация аъзоси ҳисобланадилар.

4. ЎААга аъзо бўлиш, унинг ҳудудий бўлимлари орқали амалга оширилади.

5. Ассоциация аъзолигига якка тартибда қабул қилиш адвокатнинг ёзма аризасига асосан, жамоа тартибда қабул қилиш жамоанинг қарорига асосан амалга оширилади.

6. Ассоциацияга аъзо бўлишни истаган адвокат, аъзоликка қабул қилишни сўраб бевосита ЎААнинг ҳудудий бўлими раисига белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

Жамоа тартибда Ассоциацияга аъзо бўлишда эса, адвокатлик тузилмаси (адвокатлар ҳайъати, фирмаси, адвокатлик бюроси) раҳбари жамоа адвокатларини ЎАА аъзолигига қабул қилишни сўраб ҳудудий бўлимга хат билан мурожаат қилади. Хат билан биргаликда жамоа адвокатларининг Ассоциация аъзолигига кириш масаласида ўтказилган умумий йиғилиш қарори ҳамда Ассоциация аъзолигига кириш истагини билдирган адвокатлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар ҳудудий бўлимга тақдим этилади.

7. Ҳудудий бўлимда Ассоциацияга аъзо бўлиш ҳақида тушган аризалар рўйхатга олиш китобига киритилиб, унда ариза берган адвокат исми, фамилияси, туғилган йили, иш жойи, лицензиясининг рақами, яшаш жойи ва ариза берилган сана, аъзоликка қабул қилинган сана, қабул қилишга асос бўлувчи ҳужжат рақами ва аъзоликдан чиққанлик тўғрисидаги барча маълумотлар ўз аксини топиши лозим.

8. Аъзоликка кириш учун берилган ариза рўйхатга олингандан сўнг, ҳудудий бўлим раҳбари аризани бўлим раёсатида кўриб чиқилиши кунини белгилайди ва бу ҳақда аризага ёзма ёки оғзаки равишда маълум қилади.

9. Ҳудудий бўлим раёсатида аъзоликка қабул қилиш масаласи муҳокама этилаётганда ариза берган адвокат, агар ариза жамоа тартибда берилган бўлса, мазкур адвокатлик тузилмаси раҳбари шунингдек раёсат мажлисида қатнашиш истагини билдирган жамоадаги барча адвокатлар раёсат йиғилишига таклиф этиладилар.

10. Ассоциация аъзолигига қабул қилинаётганлар, Ассоциация Устави, аъзолик бадалларининг миқдори, тўлаш тартиби ва

Ассоциация фаолиятига оид барча маълумотлар билан таништириладилар.

11. Ассоциация аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги раёсат қарори раёсат аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирокида, уларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12. Аъзоликка қабул қилинганлик ҳақидаги ҳудудий бўлим раёсат қарори, ҳамда Ассоциацияга аъзолигини тасдиқловчи гувоҳнома аъзо бўлган шахсга уч кун муддат ичида берилиши шарт.

13. Ассоциация аъзолари белгиланган тартибда ва муддатда аъзолик бадалларини тўлаб бориши лозим.

14. Аъзолик бадаларининг миқдори ЎАА Бошқаруви томонидан белгиланади.

15. ЎААга аъзолик бадалларини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси қарорлари билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 февралда рўйхатга олинган Йўриқноманинг 1-иловасида кўрсатилган бўлиб, ушбуга кўра адвокатлик тузилмаларида ташкил этиладиган адвокатларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси ҳисобидан ЎААга аъзолик бадаллари ажратилиб ҳудудий бўлим ҳисоб рақамига ўтказилади.

16. Адвокатлик тузилмалари ҳар ойнинг 30-кунига қадар ўзида фаолият кўрсатаётган Ассоциация аъзоларининг тўлаши лозим бўлган аъзолик бадалларини ҳудудий бўлим ҳисоб рақамига ўтказадилар. Лозим ҳолларда адвокатлик тузилмалари уч ойлик, олти ойлик ёки бир йиллик аъзолик бадаллар суммасини олдиндан ўтказиб беришлари мумкин. Адвокатлик тузилмалари белгилангандан ҳам ортиқча миқдорда аъзолик бадалларини ўтказишлари мумкин.

Бу ҳолатда тўланадиган қўшимча аъзолик бадалларининг миқдорини уларнинг ўзлари белгилайдилар

17. Келиб тушган барча аъзолик бадаллари ҳудудий бўлимда жамланиб, ЎААга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар ҳар ойнинг 5 кунидан кечиктирилмасдан ЎАА ҳисоб рақамига ўтказиб борилади.

18. Ҳудудий бўлимда Ассоциация аъзолари ва улар томонидан ўтказилаётган аъзолик бадаллари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар олиб борилади.

19. Ҳудудий бўлим ҳар чоракда ЎАА Бошқаруви томонидан тасдиқланган ҳисобот шаклига мувофиқ ҳудуд бўйича фаолият кўрсатаётган адвокатлар сони, ЎАА аъзолари сони, ўтказилаётган аъзолик бадаллари юзасидан ЎААга ҳисобот бериб борадилар.

20. Бериладиган ҳисоботларнинг аниқ тўғрилиги бўйича бевосита ҳудудий бўлим раҳбари ва ҳисобчиси масъулдирлар.

III. ЎАА аъзоларининг баъзи тоифаларига аъзолик бадалларини тўлашда имтиёзлар бериш

21. ЎАА Уставида Ассоциация аъзоларининг баъзи тоифаларига аъзолик бадалларини тўлашда имтиёзлар берилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ушбудан келиб чиқиб қуйидаги ҳолатларда Ассоциация аъзоси аъзолик бадалларини тўлашдан озод этиладилар:

а) Адвокатура тизимида 40 йил ва ундан ортиқ фаолият кўрсатганлар;

б) Ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган аёллар ушбу муддат давомида;

в) Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида, касаллик варақасига асосан.

22. Юқорида қайд қилинган ЎАА аъзоларининг аъзолик бадалларини тўлашдан озод этиш фақатгина мазкур ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

23. Аъзолик бадалларини тўлашдан озод этилган Ассоциация аъзолари тўғрисида ҳудудий бўлимда алоҳида ҳисоб–китоб юритилади ва ушбу маълумотлар ҳар чоракда ҳисоботлар билан биргаликда ЎААга юборилади.

24. Мазкур Низомнинг 22–бандида кўрсатилган шахслардан бошқа ҳар бир Ассоциация аъзосидан аъзолик бадаллари ўз вақтида ушлаб қолиниши лозим.

25. Адвокатнинг молиявий ҳисобот топширмаганлиги муносабати билан тўланмаган давридаги аъзолик бадаллари кейинги ойда адвокат топширган молиявий ҳисоботида кўрсатилган маблағ ҳисобидан тўлиқ ушлаб қолиниши шарт.

**ЎАА Бошқарувининг
2004 йил 20 декабрдаги
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Адвокатлик иш юритув ҳужжатларини юритиш
ва уларни расмийлаштириш тартиби бўйича
УСЛУБИЙ ТАВСИЯ**

1. Умумий қондалар

1. Адвокат томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдамнинг энг муҳим турларидан бири бу жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатини дастлабки тергов ҳамда суд органларида ҳимоя қилинишидир.

Ушбу органларда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш адвокатдан чуқур билим, тинмай изланиш, касбий маҳоратни талаб этади.

Малакали юридик ёрдам кўрсатишни амалга ошириш учун адвокат дастлабки тергов жараёнида ҳамда суд босқичида иш материаллари билан тўлиқ танишиб чиқиши, ҳимоя учун муҳим аҳамиятга эга бўлган процессуал ҳужжатлардан, ёзувлардан кўчирма, нусхалар олиши ва уларни ўз иш юритувида акс эттириши лозим.

Адвокатлик иш юритувини тўғри, тўлиқ юритилиши келажакда адвокатнинг иш бўйича ижобий натижаларга эришиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Иш билан танишиб чиқиш, ҳимояга алоқадор керакли маълумотларни ёзиб олиш уларни расмийлаштириш тартибини ҳар бир адвокат ишнинг мураккаблиги, ҳажми, иш бўйича ўтаётган айбланувчиларнинг сони, қўйилган айблов мазмунидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Шу сабабли иш билан танишиб чиқиш ва адвокатлик иш юритув ҳужжатларини расмийлаштиришнинг ягона қондасини тавсия қилишнинг имконияти йўқ. Аммо адвокатлар амалиётидаги кўп йиллик тажрибалар адвокатлик иш юритувининг умумий жиҳатларини вужудга келтирдикки, ушбудан фойдаланиш келажакда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида иш юзасидан ҳужжатлар-

ни лозим даражада расмийлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Адвокатлик иш юритувини юритиш ва расмийлаштириш бўйича ушбу тавсия адвокатлар амалиётидаги кўп йиллик тажрибалар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у ўзида ҳар бир адвокат ўз иш фаолиятида роя қилиши лозим бўлган иш юритиш билан боғлиқ асосий қоидаларни мужассамлаштирган.

2. Адвокатлик иш юритув ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби

2.1. Адвокатнинг ўз касбий вазифасини бажариш бўйича фаолияти, унинг иш юритувида акс этади.

Адвокатлик иш юритуви бу – адвокатнинг муайян иш юзасидан ўз вазифасини бажариш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш жараёнида тўплаган маълумотлар, ҳужжатлар йиғиндисидир.

2.2. Ҳар бир адвокат муайян ишни бажариш бўйича топшириқ олган кундан бошлаб адвокатлик иш юритуви (адвокатлик досьеси)ни тутиши лозим.

2.3. Адвокатлик иш юритувида адвокат топшириқ олган кундан, то унинг иш бўйича ваколоти тугагунга қадар бўлган иш бўйича муҳим маълумотлар, ҳужжатлар ўз аксини топиши лозим.

2.4. Адвокатлик иш юритуви ҳужжатлари ҳар бир адвокатлик тузилмаси томонидан махсус тайёрланган муқовада тикилган, рақамланган ҳолда сақланади.

2.5. Иш юритув ҳужжатлари муқовасининг ташқи томонида адвокатлик тузилмаси номи адвокатнинг исми, фамилияси, иш юритилаётган дастлабки тергов, суд органининг номи, жиноят ишлари бўйича, ҳимоя қилинаётган шахс исми, фамилияси жиноят кодексининг қайси моддаси билан айбланаётганлиги ёки судланаётганлиги, фуқаролик иши бўйича даъвогар ёки жавобгарнинг исми фамилияси, иш юритилаётган орган номи ишнинг моҳияти юзасидан қисқача маълумотлар бўлиши лозим.

Муқованинг ички томонида иш юритувдаги мавжуд ҳужжатларнинг рўйхати мундарижа шаклида бўлиши ҳамда у ерда ишни бажарилиши бўйича қилинган ҳаракатлар ва унинг натижаларига оид маълумотлар тартиб билан кетма-кет баён этилиши лозим.

2.6. Адвокатлик иш юритуви муқовасининг ички томони дастлабки биринчи иккинчи варақларида иш бўйича муҳим қуйдаги маълумотларнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- топшириқ олинган кун
- иш материаллари билан танишилган вақт;
- дастлабки терговда қатнашилган вақт;
- суд муҳокамасида қатнашилган вақт;
- суд баённомаси билан танишиб чиқилиш вақти;
- агар суд баённомасига эътироз билдирилган бўлса, эътироз билдирилган вақт;
- дастлабки тергов ва судда ёзилган ариза, шикоятлар, илтимосномалар, уларни ҳал этилиш натижалари;
- иш бўйича прокурор позицияси;
- иш бўйича адвокат позицияси;
- иш юзасидан ҳукм, ажрим, қарорларнинг эълон қилинган вақти;
- иш юзасидан апелляция ёки кассация тартибда шикоят келтирилган бўлса, шикоят берилган вақти ва ишнинг натижаси.

2.7. Адвокатлик иш юритув ҳужжатларининг охириги варағида ишнинг якуний натижалари бўйича маълумотлар киритилиб, иш юритаётган адвокатнинг имзоси билан тасдиқланади.

2.8. Адвокат ҳар ойнинг охирида тугалланган ишлар бўйича топширадиган молиявий ҳисобот билан бирга иш бўйича юритган адвокатлик иш юритув ҳужжатларини ҳам тикилган тайёр ҳолда молиявий ҳисоботни тасдиқлаш ваколатига эга бўлган адвокатлик тузилмаси раҳбари (адвокатлар ҳайъати раҳбари, юридик маслаҳатхона мудир, адвокатлар фирмаси директори)га тақдим этиши шарт. Адвокатлик бюросидаги адвокатнинг иш юритув ҳужжатлари шу адвокатнинг ўзи томонидан тасдиқланиши лозим.

2.9. Адвокатлик тузилмаси раҳбари тақдим этилган адвокатнинг иш юритув ҳужжатларини тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириб, ўз имзоси билан тасдиқлайди.

2.10. Иш юритув ҳужжатлари юритилмаган ёки лозим даражада расмийлаштирилмаган тақдирда адвокатнинг иш бўйича топширган молиявий ҳисоботини қабул қилишга йўл қўйилмайди.

2.11. Адвокатлик иш юритув ҳужжатлари адвокатлик тузилмасида 5 йил муддатда сақланиши керак.

3. Жиноят иш бўйича адвокатлик иш юритуви

3.1. Жиноят иши бўйича адвокат иш юритув ҳужжатларининг тўғри, тўлиқ юритилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу бўлиб ўтадиган суд муҳокамаси даврида фаол ҳимояни амалга ошириш, иш бўйича маълум бир ижобий натижаларга эришиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

3.2. Дастанлар тергов жараёнида иш материаллари билан танишиб чиқиш, иш материалларидан керакли маълумот ва ҳужжатларни олиш ҳамда уларни адвокатлик иш юритувида акс эттириш бўйича қуйидагиларга риоя қилиш тавсия этилади:

Иш билан танишувни дастан эълон қилинган айбни ҳажм ва мазмун жиҳатидан аниқлайдиган процессуал ҳужжатлардан бошлаш лозим. Буларга дастан терговдаги шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор, биринчи босқич судга тайёргарлик вақтида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор ва айблов хулосаси, иккинчи босқич судга тайёргарлик вақтида эса биринчи босқич судининг ҳукми, назорат босқичида биринчи босқич судининг ҳукми, иккинчи босқич судининг ажрими, қарори ва иш бўйича келтирилган назорат тартибдаги протест, булардан кейин қолган иш материаллари кўриб чиқилади.

3.3. Иш материалларидан олинган маълумотлар, кўчирмаларни иш юритувда қуйидагича гуруҳларга ажратиш йўли билан расмийлаштириш тавсия қилинади:

- жиноят иш материалларида жойлашган тартиб ва кетмакетлик бўйича;
- ёки ишдаги айрим шахслар бўйича;
- ёки эпизодларга бўлинган ҳолда;
- далиллар бўйича (масалан, гувоҳ Қодиров ва унинг барча кўрсатувлари).

Иш материалларини гуруҳларга бўлиш услуги ишнинг характери ва улардан фойдаланиш қулайлигига қараб танланади. Масалан, кўп томлик, мураккаб иш бўйича ҳар бир эпизод юзасидан эълон қилинган айблов эпизодини алоҳида кўчириб, сўнгра эпизодлар бўйича ёзувларни олиб бориш мақсадга мувофиқ.

3.4. Иш материалларидан кўчирмаларни иш томининг тартиб рақами, бети, сана ва бажарилган процессуал хатти-ҳара-

катларнинг вақти ва мазмунини қайд этган ҳолда амалга ошириш керак. Иш бўйича муҳим айрим процессуал ҳужжатлар, қарорлар жиноят иши баённомалар мазмунининг муҳим томонлари сўзма–сўз кўчириб олиниши лозим.

3.5. Иш бўйича шахс (айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, холис) бир неча марта сўроқ қилинган бўлиб, уларнинг кўрсатувлари ўртасида тафовут мавжуд бўлса, адвокат иложи борица уларнинг ҳар бир кўрсатувларини сўзма–сўз кўчириб олиш мақсадга мувофиқ. Агар шахс бир неча марта сўроқ қилиниб унинг берган кўрсатувлари ўзгармаган бўлса, биринчи берилган кўрсатувдан кўчирма олиб қолган кўрсатувларни берилган вақти ва иш варағи рақамини кўрсатган ҳолда иш юритув ҳужжатларида акс эттиришни ўзи кифоя.

3.6. Адвокатнинг иш олиб бориш кетма–кетлиги, унинг ишда иштирок қилиш учун таклиф қилинган вақти ва ишдаги процессуал ролига боғлиқ.

Адвокат дастлабки терговда шахс ушланган вақтдан бошлаб ҳимоячи сифатида қатнашган бўлса, у дастлабки тузилган, ушлаш тўғрисидаги баённома, гумон қилинувчи тариқасида сўроқ баённомаси каби процессуал ҳужжатлар билан танишиб улардан кўчирмалар олиши лозим.

Адвокатнинг кейинги тергов ҳаракатларда қатнашганлиги бўйича адвокатлик иш юритувида уни терговчи рухсати билан гувоҳларга, жабрланувчига, экспертларга берилган савол–жавоблар, тергов ҳаракатлари баённомасига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар, берилган итимосномалар ва улар юзасидан терговчи томонидан чиқарилган қарорлар нусхаси, тергов хатти–ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар ва бунга прокурор жавобларининг нусхаси каби иш бўйича муҳим маълумотлар акс эттирилиши лозим.

3.6. Ҳимояга муваффақиятли тайёрланиш учун дастлабки тергов жараёнидаги адвокатлик иш юритувида иш учун аҳамиятга молик қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ:

а) Асосий процессуал ҳужжатларнинг ксеронусхалари ёки уларнинг кўчирмалари:

– жиноят ишини қўзғатишга асос бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумот;

– жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор;

– шахсни гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишти-
рок этишга жалб этиш тўғрисидаги қарор;

– айб эълон қилиш тўғрисидаги қарор;

– эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор;

– тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарор;

– экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор;

– воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси;

– айблов хулосасининг нусхаси.

б) Дастлабки тергов жараёнида ҳимоячи иштирокида ўтка-
зилган процессуал ҳаракатлар юзасидан расмийлаштирилган
ҳужжатларнинг кўчирмалари жумладан:

– гумон қилинувчи, айбланувчини сўроқ қилиш баённомаси;

– жабрланувчини сўроқ қилиш баённомаси;

– гувоҳларни сўроқ қилиш баённомаси;

– холисларни сўроқ қилиш баённомаси;

– экспертиза ва мутахассис хулосалари;

– юзлаштириш баённомаси;

– тафтиш (текширув) далолатномалари.

в) Иш юзасидан ҳимояга алоқадор бошқа турли ҳужжатлар
жумладан:

– далилий ашёларни олиш, воқеа жойини кўздан кечириш
далолатномалари;

– тафтиш далолатномалари;

– иш бўйича айбланувчи шахсига доир маълумотлар (унинг
судланган судланмаганлиги, соғлиги ва ҳ.к.), тавсифномалар
ва бошқа ҳужжатлар.

г) Ҳимояни амалга ошириш билан боғлиқ ишлаб чиқилган
ҳимоя позициясига доир ҳужжатлар:

– ҳимоячи томонидан ёзма равишда тақдим этилган илтимос-
нома, ариза, шикоят нусхалари;

– ҳимоянинг ташаббуси билан йиғилган ҳужжатлар, ашёлар.

д) Ишни судда кўрилиши билан боғлиқ ҳужжатлар, маълумотлар:

– ишни судда тайинлаш босқичида чиқарилган процессуал
ҳужжатларнинг нусхалари ёки уларни асосий мазмунини билди-
рувчи ёзувлар;

– суд мажлиси давомида юритилган ёзувлар;

– суд муҳокамасида ҳимояни амалга ошириш билан боғлиқ
ишлаб чиқилган тезислар, савол–жавоблар;

– судга тақдим этилган ёзма илтимосномаларнинг нухсала-ри, шунингдек, оғзаки берилган илтимосномалар ва улар юза-сидан суднинг чиқарган ажрими (қарори)нинг мазмуни;

– суд музокарасидаги адвокат нутқининг матни ва ушбу бўйи-ча тайёрланган тезислар;

– агар суд мажлиси баённомаси билан танишиб, унга фикр-мулоҳаза билдирилган бўлса, билдирилган фикр-мулоҳазалар-нинг нухсаси;

– ишнинг мазмунан кўриб чиқилиши бўйича суднинг ҳукми, ажрими, қарори нухсалари.

3.7 Агар иш бўйича суднинг ҳукми юзасидан апелляция ёки кассация тартибда шикоят келтирилиб, адвокат иккинчи босқич ёки назорат инстанцияси судида ҳам қатнашган бўлса, баён этил-ган иш материалларига қўшимча равишда мазкур услубий қўлланманинг 3.8. ва 3.9. бандларида баён этилган ҳужжат ва маълумотлар ҳам бўлиши лозим.

3.8. Жиноят иши бўйича биринчи босқич судига қатнашмас-дан, иккинчи босқич яъни, апелляция ёки кассация босқичида иш юритиш топшириғини қабул қилган адвокатнинг адвокат-лик иш юритувида қоида тариқаси қуйидаги ҳужжат ёки маълу-мотлар бўлиши мақсадга мувофиқ:

а) биринчи босқич суди ҳукмининг нухсаси;

б) апелляция ёки кассация шикоятининг нухсаси;

в) апелляция ёки кассация шикоятига ёхуд прокурор протес-тига билдирилган эътирозларнинг кўчирмалари;

г) апелляция ёки кассация инстанция суди учун муҳим бўлган қўшимча ҳужжатларнинг нухсалари;

д) суд амалиёти, норматив ҳужжатлар, махсус адабиётлар-даги иш учун муҳим бўлган жойларининг нухсалари;

е) иккинчи босқич судида тақдим этилган ёзма илтимоснома-лар, аризалар нухсалари ҳамда ушбу илтимоснома, аризалар бўйича суд томонидан ўтказилган процессуал ҳаракатлар тўғри-сидаги маълумотлар;

ж) иккинчи босқич суди мажлисида томонларнинг берган ту-шунтиришлари, фикр-мулоҳазалари юзасидан олиб борилган ёзувлар;

з) иккинчи босқич судида кўрилган ишнинг натижалари бўйича маълумотлар;

и) иккинчи босқич суди қарори ёки ажримининг нухсаси.

3.9. Иккинчи босқич судида иштирок этмасдан назорат босқичида ҳимояни амалга ошириш топшириғини олган адвокат иш юритувида ишга оид қуйидаги маълумот ва ҳужжатлар акс этирилиши лозим:

- а) биринчи босқич суди ҳукмининг нусхаси;
- б) иккинчи босқич суди ажримининг нусхаси;
- в) назорат босқич судига берилган шикоят, ариза нусхаси;
- г) назорат тартибида шикоят келтириш учун асос бўлган иш материалларидан олинган кўчирмалар, ҳужжатлар нусхалари;
- д) корхона, ташкилот, муассасалардан сўров асосида олинган ишга алоқадор ҳужжатларнинг нусхалари;
- е) назорат босқичидаги мансабдор шахс ҳузурида шикоят юзасидан маъруза қилиш бўйича тузилган тезислар;
- ж) мансабдор шахснинг шикоят бўйича берган жавоб нусхаси;
- з) агар шикоят юзасидан протест киритилган бўлса, протест нусхаси;
- и) протест бўйича ишни кўриб чиқилиш натижаси бўйича ёзувлар.

3.10. Шунинг эътиборга олиш лозимки, иш бўйича айбланувчи ёки судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлиги адвокатни иш материаллари билан тўлиқ танишиб чиқиб иш юзасидан адвокатлик иш юритув ҳужжатларини юритиш мажбуриятидан озод қилмайди. Чунки айбига иқрорлик кўрсатувлари иш бўйича шахснинг айбини тасдиқловчи объектив далиллар билан исботини топган ҳоллардагина ишончга сазовор бўлиши мумкин. Ушбундан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, адвокатлик иш юритувида ҳимоясидаги шахсни нафақат айбсизлигини исботлашга доир маълумотлар балки, унинг айбдорлигига оид маълумотлар, ҳужжатлар ҳам ўз аксини топиши мумкин.

4. Фуқаролик иш бўйича адвокатлик иш юритуви

4.1. Адвокатнинг фуқаролик иши юзасидан даъвогар ёки жавобгар, шунингдек, иш бўйича манфаатдор учинчи шахсларнинг вакили сифатида қатнашган ишлари бўйича адвокатлик иш юритувида ваколат берувчи шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ барча маълумотлар, адвокат томонидан тузилган ҳужжатларнинг нусхалари ўз аксини топиши лозим.

4.2. Ваколат берувчи манфаатдор томоннинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан адвокатнинг биринчи босқич судида қатнашган иши бўйича адвокатлик иш юритувида ишга алоқадор қуйидаги маълумот ва ҳужжатларнинг бўлиши тавсия этилади:

а) судга берилган даъво ариза, ариза, шикоятларнинг нусхалари;

б) даъво аризасига нисбатан қарши даъво ариза ёки эътирознома берилган бўлса, мазкур ҳужжатларнинг нусхалари;

в) фуқаролик иши бўйича тақдим этилган ёзма далилларнинг нусхалари;

г) суд мажлисида аниқланиш лозим бўлган ҳолатлар юзасидан тузилган саволлар рўйхати;

д) ишни қонуний ҳал этилишга ёрдам берувчи меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётлардан кўчирмалар, уларнинг ксеронусхалари (олинган манбалари кўрсатилган ҳолда). Суд мажлиси давомида томонларнинг тушунтиришлари, фикрларининг қисқача (асосий) мазмуни, эксперт, мутахассисларни фикрлари акс эттирилган ёзувлар;

ж) судда тақдим этилган ёзма илтимосномаларнинг нусхалари, шунингдек, оғзаки берилган илтимосномалар ва суднинг илтимосномалар бўйича чиқарган ажримининг мазмуни;

з) суд музокарасидаги адвокат нутқининг матни ва ушбу бўйича тайёрланган тезислар;

и) агар суд мажлиси баённомаси билан танишиб, унга фикр-мулоҳаза билдирилган бўлса, билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳақидаги маълумот;

к) суднинг иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори ёки ажрими.

4.3. Агар иш бўйича суднинг ҳал қилув қарор ёки ажрими юзасидан апелляция ёки кассация тартибда шикоят келтирилиб, адвокат иккинчи босқич ёки назорат инстанцияси судида ҳам қатнашган бўлса, баён этилган иш материалларига қўшимча равишда мазкур услубий қўлланманинг 4.4. ва 4.5. бандида баён этилган ҳужжат ва маълумотлар ҳам бўлиши лозим.

4.4. Фуқаролик иши бўйича биринчи босқич судига қатнашмасдан, иккинчи босқич яъни, апелляция ёки кассация босқичида иш юритиш топшириғини қабул қилган адвокатнинг адвокатлик иш юритувида қоида тариқаси қуйидаги ҳужжат ёки маълумотларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ:

а) биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори ёки ажрими нусхаси;

б) апелляция ёки кассация шикоятининг нусхаси;

в) апелляция ёки кассация шикоятига ёхуд прокурор протестига нисбатан билдирилган эътирозларнинг кўчирмалари;

г) апелляция ёки кассация инстанция суди учун муҳим бўлган қўшимча ҳужжатлар нусхалари;

д) суд амалиёти, норматив ҳужжатлар, махсус адабиётларнинг иш учун муҳим бўлган жойларидан кўчирмалар;

е) иккинчи босқич судида тақдим этилган ёзма илтимоснома, аризалар нусхалари ҳамда ушбу илтимоснома, аризалар бўйича суд томонидан ўтказилган процессуал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ж) иккинчи босқич суди мажлисида томонларнинг берган тушунтиришлари, фикр-мулоҳазалари юзасидан олиб борилган ёзувлар;

з) иккинчи босқич судида кўрилган ишнинг натижалари бўйича маълумотлар;

и) иккинчи босқич суди қарори ёки ажримининг нусхаси.

4.5. Биринчи, иккинчи босқич судида иштирок этмасдан назорат босқичида вакилликни амалга ошириш топшириғини олган адвокат иш юритувида ишга оид қуйидаги маълумот ва ҳужжатлар акс эттирилиши лозим:

а) биринчи босқич суди ҳал қилув қарори нусхаси;

б) иккинчи босқич суди ажрим, қарорининг нусхаси;

в) назорат босқич судига берилган шикоят нусхаси;

г) назорат тартибида шикоят келтириш учун асос бўлган иш материалларидан олинган кўчирмалар, ҳужжатлар нусхаси;

д) корхона, ташкилот, муассасалардан сўров асосида олинган ишга алоқадор ҳужжатларнинг нусхалари;

е) назорат босқичида мансабдор шахс ҳузурида шикоят юзасидан маъруза қилиш бўйича тузилган тезислар;

ж) мансабдор шахснинг шикоят бўйича берган жавоб нусхалари;

з) агар шикоят юзасидан протест киритилган бўлса, протест нусхаси;

и) протест бўйича ишни кўриб чиқилиш натижаси бўйича ёзувлар.

4.6. Агар адвокат фуқаролик иши бўйича ҳал қилув қарорларининг ижроси босқичида ваколат берувчи манфаатларини ҳимоя қилган бўлса, унинг иш юритувида ушбуга аълоқадор ҳужжатлар ва маълумотлар бўлиши мақсадга мувофиқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ

БУЙРУҒИ

2005 йил 8 июнь

92- сон

Тошкент шаҳри

Адвокатура фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида

Республикада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқ институтлари орасида адвокатура асосий ва муҳим ўринни эгаллайди. Адвокатура институти зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдек конституциявий вазифа юклатилган бўлиб, бу вазифани бажариш тизимда фаолият кўрсатаётган ҳар бир адвокатдан юқори билим, касбий тайёргарликни талаб қилади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ адвокатурани ривожлантиришга, унинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга катта эътибор қаратилди. “Адвокатура тўғрисида”-ги ҳамда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”-ги қонунларнинг қабул қилиниши адвокатлик тузилмалари ташкилий шакллариининг ўзгаришига, адвокатлар сони ва улар томонидан кўрсатилаётган ҳуқуқий ёрдам сифат даражасининг ошишига олиб келди.

Ҳозирги вақтда республикада рўйхатдан ўтган 24 адвокатлар коллегиялари, 411 адвокатлик бюрolari, 255 адвокатлик фирмалари бўлиб, уларда жами 4848 адвокатлар фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Ўрта ҳисобда битта адвокатга 6729 аҳоли сони тўғри келади.

Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия бошқармалар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири адвокатура тизимини ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, бу борада улар муайян вазифаларни амалга оширмоқдалар.

Хусусан, адвокатлар фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, улар иш фаолиятини талаб даражасида ташкиллаштириш ва кенгайтириш, уларни ижтимоий касбий жиҳатдан ҳимоя қилиш, бу борада вужудга келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланмоқда ва бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Аммо ҳали бу соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина, жумладан адвокатлар томонидан кўрсатилаётган юридик ёрдамлар сифати бугунги кун талаблари даражасида эмас, чунки адвокатлар томонидан касбий вазифаларни лозим даражада бажармаётганликлари, касб этика қоидаларига риоя қилмаётганликлари тўғрисида фуқаролар, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан келаётган мурожаатларнинг сони камаймаяпти.

Аксарият адвокатларнинг касбий малакалари бугунги кун талабларига жавоб бера олади деб бўлмайди, айниқса, ушбу соҳага энди кириб келаётган ёш мутахассисларнинг билими ва касбий тайёргарликларининг етарли даражада эмаслигининг асосий сабабларидан бири, уларнинг адвокатлик тузилмаларининг бирон биршаклларида адвокат-куратор раҳбарлигида маълум бир муддат мобайнида адвокатлик фаолиятини ўрганиш бўйича стажировка ўтмаганлигидадир. Ёш мутахассислар қонун нормаларини амалиётда тўғри қўллай олишлари, адвокатлик касбини тўлиқ эгаллашлари ва фуқароларга кўрсатадиган юридик ёрдамлар сифатини оширишга амалдаги “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунга стажёр-адвокат ва стажировка ўташ тартиб-қоидалари тўғрисидаги янги нормаларни киритиш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси ҳудудий бўлимларининг адвокатлар корпоратив бирлигини таъминлаш борасида амалга ошираётган ишлари, белгилаётган чора-тадбирлари етарли бўлмаётганлиги, шунингдек уларнинг ишларини фаоллаштириш борасида ҳудудий адлия бошқармалари томонидан ҳам уларга етарли даражада услубий ёрдамлар берилмаяпти.

Адлия бошқармалари ҳузуридаги адвокатларнинг малака комиссиялари фаолияти ҳам бугунги куннинг талаблари даражасида эмаслиги, яъни малака имтиҳони саволларининг мазмунан жуда оддий тарзларда тузилганлиги, малака комиссия аъзоларининг малака имтиҳонларини қабул қилиш чоғида талабчанликларининг етарли даражада бўлмаётганлиги туфайли соҳага айрим нопок, билим савияси паст, адвокатлик касбига нолайиқ шахсларнинг кириб келишига шароит яратилмоқда.

Адвокатлик ҳайъатлари, фирмалари ва бюроларида ишловчи адвокатлар томонидан мазкур тузилмаларнинг кимга тегишли эканлигини билдирувчи турли номлардан ўзбошимчалик би-

лан фойдаланиш ҳолатлари амалиётда учрамоқда, ҳудудий адлия бошқармалари эса улар томонидан тақдим қилинаётган номларнинг ҳуқуқий соҳада маълум бир маънони ифодаловчи сўзлардан таркиб топган бўлишига эътибор беришмай рўйхатдан ўтказишмоқда, бу эса адвокатура тузилмалари фаолияти йўналишининг нуфузига путур етказмоқда.

Рўйхатга олинган адвокатлик ҳайъатлари, фирмалари ва бюрolari иш фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатдики, улар фаолиятидаги муаммоларни белгиланган тартибда ҳал этиш билан боғлиқ чора–тадбирлар адлия бошқармалари режасига жуда кам ҳажмларда киритилган ёки умуман кўзда тутилмаган.

Адвокатлар ҳайъатларига қарашли туманлардаги ҳуқуқий маслаҳатхоналарнинг моддий–техникавий таъминоти қониқарсиз аҳволда бўлиб, иш шароитлари талаб даражасига жавоб бермайди. Адлия бошқармалари томонидан эса ушбу йўналишдаги аҳволни яхшилашга қаратилган амалий чора–тадбирларни етарли даражада кўрилмаган. Аксарият вилоятларда тайинлов асосида жиноят ишларида қатнашган адвокатлар меҳнатига давлат томонидан тўланиши лозим бўлган ҳақларнинг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан сурункали равишда тўланмаслиги натижасида адвокатлар ўз меҳнат ҳақларини вақтида олиш имкониятидан маҳрум бўлмоқдалар, бу ҳолатлар охир оқибатда адвокатлар томонидан тайинлов асосида тергов ва суд жараёнларида қатнашишдан бўйин товлашларига олиб келмоқда ва уларнинг фуқароларга кўрсатаётган ҳуқуқий ёрдамларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Адвокатлик тузилмаларининг мавжуд қарзларни ундириш борасида кўраётган чора–тадбирлари кўп ҳолларда самарасиз яқунланмоқда. Адлия бошқармаларига эса бу борадаги муаммоларни ҳал этишда ташаббускорлик ва қатъиятлилиқ етишмаяпти.

Адвокатлик тузилмаларида статистик ҳисоботларни тайёрлаш, уларни белгиланган муддатларда топшириш ва юбориш ишлари ҳам талаб даражасида эмас.

Юқорида қайд этилган муаммолар адвокатура соҳасини ривожлантиришга қаратилган комплекс чора–тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, мазкур соҳани тартибга солувчи амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар нормаларини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Адвокатура тизимини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, юзага келган муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370–сонли қарори талабларидан келиб чиқиб,

Буюраман:

1. Адвокатура тизимини ислоҳ қилиш ва унинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, улар томонидан кўрсатилаётган юридик ёрдамлар сифатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар маълумот учун қабул қилинсин.

Адвокатура фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар режаси 1–иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасида адвокатурани ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш концепцияси, адвокатура фаолиятига оид қонун ва қонун ости норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳининг таркиби 2–иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига:

а) ушбу буйруқни 15 кун муддат ичида ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиб, адвокатура йўналиши бўйича олиб борилаётган раҳбарлик асосларини тубдан ўзгартириш ва мавжуд бўлган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган зарур тадбирлар ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш учун қатъий чоралар кўриш;

б) адвокатура тузилмалари фаолиятини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш;

в) лицензия берувчи орган сифатида талабгорга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш, лицензиянинг амал қилиш муддатини маълум вақтга қадар тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиш, лицензиянинг амал қилишини тугатиш ҳолатлари бўйича Низом ва “Адвокатура тўғрисида”-ги Қонуннинг 14, 16–моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда, адвокатга нисбатан жиноят иши қўзғатилган ҳолларда, лицензиянинг амал қилиш муддати унинг айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилган вақтидан бошлаб, то ҳукм қонуний кучга киргунга қадар номуайян муддатга тўхтатиб қўйилиши,

адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахсга нисбатан айблов ҳукми қонуний кучга кирган ҳар бир ҳолат бўйича лицензиянинг амал қилишини тугатиш масаласи муҳокама қилиниши шартлиги, шунингдек адвокатга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган ёки амнистия актига биноан жазодан озод қилинган ҳолати унинг лицензиясини тугатишга тўсқинлик қилмаслигига алоҳида эътибор қаратилсин;

г) тайинлов асосида жиноят ишларида қатнашган адвокатлар меҳнатига тўланадиган ҳақларнинг вақтида тўланишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш, уларнинг ижроси натижалари бўйича аниқ маълумотларни ҳар чоракда Адлия вазирлигига юборишини таъминлаш;

д) адвокатларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган таъқиблар, асоссиз чеклашлар ва тажовузлардан уларни ҳимоя қилиш мақсадида, уларга ва адвокатлик тузилмаларига нисбатан содир этилаётган тазйиқ, ноқонуний хатти-ҳаракатлар юзасидан текширишлар ўтказиб, уларни бартараф қилиш бўйича ваколат доирасидаги ҳуқуқларидан самарали фойдаланиш ва бу ҳақдаги маълумотларни Адлия вазирлигига зудлик билан юбориш чораларини кўриш;

е) Адлия вазирлигининг 2002 йил 24 март кунисидаги 17-ум сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ҳуқуқий статистика ҳисобатларини тузиш тартиби тўғрисида”ги Қўлланмага асосан белгиланган 14-сонли шаклга мувофиқ ҳар 6 ойда адвокатлик тузилмаларидан статистик ҳисоботларни талаб қилиб олиб, уларни умумлаштирган ҳолда Адлия вазирлигига юбориш мажбуриятлари топширилсин;

ж) Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги Малака комиссиялари аъзолари адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олишга талабгорлардан имтиҳон олиш чоғида талабчанликларини кучайтиришлари, талабгорларнинг билим даражаларини тест орқали ва оғзаки имтиҳон олиш йўллари билан ҳар томонлама текшириб кўришлари, имтиҳондан ўтолмаган талабгорларга нисбатан қабул қилинадиган қарорлар матнлари барча ҳолатларни батафсил акс эттирган, асосли бўлишларига эътиборларини қаратишлари зарурлиги уқтирилсин.

5. Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармасига:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари фаолиятини таҳлил қилиш йўли билан ўрганиш ва натижаларини умумлаштириш;

б) адвокатлар томонидан адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига, адвокатлик этикаси қондаларига риоя қилиниши, шунингдек уларнинг касбий тайёргарликларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш йўналишидаги ишлар кўламини кучайтириш;

в) адвокатлар томонидан фуқароларга, юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жараёнида амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабларини бузганликлари тўғрисида келиб тушадиган ҳар бир мурожаат чуқур ўрганиб чиқилиши, қонуний ва белгиланган муддатларда ҳал қилиниши ва улар бўйича тегишли чоралар кўрилишини Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия бошқармалари билан биргалликда таъминлаш вазифаси топширилсин

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Адлия вазирининг ўринбосари Е. Канъязовга юклатилсин.

Вазир

Б. МУСТАФОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТ ҚАРОРИ

2005 йил 15 июнь

17-сон

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси таркибига киритилган ўзгаришлар маносабати билан Адлия вазирлиги ҳайъати

Қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармасининг бошлиғи – комиссия ҳамраиси;

2. Саломов Баҳром – Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг раиси, комиссия ҳамраиси;

3. Маматов Шодибек Суёнович – Кадрлар бошқармасининг бошлиғи;

4. Саидов Шокир Камалович – Шартномавий, ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармасининг бошлиғи;

5. Юсубжонов Иззат Исакович – Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – адвокатура бўлими бошлиғи;

6. Тўйчиев Нусратбек Давронқулович – Маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси бошлиғининг вазифасини бажарувчи;

7. Нарзиев Аҳадқул Очилович – Навоий вилоят адвокатлар ҳайъати Раёсати раиси;

8. Саидов Тошпўлат Давронович – Бухоро вилоят адвокатлар ҳайъати Раёсати раиси;

9. Нормуратов Мустафо – Самарқанд вилоят адвокатлар ҳайъати Раёсати раиси;

10. Карпухин Адади Константинович – Тошкент шаҳар 2–сонли Миробод ҳуқуқий маслаҳатхонасининг мудири.

II. Адлия вазирининг ўринбосари Е. Канъязовга Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармасининг бошлиғи лавозимига ходим тайинланганига қадар комиссия ҳамраиси вазифасини бажариб туриш юклатилсин.

III. Адлия вазирлигининг 2003 йил 28 мартдаги 9–сонли ва 2003 йил 5 декабрдаги 44–сонли ҳайъат қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ҳайъат раиси
Вазир

Б. МУСТАФОВ

**“АДВОКАТ” ЖУРНАЛИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ
(2005-2007 йиллар)**

I. “Адвокат” журнали фаолиятини ривожлантириш зарурияти

Мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Айниқса, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш жараёнида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни юридик соҳага оид муҳим маълумотлар олиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ушбу йўналишда фаоллигини ошириш юридик журналнинг асосий вазифасидир.

Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси ҳузурида ижтимоий-ҳуқуқий, амалий-назарий-оммабоп “Адвокат” журнали таъсис этилди ва у ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида 1999 йил декабрдан бошлаб фаолият кўрсатди. Шу давр мобайнида журналнинг 17-сони нашрдан чиқди.

Кейинчалик журналнинг ташкилий-бошқарув, иқтисодий-молиявий фаолиятида баъзи муаммолар вужудга келганлиги боис, 2004 йил февраль ойидан ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган эди.

Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси Бошқаруви ана шу муаммоларни бартараф этиб, 2005 йил 17 июнда журнал фаолиятини янги мазмун ва йўналиш бўйича қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 октябрда “Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” муҳим қарори қабул қилинди. Унда мавжуд юридик журналлар фаолиятини такомиллаштириш, уларни замон талабига жавоб бера-

диган янги мазмун ва йўналиш билан бойитиш, журналларнинг моддий-техника базасини кучайтиришга қаратилган вазифалари белгилаб берилди.

Юридик журналлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан белгиланган мазкур вазифалар бошқа юридик журналлар қатори “Адвокат” журнали фаолиятини ҳам тубдан ўзгартириш, қайтадан ташкил этиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шунга кўра мазкур Концепция “Адвокат” журнали фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган устувор йўналишларини белгилайди.

II. Журнални такомиллаштириш ва қайта ташкил этиш йўналишлари

“Адвокат” журналинини қайта ташкил этиш қуйидаги йўналиш ва босқичларни ўз ичига олади.

Илгариги ижтимоий-ҳуқуқий, амалий-назарий-оммабоп “Адвокат” журнали юридик шахс сифатида тугатилиб, ЎАА ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган янги йўналиш ва мазмун билан бойитилган илмий-оммабоп, ижтимоий-ҳуқуқий “Адвокат” журнали ташкил этилади ва ЎАА томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият кўрсатади.

Янги ташкил этиладиган журнал ҳар икки ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида камида 1500 нусхада, 48 бетдан иборат ҳажмда, рангли муқовада чоп этилади. Журналнинг баъзи сонларида соҳага оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, уларга бериладиган шарҳлар чоп этилиши сабаб ҳажми ошиши мумкин.

Журнални юридик соҳани биладиган ҳамда журналистик қобилиятига эга бўлган бош муҳаррир бошқаради. Шунингдек, журнални илмий-назарий жиҳатдан мукамал бўлишини таъминлаш мақсадида таҳрир ҳайъати ташкил этилади. Таҳрир ҳайъатига жалб этиладиган юридик соҳа олимлари, мутахассислар Низомда белгиланган талабларни бажаришга масъул бўлиб, журнални такомиллаштириш ва илмий салоҳияти юқори даражада бўлишини таъминлаш борасида бош муҳаррир билан ҳамкорлик қиладилар.

Бундан ташқари, журнални бадиий эстетик жиҳатдан юқори савияда бўлишини таъминлаш, рангли безаклар билан расмийлаштириш борасида сифатини ошириб бориш мақсадида жур-

налист, рассомлар, дизайнерлар, фото муҳаррирлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилади.

III. Журналнинг мақсади ва вазифалари

Илмий-оммабоп, ижтимоий-ҳуқуқий “Адвокат” журналининг асосий мақсади суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган демократик ислоҳотлардан жамият аъзоларини хабардор қилиб бориш, юқори савияда илмий-оммабоп таҳлилий материалларни журнал саҳифаларида чоп этиш орқали, давлат ва жамият қурилишининг ҳуқуқий асосларини, ижтимоий-сиёсий соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини ёритиш, фуқаролар онгига демократик қадриятларни сингдириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қўмаклашиш, шунингдек, мамлакатда адвокатуранинг роли ва адвокатларнинг малакасини ошириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш ҳамда адвокатура институтининг илмий-назарий асосларини кенг ёритишдан иборат.

Мазкур муҳим мақсадларни амалга ошириш учун журнал қуйидаги устувор вазифаларни бажаради:

– фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда адвокатура фаолиятини кенг ёритиш;

– инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ маълумотлар, меъёрий ҳужжатларни чоп этиш орқали адвокатларнинг касб малакаларини оширишга қўмаклашиш;

– қонунлар ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжат лойиҳаларининг муҳокамасида фаол қатнашиш;

– адвокатлик амалиётига тааллуқли хорижий ва халқаро ҳужжатлар ва ҳуқуқий-меъёрларни чоп этиш;

– адвокатура институтини ислоҳ қилиш, такомиллаштириш юзасидан илмий мақолаларни чоп этиш;

– юридик фанни ривожлантириш ва адвокатура назарияси миллий мактабини шакллантириш, соҳага оид юқори малакали кадрларни тайёрлашга қўмаклашиш.

Юқорида баён этилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб ҳамда журнални қизиқарли, ранг-баранг бўлишини таъминлаш учун қуйидаги доимий рунклар ташкил этилади:

“Жамият ва адвокатура”, “Адвокатурани ислоҳ қилиш жараёни”, “Адвокатлик амалиётидан”, “Адвокат маслаҳати”, “Адвокатга услубий ёрдам”, “Корпоратив ҳужжатлар”, “Амалиётдаги муаммолар”, “Минбар”, “Международные связи”, “Зако-

нодательство и практика”, “Дисциплинарная практика”, “Научная новизна”, “Этика адвоката”, “Опыт зарубежных коллег” ва ҳоказо.

Журнал амалиётчи адвокатлар, ҳуқуқ соҳасидаги олимлар, мутахассислар, шунингдек ҳуқуқ йўналишидаги аспирант, магистр ва талабаларга ҳамда адвокатура фаолиятига қизиқувчи бошқа шахсларга мўлжалланган.

IV. Журнални молиялаш манбаи

Журнал асосан ЎААга келиб тушадиган аъзолик бадаллари ҳисобидан чоп этилади ва дастлаб ЎААга аъзо адвокатларга бепул тарқатилади. Бугунги кунда Република бўйича ЎААга 2000 дан ортиқ адвокатлар аъзо бўлиб, ҳар ой ўртача 1500 дан зиёд адвокатлар аъзолик бадалларини тўлаб келади. Аъзолик бадалининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 40 фоизини ташкил этади. Белгиланган миқдорнинг 1/3 қисми ҳудудий бўлимларга, қолгани ЎААга келиб тушади. Аъзолик бадалларидан келиб тушадиган маблағ журнални икки ойда бир марта чоп этишга имкон беради. Қилинган ҳисоб-китобларга кўра, бир дона журнал таннархи 2000 сўмни ташкил этади. Дастлаб журнал 1500 нусхада чоп этилиши назарда тутилмоқда. Бунинг учун тахминан 3 млн. сўм маблағ талаб этилади. (2005 йил 1 декабрдаги мавжуд нарх-наво бўйича).

Кейинчалик ЎАА аъзолари сонининг ошиши ҳамда улардан тушадиган аъзолик бадаллари ҳажми кўпайиши эвазига журналнинг адади ҳам ошиб боради.

V. Журналнинг истиқбол йўналиши ва ундан кутилаётган натижалар

Журналнинг молиявий манбаи аъзолик бадаллари ҳисобидан эканлиги сабаб, унинг таннархи ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида сотувга чиқарилмайди. Журнал ЎААнинг ҳудудий бўлимлари орқали адвокатларга бепул тарқатилади, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ва уларнинг ўқув марказларига, юридик ихтисослиги бўйича ўқув тадқиқот муассасаларига, давлат марказий кутубхоналарига, айрим халқаро ташкилот ва МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг адвокатлик бирлашмаларига белгиланган тартибда юборилади.

Журнал фаолият давомида муттасил изланишлар олиб бориб, ўзининг саҳифаларида ЎАА томонидан ташкил этиладиган давра суҳбатлари, конференциялар, ўқув тренинг машғулотлари ҳақида маълумотлар, репортажлар, интервьюлар, таҳлилий материаллар, шарҳлар, қонунчилик ҳужжатлари кабиларни замонавий журналистиканинг турли жанрларида ёритиб бориш эвазига ўз ўқувчилари сонини кўпайтиришга интилади. Бу эса журнал ададини 2006-2007 йилнинг охирида 2500 нусхага етказиш ҳамда сотувга чиқариш имконини беради.

Шунингдек, келажакда журналнинг электрон варианты (сайт)ни тайёрлаш ва глобал Интернет тармоғига жойлаштириш масаласи ҳал қилинмоғи лозим.

Журнал ривожлана бориб, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш имкониятига эга бўлганидан сўнг, мустақил юридик шахс сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

**Ўзбекистон Адвокатлар
Ассоциацияси Бошқарувининг
2006 йил 17 февралдаги
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси
ҳузуридаги Илмий-услубий Кенгаш тўғрисида
Н И З О М**

1. Умумий қондалар

1.1. Илмий-услубий Кенгаш (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг маслаҳат органи ҳисобланади.

1.2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунларига, ЎАА Уставига ва мазкур Низомга амал қилади.

1.3. Ушбу Низом Кенгашни ташкил этиш тартибини, функциясини ҳамда фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди.

1.4. Кенгаш ЎАА Бошқаруви қарори билан ташкил этилади ва доимий равишда фаолият кўрсатади.

2. Кенгашнинг мақсад, вазифа ва функциялари

2.1. Кенгаш фаолиятининг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ адвокатура институти зиммасига юклатилган вазифаларни мукамал бажарилишига илмий-амалий томондан ёрдам кўрсатиш.

2.2. Кенгашнинг асосий вазифалари – Республикада адвокатура тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий асослантирилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва адвокатурани илмий-услубий ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш.

2.3. Кенгаш белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида қуйидаги функцияларни бажаради:

– адвокатура ва адвокатлик фаолиятига оид амалдаги қонунларни такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқади, лозим ҳолларда соҳага оид янги қонун лойиҳаларини тайёрлайди;

– қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари томонидан ЎААга юборилган қонун лойиҳалари ва меъёрий ҳужжатлар муҳокамасида бевосита иштирок этиб, илмий асослантирилган хулосалар, фикр-мулоҳазалар, таклифлар тайёрлайди;

– адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларни тайёрлайди ҳамда тайёрланган лойиҳаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши;

– инсон ҳуқуқлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқади;

– ЎАА орқали Республикадаги ҳамда хорижий илмий тадқиқот муассасалари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўяди ва ривожлантиради;

– адвокатура тизимига оид чет эл тажрибасини ўрганади ва унинг ижобий томонларини татбиқ қилишга қаратилган тавсия ва хулосалар тайёрлайди;

– ЎАА томонидан уюштирилаётган илмий-амалий конференция, давра суҳбати ва анжуманларни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатади;

– адвокатура ва адвокатлик фаолиятига оид қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилади ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий хулоса ва таклифлар тайёрлайди;

3. Кенгаш таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

3.1. Кенгашнинг раис, раис ўринбосари, котиби ва аъзолардан иборат бўлган таркиби Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси раисининг тавсиясига биноан ЎАА Бошқаруви томонидан тўрт йил муддатга тасдиқланади;

3.2. Кенгаш раиси ва унинг ўринбосари адвокатура тизимида фаолият кўрсатаётган, илмий даражага эга бўлган адвокат бўлиши лозим;

3.3. Кенгаш раиси ЎАА таркибида доимий фаолият кўрсатувчи ходим сифатида штат жадвалига киритилади ҳамда унга белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

3.4. Кенгаш раиси ўз ваколати доирасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

– Кенгаш ишини ташкил этади ва унинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

– Кенгаш йиғилишларини ўтказиши ва унга раислик қилади.

– Кенгаш иш режаси ва умумий фаолият йўналишини ишлаб чиқади ва уни ЎАА Бошқаруви мажлиси муҳокамасига тавсия этади;

– Кенгаш аъзолари томонидан адвокатура ва адвокатлик фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар ва бошқа қонунлар юзасидан тайёрланган илмий хулоса, тавсия ва таклифларни жамлаб, тегишли ваколатли органларга юбориш масалаларини ҳал этади;

– Кенгаш аъзоларига тегишли топшириқлар беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

– ўтказиладиган турли илмий-амалий конференция, давра суҳбатлар, анжуманларда ЎАА номидан маъруза ва таклифлар билан иштирок этади;

– ЎАА Бошқаруви йиғилишларида иштирок этади ва уларда муҳокама этиладиган илмий-ижодий масалалар юзасидан таклифлар киритади, тавсия ва хулосалар тақдим этади.

3.5. Кенгаш раис ўринбосари раиснинг топшириғига асосан Кенгаш ишини ташкил этади ва унинг йўқлигида ушбу фаолиятга раҳбарлик қилади.

3.6. Кенгаш котиби ўз ваколати доирасида:

– Илмий-услубий Кенгашининг мажлисини тайёрлаш, ўтказиш, кенгаш аъзоларининг иш тақсимотини белгилаш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширади ва кенгаш мажлисларининг баённомаларини юритади.

3.7. Кенгаш аъзолари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади. Қуйидагилар Кенгаш аъзолари бўлиши мумкин:

– ҳуқуқшунос олимлар;

– ўқув юртларида юридик таълим бераётган ўқитувчилар;

– қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимида ишлаб келаётган тажрибали амалиёт ходимлари;

– адвокатура тизимини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшиб келаётган тажрибали адвокатлар.

3.8. Кенгаш аъзолари ўз ваколатлари доирасида:

– Кенгаш йиғилишларида, ЎАА Бошқаруви мажлисларида иштирок этади ҳамда муҳокама этилаётган масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиради;

– Кенгаш ваколатига тааллуқли долзарб масалалар бўйича таклифлар киритади;

– Кенгаш раиси томонидан берилган топшириқларни бажаради ва ўзига юборилган материаллар юзасидан илмий асослан-тирилган хулоса ва таклифлар тайёрлайди;

– ЎАА ва адвокатлик тузилмалари томонидан ўтказиладиган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва анжуманларда иштирок этади;

– ЎАА тавсиясига кўра давлат, нодавлат, халқаро ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этади;

– адвокатура ва адвокатлик фаолияти, шунингдек, ҳимоя ҳуқуқи билан боғлиқ қонун ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб боради.

3.9. Кенгаш фаолиятига оид муҳим масалалар умумий йиғилишда ҳал этилади. Кенгаш умумий йиғилиши, унинг раиси томонидан заруриятга қараб, камида уч ойда бир марта ўтказилади.

3.10. Кенгаш йиғилишининг кун тартиби ЎАА Бошқаруви ва раиси, худудий бўлимлар, шунингдек, адвокатлик тузилмалари томонидан таклиф этилган адвокатура ва адвокатлик фаолиятига оид долзарб масалалардан шаклланиши мумкин.

3.11. Кенгаш умумий мажлиси муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тартибда қарор қабул қилади.

3.12. Кенгаш қарори унда иштирок этаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3.13. Лозим ҳолларда кенгаш йиғилишига бошқа соҳа олимлари, эксперт мутахассислар ҳам таклиф этилиши мумкин.

3.14. Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган муҳим илмий хулоса ва таклифларнинг амалиётда қўлланилиши масаласи ЎАА Бошқарувининг мажлисида кўриб чиқилади. Улар муҳокама учун лозим ҳолларда адвокатлар тузилмаларига юборилади.

3.15. Кенгаш таркибини ўзгартириш, тўлдириш, қайта кўриб чиқиш масаласи Кенгаш раиси томонидан ЎАА Бошқарув мажлиси муҳокамасига киритилиши мумкин.

4. Якуний қондалар

4.1. Кенгаш ЎАА раҳбарияти орқали Республикада ёки хориждаги суд, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ҳузуридаги Илмий кенгашлар, юридик илмий–тадқиқот муассасалари билан ўзаро алоқалар ўрнатади ва доимий ҳамкорликни амалга оширади.

4.2. Кенгаш фаолияти ЎАА ҳузурида чоп этилаётган илмий-оммабоп, ижтимоий-ҳуқуқий “ADVOKAT” журналида ёритилиб борилади.

4.3. Кенгашнинг фаол аъзолари ЎАА раҳбарияти томонидан тақдирланиши мумкин.

4.4. Кенгаш фақат ЎАА Бошқарув қарори билан тугатилади.

**ЎАА Бошқарувининг
2006 йил 17 февралдаги
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси ҳузуридаги
Илмий-услубий Кенгаш таркиби**

№	ФИШ	Вазифаси	Илмий даражаси
1	Абдумажидов Фафур Абдумажидович	Кенгаш раиси	Юридик фанлар доктори, ЎзР фан арбоби, профессор
2	Якубов Санжар Ахмеджанович	раис ўринбосари	Юридик фанлар номзоди, доцент
3	Хван Леонид Борисович	аъзо	Юридик фанлар номзоди, доцент
4	Канъязов Есемурат Султанмуратович	аъзо	Юридик фанлар номзоди
5	Алламуратов Алишер Алламуратович	аъзо	Юридик фанлар номзоди
6	Тўлаганова Гулчеҳра Захитовна	аъзо	Юридик фанлар номзоди
7	Арипджанов Умид Анваржонович	аъзо	Юридик фанлар номзоди
8	Пардаев Сафар Жўраевич	Кенгаш котиби	
9	Ишанханова Гулнора Амановна	аъзо	
10	Ашрапов Рустам Абидович	аъзо	
11	Азизов Илҳом Баҳодирович	аъзо	АҚШ ҳуқуқ магистри

**ЎАА Бошқарувининг
2006 йил 18 майдаги
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга
рухсат берувчи лицензия олиш учун талабгорларга
ЎААнинг ҳудудий бўлимлари томонидан тавсиянома
бериш тартиби ҳақида
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

1. Умумий қоидалар

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олишга талабгорларга ЎААнинг ҳудудий бўлимлар томонидан тавсиянома берилиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг 13.03.1997 йилдаги қўшма қарори билан тасдиқланган “Малака Комиссиялари тўғрисида”ги Низомнинг 9-бандида белгиланган.

Мазкур соҳани тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларда ҳудудий бўлимлар томонидан талабгорларга тавсиянома бериш ва уни расмийлаштирилиш тартибини белгиловчи аниқ қоидаларнинг йўқлиги боис, жойларда бу соҳада турли муаммолар вужудга келмоқда. Бу ҳолат эса баъзи ҳолларда тавсиянома бериш билан боғлиқ ноаниқлик ва англашилмовчиликларни келиб чиқишига, баъзан эса талабгорлар томонидан ариза ва шикоятларни берилишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу тавсиянома талабгорларга тавсиянома бериш, уни расмийлаштириш тартибини белгиловчи умумий қоидаларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, талабгорларга тавсиянома бериш билан боғлиқ масаларни ҳал этишда ҳудудий бўлимларнинг бевосита мазкур услубий тавсия талабларига амал қилиши тавсия этилади.

2. Тавсиянома бериш ва уни расмийлаштириш тартиби

2.1 Адвокатлар малака комиссиялари тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ адвокатлик лицензиясини олишга талаб-

горларга ҳудудий бўлимлар томонидан тегишли тартибда тавсиянома берилади.

2.2 Талабгор тавсиянома олиш учун бевосита ўзи яшайдиган ҳудуддаги ЎААнинг ҳудудий бўлимига мурожаат қилиши ва “Малака комиссиялари тўғрисида”ги Низомнинг 9 бандида назарда тутилган, адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатлар малака комиссиясига тақдим этишлари лозим бўлган ҳужжатларнинг бир нусхасини (йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат бундан мустасно) ҳудудий бўлимларга топширишлари лозим.

2.3. Ҳудудий бўлим раҳбари тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш, лозим ҳолларда шахсга оид маълумотларни йиғиш (иш ёки ўқиш жойидан, талабгар яшайдиган маҳалла кенгашларидан тавсифнома ва тегишли маълумотномалар талаб қилиб олиш йўли билан ёки бошқа манбаалар орқали) асосида талабгорнинг муносиблигини аниқлайди ва унга малака имтиҳонини топшириш учун тавсиянома беради. Тавсиянома беришда талабгорнинг судланган ёки судланмаганлиги, олдинги иш жойдаги хулқ атвори, адвокатура ва адвокатлик касбига, шунингдек, адвокатларга нисбатан бўлган муносабати, суд-ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралардан қайси сабаблар билан ишдан кетганлиги ҳолатларини инобатга олиниши мақсадга мувофиқ

2.4. Агар талабгорнинг шахсини ўрганиш жараёнида муносиб хулқ-атвори, олдинги фаолияти давомида адвокатларга ва адвокатурага нисбатан муносабатларида салбий ҳолатлар тўғрисида маълумотлар аниқланса, бериладиган тавсияномада ушбу маълумотларнинг кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

2.5. Талабгорларга тавсиянома бериш муайян талаблар асосида ва тегишли тартибда расмийлаштирилиши лозим. Ҳар бир ҳудудий бўлимда талабгорларга тавсиянома беришни рўйхатга олиш бўйича махсус китоб юритилиши ва унда талабгорнинг фамилияси, исми, шарифи, манзили, мурожаат қилинган вақт, талабгорнинг олдинги фаолияти ҳақида қисқача маълумот, тавсияномани олганлигини тасдиқловчи талабгорнинг имзоси ва охирида талабгорнинг малака имтиҳонидан ўтган ёки ўтмаганлиги тўғрисида маълумотлар бўлиши лозим.

Тавсиянома беришни рўйхатга олиш китоби рақамланган, шнурланган ва бўлим муҳри билан тасдиқланган ҳолда бўлим

раҳбарида ёки раҳбар буйруғи билан бириктирилган масъул шахсда сақланиши лозим.

2.6. Тавсиянома талабгор томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан бошлаб 10 кундан кечиктирилмасдан берилиши лозим.

2.7. Малака имтиҳонидан ўтаолмаган ёки адвокатлик лицензияси белгиланган тартибда бекор қилинган талабгорларга бир йил ўтмасдан туриб қайтадан тавсиянома берилиши мумкин эмас.

2.8. Ҳудудий бўлимнинг тегишли тавсияномаси бўлмаган ҳолда адвокатлар Малака комиссияси томонидан талабгорнинг ҳужжатлари қабул қилиниб малака имтиҳонига рухсат берилганлик ҳолати аниқланган тақдирда ҳудудий бўлим раҳбари ёки малака комиссиясига аъзо бўлган адвокат меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя этилмаганлиги юзасидан адлия идораси раҳбарига ёки ЎАА раҳбариятига мурожаат қилиши лозим.

3. Талабгорларни малака имтиҳонларига тайёрлаш бўйича услубий ёрдам

3.1. Ҳудудий бўлимлар тавсиянома бериш билан бирга малака имтиҳонига тайёрлаш, адвокатура бўйича дастлабки касбий кўникмани ҳосил қилиш масаласида талабгорларга услубий ёрдам кўрсатишлари мумкин. Бу мақсадда талабгорлар учун турли хил маъруза, семинар, давра суҳбатлари, ўқув курсларининг ташкил этилиши ва уларни тегишли юридик адабиётлар, услубий қўлланмалар, адвокатура соҳасига оид газета ва журналлар билан таъминлаш тавсия этилади.

Ушбу ташкилий ишларни амалга ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудий бўлимда раёсат қарори билан алоҳида фондлар ташкил этилиши ва бу фонд маблағлари талабгорлар томонидан ихтиёрий равишда ўтказиладиган маблағлар ҳисобидан шакллантирилиши мумкин. Ҳудудий бўлимга тўланадиган маблағ миқдори тарафларнинг ўзаро келишуви билан белгиланади.

3.2. Талабгорларнинг ҳудудий бўлим ҳисобига ўтказган ихтиёрий маблағларининг ҳисоб-китоблари алоҳида юритилиб, улар адвокатура фаолиятига оид турли адабиётлар, га-

зета ва журналлар сотиб олишга, шунингдек, талабгорларни малака имтиҳонига тайёрлаш, касбий кўникмаларини шакллантириш, билимларини ошириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун сарфланади. Ҳудудий бўлим тафтиш комиссияси мазкур маблағлар сарф харажатини доимий назорат қилиб боради ва бу ҳақда бўлимнинг умумий йиғилишларида ҳисобот беради.

3.3. Талабгорнинг ихтиёрий равишда тўлаган маблағи у малака имтиҳонидан ўтган ёки ўтмаганлигидан қатъи назар қайтарилмайди.

**ЎАА Бошқарувининг
2006 йил 25 августдаги
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Адвокат ёрдамчиси тўғрисидаги
НИЗОМ**

Адвокат ёрдамчисининг мақоми “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, у фаолият юритаётган адвокатлик тузилмасининг Устави ва ушбу Низом билан белгиланади.

1. Адвокат ўзининг касбий фаолиятини амалга оширишда ёрдамчиларга эга бўлиши мумкин.

Адвокат ёрдамчиси – адвокат топшириғига асосан адвокатнинг бевосита ўзи амалга ошириши лозим бўлган процессуал ваколатига кирмайдиган вазифаларни бажарувчи шахсдир.

2. Қоида тариқасида, олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси адвокат ёрдамчиси бўлиши мумкин.

3. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар адвокат ёрдамчиси бўлиши мумкин эмас.

4. Адвокат ёрдамчиси бўлишга талабгор шахс адвокатлик тузилмаси раҳбарига ариза билан мурожаат қилади. Мазкур аризада адвокатнинг розилигини тасдиқловчи белги бўлиши керак.

Талабгор шахс ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим:

- шахсий варақа;
- таржимаи ҳол;
- олий ёки ўрта махсус юридик маълумотини тасдиқловчи ҳужжат (олий таълим муассасасида таҳсил олаётган бўлса, ҳақиқатдан ҳам ўқиётганлигини тасдиқловчи ҳужжат);
- талабгорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) нусхаси;
- 3x4 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;

– олдин бошқа жойда ишлаган бўлса охириги иш жойидан тавсифнома.

5. Меҳнат қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда адвокат ёрдамчисини ишга қабул қилиш бўйича иш берувчи, адвокат, ёрдамчи ўртасида меҳнат шартномаси (контракти) тузилади ва адвокатлик тузилмаси томонидан тасдиқланади ҳамда тузилма раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Меҳнат шартномасида адвокатлик тузилмасининг, адвокат ва адвокат ёрдамчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳақ тўлаш тартиби, усули, шартноманинг амал қилиш муддати, уни тугатиш шартлари ва тарафлар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи бошқа масалалар назарда тутилиши лозим.

6. Адвокат ёрдамчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– адвокат топшириқларини бажариш учун ҳужжатлар йиғиш давлат органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларидага иш ҳужжатларни ўрганиш, улардан кўчирмалар олиш;

– адвокатлик тузилмалари томонидан ташкил қилинадиган амалий машғулотларда иштирок этиш;

– адвокатлар тузилмаларининг мажлислари (конференциялари)да маслаҳат овози билан қатнашиш;

– адвокатлик тузилмасидаги ҳуқуқий база маълумотларидан, махсус адабиётлардан фойдаланиш;

– ҳуқуқни татбиқ қилиш амалиётини ўрганиш;

– адвокат билан биргаликда суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатларида ва суд мажлисларида қатнашиш;

– юридик ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва амалдаги қонунчилик билан ман қилинмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

7. Адвокат ёрдамчиси зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

– адвокатлик сирини сақлаш;

– мазкур Низом ва меҳнат шартномаси талабларига риоя қилиш;

– адвокат касб одоби қоидаларига риоя этиш;

– касбий мажбуриятларини лозим даражада бажариш.

Адвокат ёрдамчиси адвокатнинг процессуал ваколатларига тааллуқли ишлари билан шуғулланишга ҳақли эмас. Унинг суриштирув, дастлабки тергов, умумий юрисдикция ва хўжалик

судларида мустақил равишда ишларни олиб боришига йўл қўйилмайди.

8. “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7–моддасига асосан адвокат ёрдамчисидан адвокатлик сири предмети ҳисобланган ҳолатлар тўғрисида бирон бир тушунтириш ёки кўрсатувлар беришни талаб қилиш, шунингдек улар ҳақида тезкор–қидирув фаолиятида, жиноят ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва бошқа ишларни юритишда фойдаланиш учун биронта материал тақдим этишни талаб қилиш ман этилади.

9. Адвокат ёрдамчисига ҳақ тўлаш меҳнат шартномасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳар бир адвокатлик тузилмаси адвокат ёрдамчиси меҳнатига қуйидаги шаклда ҳақ тўлашни амалга ошириши мумкин:

– адвокатлик тузилмаси жамғармалари пул маблағлари ҳисобидан қатъий суммада ойлик меҳнат ҳақи тайинлаш;

– юридик ёрдам кўрсатиш муносабати билан адвокат ҳисобига келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан қатъий белгиланган суммадан ёки иш ҳақининг маълум фоизидан ойлик маош белгилаш;

– адвокат ёрдамчисига ойлик маошни қисман адвокатлик тузилмаси жамғармасидан ва қисман адвокатнинг гонорари ҳисобидан белгилаш.

Адвокат ёрдамчисига адвокат томонидан тўланадиган иш ҳақи адвокатнинг иш ҳақидан тегишли солиқ ва мажбурий тўловлар ушлаб қолинмасдан олдин амалга оширилади ва адвокатнинг касбий харажати ҳисобланади.

10. Адвокат ёрдамчисига ишга қабул қилган адвокатлик тузилмаси томонидан белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилди. Меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолатларда гувоҳнома адвокатлик тузилмасига топширилиши шарт.

11. Адвокатлик тузилмасида фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёрдамчи бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча адвокатларнинг ёрдамчиси бўлиши ёхуд адвокат бир вақтда битта ёки ундан ортиқ ёрдамчиларга эга бўлиши мумкин.

12. Меҳнат қонунчилигига биноан адвокат ёрдамчисига ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътили берилиши лозим.

13. Адвокат ёрдамчиси адвокат учун белгиланган ижтимоий ҳуқуқлардан (ижтимоий суғурта бўйича барча нафақа турларини олиш, пенсия таъминоти ва ҳ.к.) фойдаланади. Унинг шу давр мобайнидаги меҳнат фаолияти умумий иш стажига киритилади ва мутахассислиги бўйича ишга қабул қилинаётганида инобатга олинади.

14. Адвокат ёрдамчисига нисбатан қонунчиликда назарда тутилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

15. Адвокат ёрдамчиси билан тузилган меҳнат шартномаси қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:

а) аризасига биноан;

б) муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида қонуний кучга кирган суднинг қарори бўлса;

в) адвокатура обрўйини тўкадиган хатти-ҳаракат содир қилган ҳолатларда;

г) касбий мажбуриятларини бажармаётган ёки лозим даражада бажармаса;

д) малакаси етарли бўлмаса,

е) унга маълум бўлган адвокатлик сирини ошкор қилган тақдирда;

ж) суд чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

з) шартноманинг амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли;

и) адвокатнинг адвокатлик тузилмасидаги аъзолиги тугаганлиги муносабати билан (агар бошқа адвокат билан шартнома имзоланмаган бўлса);

й) саломатлигига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолса.

Адвокат ёрдамчиси билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилигида назарда тутилган бошқа асосларга кўра бекор қилиниши мумкин.

ЎАА Бошқарувининг
2006 йил 25 августдаги
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

МЕҲНАТ КОНТРАКТИ (ШАРТНОМАСИ)
(Адвокат ёрдамчиси билан тузиладиган
меҳнат контракти)

“ _____ ” 2006 йил

Тошкент ш.

Уставига асосан фаолият кўрсатаётган _____

_____ номидан

(адвокатлик тузилмаси ҳайъат, фирма, бюро)

_____ (кейинги

(адвокатлик тузилмаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

ўринларда “Ҳайъат, фирма, бюро” деб юритилади) бир томондан, адвокатлар ҳайъати, фирмаси, бюроси адвокати _____

_____ (кейинги

(адвокатнинг Ф.И.Ш.)

паспорт серия рақами

ўринларда “Адвокат” деб юритилади) иккинчи томондан, _____
яшовчи _____

(адвокат ёрдамчисининг яшаш манзили) (Ф.И.Ш., паспорт серия рақами)

(кейинги ўринларда “Ёрдамчи” деб юритилади) учинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”-ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги, “Адвокат ёрдамчиси тўғрисида”ги Низом ва адвокатлик тузилмасининг (ҳайъат, фирма, бюро) Устави талаблари асосида ушбу меҳнат шартномаси (бундан кейин контракт)ни туздилар.

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур контрактга мувофиқ _____

_____ 2006 йил “ _____ ” _____ дан

(адвокат ёрдамчисининг Ф.И.Ш.)

ёрдамчиси сифатида ишга қабул қилинади.

1.2. Ёрдамчи ўзи бириктирилган адвокат топшириғига асосан адвокатнинг бевосита ўзи амалга ошириши лозим бўлган процессуал ваколатига кирмайдиган вазифаларни бажаришни зиммасига олади. Адвокат ёки (ва) адвокатлик тузилмаси эса меҳнат қонунчилигига биноан ҳар ойда Республикада ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда меҳнат ҳақи тўланишини кафолатлайди.

1.3. Ёрдамчи билан меҳнат контракти _____

_____ муддатга тузилди.

(муддатли, номуайян) кўрсатилиши лозим

1.4. Ёрдамчининг иш вақти соат _____ да бошланиб, соат _____ да тугайди. Тушлик вақти соат _____ дан _____ гача.

1.5. Дам олиш шанба ва якшанба кунлари. Ишдаги зарурият туфайли адвокат ёрдамчиси дам олиш кунлари ҳам ишга жалб қилиниши мумкин.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Адвокатлик тузилмасининг Ёрдамчи олдидаги мажбуриятлари:

- Ёрдамчининг меҳнатини ташкил этади ва меҳнат муҳофазаси хавфсизлик техникаси қоидалари ҳамда ички меъёрий ҳужжатлар билан уни таништиради;

- меҳнатга ҳақ тўланишини таъминлайди;

- хавфсиз ва самарали меҳнат қилиш учун лозим шарт-шароитларни яратади;

- имкониятдан келиб чиқиб лозим ҳолларда Ёрдамчининг касб малакасини оширилишига амалий ёрдам кўрсатади;

- Ёрдамчини касбий, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чораларини кўради.

2.2. Адвокатлик тузилмасининг ҳуқуқи:

- Ёрдамчидан ички меҳнат тартиб қоидаларига, адвокатлик касб одобига риоя қилинишини талаб қилиш;

- томонларнинг розилиги билан Ёрдамчини бошқа куратор адвокатга бириктириш;

- ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилинмаганда меҳнат контрактини муддатидан олдин бекор қилиш.

2.3. Адвокатнинг Ёрдамчи олдидаги мажбуриятлари:

- контрактда белгиланган тартибда ва миқдорда меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлайди;

- берилган топшириқни бажарилиши билан боғлиқ қўшимча харажатларни қоплайди;

- фаолият учун зарур иш қуроллари (ручка, қалам, қоғоз ва анжомлар) билан таъминлаб боради;

- Ёрдамчининг иш фаолиятини ва берилган топшириқни бажарилишини доимо назорат қилиб боради.

2.4. Адвокатнинг ҳуқуқлари:

- исталган пайтда Ёрдамчи меҳнатидан воз кечиш;

- меҳнат қонунчилигида кафолатланган миқдордан кам бўлмаган меъёردа Ёрдамчига тўланадиган меҳнат ҳақи миқдорини ва тўланиш тартибини ўзгартириш.

2.5. Ёрдамчининг мажбуриятлари:

- адвокатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган сирни сақлайди;

- адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ва меъёрий ҳужжатлар, ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда меҳнат контрактни талабларига риоя қилади;

- адвокатнинг қонуний талабларини ва у томондан берилган топшириқларни белгиланган муддатда сифатли бажаради;

-адвокатлик касб-одоби қоидаларига риоя қилади.

2.6. Ёрдамчининг ҳуқуқлари:

- адвокатлик тузилмаси томонидан ташкил этиладиган амалий-ўқув машғулотларида иштирок этиш;

- мажлислар (конференциялар)да маслаҳат овози билан қатнашиш;

- Адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонунларда белгиланган касбий ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш;

- адвокатлик тузилмасида мавжуд компьютер техникаси ва бошқа қурилмалар, шунингдек, ҳуқуқий база маълумотлар, махсус адабиётлардан фойдаланиш;

- ҳуқуқни татбиқ қилиш амалиётини ўрганиш;

- ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда иштирок этиш.

2.7. Ёрдамчининг вазифалари:

- адвокат билан биргаликда суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатларида ва суд мажлисларида қатнашади;

- адвокат топшириқларини бажариш давомида ҳужжатлар йиғади, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотларда иш ҳужжатларини ўрганади, улардан кўчирмалар олади;

- адвокатнинг топшириғига биноан ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва юридик ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлайди ва амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

Ёрдамчи адвокатнинг процессуал ваколатига тааллуқли ишлар билан шуғулланишга ҳақли эмас. Унинг суриштирув, дастлабки тергов, умумий юрисдикция ва хўжалик судларида мустақил равишда ишларни олиб боришга йўл қўйилмайди.

3. Меҳнатга ҳақ тўлаш

3.1. Мазкур шартномада белгиланган вазифани бажарганлиги муносабати билан Ёрдамчига ҳар ойда _____ сўм миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

3.2. Ёрдамчининг меҳнат ҳақи:

-юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат ҳисобига келиб тушган маблағлар ҳисобидан _____ сўм миқдорда белгиланади;

- адвокатлик тузилмаси жамғармаси ҳисобидан _____ сўм, адвокатнинг гонорари ҳисобидан _____ сўм тўланади (ҳақ тўлаш тартиби ва миқдорини ҳар бир адвокатлик тузилмаси ва адвокатнинг ўзи мустақил белгилайди).

Ёрдамчига тўланадиган меҳнат ҳақи адвокат гонораридан тегишли солиқ ва мажбурий тўловлар ушлаб қолинмасдан олдин амалга оширилади ва у адвокатнинг касбий харажатлари ҳисобланади.

3.3. Ёрдамчига меҳнат ҳақи ҳар ойнинг _____ кунидан _____ кунигача ойда бир марта барча адвокат ва техник ходимлар билан бир вақтда берилади.

3.4. Ёрдамчи лозим ҳолларда, байрам ва бошқа тантанали кунлар муносабати билан пул ёки қимматбаҳо совғалар билан ҳам тақдирланиши мумкин.

3.5. Ёрдамчи адвокат учун белгиланган ижтимоий ҳуқуқлардан (ижтимоий суғурта бўйича барча тўлов турлари, пенсия таъминоти ва ҳоказо) фойдаланади.

4. Меҳнат контрактини ўзгартириш, бекор қилиш тартиби ва асослари

4.1. Мазкур меҳнат контрактини ўзгартириш, бекор қилиш томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ амалга оширилади.

4.2. Шартнома қуйидаги ҳолатларда томонлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилинади:

а) Ёрдамчининг аризасига биноан;

б) адвокатни Ёрдамчи хизматидан воз кечиш ҳақидаги аризасига биноан;

в) адвокатнинг адвокатлик тузилмаси аъзолигидан чиқиш (ёки чиқарилиши) муносабати билан (агар бошқа адвокат билан Ёрдамчи ўртасида контракт тузилмаган бўлса);

г) контрактнинг амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан;

д) Ёрдамчига нисбатан суднинг муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсизлиги тўғрисида қонуний кучга кирган қарори бўлса;

е) Ёрдамчига нисбатан суд чиқарган айблов қарори қонуний кучга кирганда;

ж) Ёрдамчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

з) Ёрдамчи саломатлиги туфайли ўзига юклатилган вазифани бажаришга нолойиқ бўлиб қолса.

4.3. Қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлса, интизомий таъсир чораси сифатида Ёрдамчи билан меҳнат шартномаси бир томонлама бекор қилиниши мумкин:

а) адвокатура обрўйини тўкадиган хатти-ҳаракат содир этганда;

б) касбий мажбуриятларни бажармаётган бўлса ёки лозим даражада бажармаса (адвокатнинг билдиргиси асосида).

в) адвокатлик тузилмасида белгиланган ички тартиб қоидаларни мунтазам равишда бузса;

г) меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузса (Ёрдамчининг узрсиз сабаблар билан ишга келмаслиги, ишга спир-

тли ичимлик истеъмом қилган ҳолда келиши, адвокатлик сирини бўлмиш маълумотларни ошкор этиши, мулкни қасддан нобуд қилиши ёхуд унга жиддий шикаст етказиши каби ҳаракатларнинг содир этилиши меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузиш деб баҳоланиши мумкин).

Меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилигида назарда тутилган бошқа асосларга кўра бекор қилиниши мумкин.

5. Яқунловчи қоидалар

5.1. Томонлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, келишмовчиликлар ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади.

5.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилган бўлиб, ҳар бир нусхаси томонларда сақланади.

Томонларнинг юридик манзили:

1. Адвокатлик тузилмасининг номи, манзили, раҳбарнинг Ф.И.Ш. имзо.муҳр.

2. Адвокатнинг Ф.И.Ш., лицензия номери, яшаш манзили, имзо.

3. Адвокат ёрдамчисининг Ф.И.Ш., паспорт маълумотлари, яшаш манзили, имзо.

АДВОКАТЛИК ҲАЙЪАТИНИНГ НАМУНАВИЙ УСТАВИ

1. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига асосан фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади.

1.2. Адвокатлар ҳайъати адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаси (бундан буён адвокатлар ҳайъати деб юритилади) ҳисобланади.

1.3. Адвокатлар ҳайъати фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун ўзида бирлаштирган аъзо адвокатларнинг маънавий, номоддий эҳтиёжларни ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни амалга ошириш учун тузилади.

1.4. Адвокатлар ҳайъати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав асосида олиб боради.

Адвокатлар ҳайъати нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, кўрсатилган юридик ёрдам учун фуқаролардан ва юридик шахслардан адвокатлар номига тушадиган пул маблағларидан умумий вазифаларни бажариш учун ажратилган улушлар ва бадаллар ҳисобига фаолият кўрсатади.

1.6. Адвокатлар ҳайъати амалдаги қонунчиликда Адлия бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб юридик шахс мақомини олади.

1.7. Адвокатлар ҳайъати банк идораларида сўм ва валюта ҳисоб рақамлари очишга ҳақли, ўз номи кўрсатилган думалоқ муҳр ҳамда бурчакли тамғага эга бўлади.

1.8. Адвокатлар ҳайъатининг тўлиқ номи _____

1.9. Адвокатлар ҳайъатининг манзили _____

2. Адвокатлар ҳайъати фаолиятининг мақсад ва вазифалари

Адвокатлар ҳайъати аъзо адвокатлар орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилади.

3. Адвокатлар ҳайъатининг бошқаруви ва назорат органлари

3.1. Адвокатлар ҳайъатининг олий органи – ҳайъат аъзоларининг умумий йиғилиши; вакиллар йиғилиши, унинг бошқарув ижроия органи раёсат; раёсат йиғилиши ўртасида ҳайъат раиси ҳисобланади. Назорат тафтиш органи эса – тафтиш комиссиясидир.

3.2. Адвокатлар ҳайъатининг умумий йиғилиши _____ йилда бир марта чақирилади. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш раёсат ташаббуси билан, шунингдек адвокатлар ҳайъати аъзоларининг камида учдан бир қисмининг ташаббуси билан чақирилади.

3.3 Адвокатлар ҳайъати аъзолари умумий йиғилишининг ваколатлари.

Адвокатлар ҳайъати аъзолари умумий йиғилишининг мутлоқ ваколатига қуйидагилар кирadi:

- ҳайъат Уставини қабул қилади, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритади;

- адвокатлар ҳайъати раисини сайлайди. Ҳайъат раиси бевожита адвокат бўлиб ишлаб келаётган, беш йилдан кам бўлмаган адвокатлик амалиётига эга бўлган ҳайъат аъзолари ичидан беш йиллик муддатга сайланади;

- раёсат ва тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлайди;

- раёсат ҳамда тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади ва тасдиқлайди;

- жамоа шартномасини тасдиқлайди;

- вакиллар йиғилиши, адвокатлар ҳайъати раёсати ва ҳайъат раиси чиқарган қарор, буйруқ ва фармойишлар юзасидан тушган шикоятларни кўриб чиқади;

- ҳайъат фаолиятини тугатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади.

- умумий йиғилиш ваколатига ҳайъат фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар берилиши мумкин.

3.4. Умумий йиғилиш ўз ваколатига кирган масалаларни ҳал қилишда овоз бериш тартибини (очиқ ёки яширин) ўзи белгилайди.

3.5. Умумий йиғилиш ҳайъат аъзоларининг учдан бир қисми ҳозир бўлганда ваколатли бўлади. Йиғилиш қарори овоз беришда қатнашган адвокатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳисобланади.

Умумий йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилади.

3.6. Адвокатлар ҳайъати раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида ариза берганида ёки бу вазифани бажаришга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлганда умумий йиғилиш чақирилгунга қадар вакиллар йиғилишининг қарорига мувофиқ ҳайъат раиси вазифасини бажариш ҳайъат аъзоларидан бирига юклатилади.

3.7. Вакиллар йиғилишининг ваколатлари.

Раёсат ёки тафтиш комиссияси таркибидан уларни бир ёки бир неча аъзолари ваколати тугагунга қадар раёсат ёки тафтиш аъзолиги вазифасидан озод қилиш тўғрисида ариза берганда, адвокатлар ҳайъати аъзолигидан бўшатишда ёхуд чиқарилганда, раёсат ёки тафтиш комиссияси аъзолари ўрнини тўлдириш масаласи, шунингдек раёсат йиғилиши, ҳайъат раиси томонидан қабул қилинган қарор, буйруқ ва фармойишлар юзасидан берилган шикоятларни умумий мажлис чақирмасдан тезкорлик билан кўриш масаласи вакиллар йиғилиши муҳокама-сига киритилиши мумкин.

Вакиллар йиғилишида адвокатлар ҳайъатида мавжуд бўлган юридик маслаҳатхоналардан камида биттадан вакил қатнашади. Вакиллар йиғилиши вакилларнинг тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади. Вакиллар йиғилиши заруратга қараб адвокатлар ҳайъати раиси томонидан чақирилади.

Вакиллар йиғилиши овоз бериш тартибини (очиқ ёки яширин) ўзи белгилайди.

Йиғилиш қарори овоз беришда қатнашган вакилларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳисобланади.

3.8. Адвокатлар ҳайъатининг раёсати ва унинг ваколатлари.

Адвокатлар ҳайъатининг раёсати _____ аъзодан иборат таркибда ___ __йил муддатга сайланади.

Адвокатлар ҳайъатининг раиси бир вақтнинг ўзида раёсат раиси ҳисобланади.

Адвокатлар ҳайъати раёсатининг ваколатига қуйидагилар кирази:

-адвокатлар ҳайъатининг умумий йиғилишини чақириш;

-вилоятдаги шаҳар, туман, аҳоли яшайдиган қўрғон, қўрғонча ва бошқа жойларда юридик маслаҳатхоналар тузиш, уларни тугатиш ва юридик маслаҳатхоналар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

-касаба қўмитаси билан келишиб туриб, адвокатлар ҳайъати ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлаш;

-адвокатлар ҳайъатининг кирим-чиқим сметасини ва маъмурий-техник ходимлар ва юридик маслаҳатхоналар штатларини тасдиқлаш;

-юридик маслаҳатхоналар ва айрим адвокатларни ишларини текшириб туриш;

-ҳайъат аъзолигига қабул қилиш;

-адвокатлар ҳайъати маблағлари ва мол-мулкларини тасаруф қилиш;

-адвокатларни маънавий, ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида таркибий қисмлар, жамғармалар тузиш;

-адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибларини белгилаш;

-ҳар ойда адвокатлар томонидан бажарилиши лозим бўлган молия режаси миқдорини белгилаш;

-маъмурий-хўжалик ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш;

-адвокатлар ишлари сифатини, назорат қилиб бориш;

-касаба қўмитаси билан биргаликда ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш устидан назорат қилиб бориш;

-адвокатларни рағбатлантириш ва уларни жазолаш;

-аъзоликка кириш бадали, адвокатлардан ҳар ойда ҳайъат фондига ушланадиган улуш миқдори режалаштирилган маблағларни ___% дан ошмаслиги шарт);

-адвокатларнинг моддий-маиший шароитларини ҳамда ҳайъатнинг маъмурий-техник ходимлари моддий ва маиший шароитларини яхшилаш юзасидан тадбирлар кўриш;

-белгиланган тартибларда статистик ва молиявий ҳисобот ишларини олиб бориш;

-адвокатлик фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган, адвокатларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга дахлдор бўлган нодавлат ташкилотларга ҳайъатни аъзо бўлиб кириши масаласини ҳал қилиш;

3.9. Раёсат йиғилиши заруратга қараб чақиради.

Раёсат кўрилган масалалар юзасидан баённома шаклидаги қарор қабул қилади. Раёсат қарорларини бажариш юзасидан ҳайъат раиси буйруқлар чиқариши мумкин.

3.10. Раёсат йиғилиши раёсат аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлган тақдирда ўтказилади. Қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиб қолганда ҳайъат раиси (раёсат мажлисида раислик қилувчи)нинг овози ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

3.11. Адвокатлар ҳайъати раисининг ваколатлари қуйидагилар:

- адвокатлар ҳайъатининг мажлисларини чақиради ва бу мажлисларда раислик қилади;

- вакиллар йиғилишини чақиради ва йиғилишга масалалар киритади;

- адвокатлар ҳайъати раёсати ишини уюштиради ва режалаштиради ҳамда раёсат мажлисларида кўриб чиқиш учун масалалар тайёрлайди;

- раёсат аъзолари ичидан ўз ўринбосари (ўринбосарлари)ни тайинлайди ва уларни бу вазифадан озод қилади;

- юридик маслаҳатхона мудирларини тайинлайди ва уларни бу вазифадан озод қилади;

- Уставнинг 9.1 бандида кўрсатилган ҳолларда аъзоликдан бўшатади;

- ушбу Уставнинг 9.2 бандига асосан адвокатлар ҳайъати аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги масалаларни раёсат мажлисида кўриб чиқиш учун тайёрлайди ва раёсатга ҳавола этади;

- адвокатларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан тушган шикоят ва бошқа ҳужжатларни текшириб чиқишни уюштиради, текшириш натижасига қараб адвокатни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилади, адвокатга берилган лицензияни тўхтатиш ёки бекор қилиш масаласида тегишли малака комиссиясига тақдимномалар киритади;

- тасдиқланган смета доирасида ажратилган маблағларни тақсимланиши юзасидан фармойиш беради;

- адвокатларни бир юридик маслаҳатхонадан иккинчи юридик маслаҳатхонага ўтказди;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан иш ҳақи миқдори оширилганда масалани раёсат муҳокамасига киритмай, оширилган фоизлар доирасида кирим-чиқим сметасига ва штат жадвалига ўзгартиришлар киритиб, уларни раёсат мажлиси тадиғига киритади;

- фуқаролар ва юридик шахслар билан битимлар тузади;

- давлат ва бошқа ташкилотларда адвокатлар ҳайъати номидан вакиллик қилади;

- адвокатлар ҳайъати номидан ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва фуқаролар билан ёзишмалар олиб боради;

- адвокатларни рағбатлантириш ва уларга интизомий таъсир чораларини қўллаш масаласини раёсат мажлисига олиб чиқади;

- адвокатларни рағбатлантириш тўғрисида тегишли органларга тақдимномалар киритади;

- фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш масаласини ҳал қилади;

- давлат ҳисобидан тўланадиган ҳақни тегишли молия идораларидан ундириш масаласини амалга оширади;

- адвокат аризасига асосан адвокат ёрдамчиси ва штатсиз ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

- маъмурий-техник ходимларни, адвокатлар ёрдамчиларини, штатсиз ходимларни рағбатлантиради ва интизомий таъсир чораларини қўллайди;

- адвокатлар ҳайъати девонхонаси ишига раҳбарлик қилади, уни ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

- адвокатлар ҳайъати фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади.

Ҳайъат раиси ўз ваколатига кирган масалаларни ҳал этилишини ўз ўринбосарига ёки раёсат аъзоларидан бирига юклашга ҳақли.

Адвокатлар ҳайъати раиси ўз вазифаларини бажариш жараёнида буйруқ, фармойиш ва қарорлар қабул қилади.

3.12. Тафтиш комиссияси адвокатлар ҳайъати аъзоларининг умумий йиғилишида ____ аъзодан иборат таркибда ____ йил муддатга сайланади.

Адвокатлар ҳайъатининг тафтиш комиссияси ўз орасидан тафтиш комиссиясининг раисини ва раис ўринбосарини сайлайди.

Тафтиш комиссияси адвокатлар ҳайъати ва юридик маслаҳатхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади.

4. Адвокатлар ҳайъатига аъзолик, аъзоларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

4.1. Адвокатлар ҳайъати аъзолигига белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

4.2. Адвокатлар ҳайъатига қабул қилиш тартиби унинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланади. Адвокатлар ҳайъати аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги аризалар адвокатлар ҳайъати девонхонасига топширилади, улар одатда, кўпи билан бир ой муддат ичида кўриб чиқилади.

4.3. Адвокатлар ҳайъати аъзолигига кирувчи раёсат томонидан белгиланган кириш бадалини, аъзо сифатида фаолият кўрсатиш даврида эса молиявий режага мувофиқлаштириб белгиланган ойлик бадалларни (улушларни) ҳайъат ҳисобхонаси орқали ҳайъат фондига тўлаши мумкин.

4.4. Адвокатлар ҳайъатининг аъзоси қуйидагиларга ҳақли:

- адвокатлар ҳайъати органларини сайлаш ва бу органларга сайланиш;

- ҳайъат фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан таклифлар киритиш ва мазкур масалаларни муҳокама этишда қатнашиш;

- ҳайъат органлари унинг фаолияти ёки ҳулқ-атворини муҳокама этаётган ҳамма ҳолларда шахсан иштирок этиш;

- ўз ҳисобига тушган маблағлар ҳисобидан ёрдамчи, штатдан ташқари

техник ходимлар олиш;

- адвокатлар ҳайъати таркибидан чиқиш.

4.5. Адвокатлар ҳайъатининг аъзоси ушбу Устав талаблари, адвокат қасамёди ва адвокатлик одоби қоидаларига риоя қилиши шарт.

5. Юридик маслаҳатхоналар

5.1. Юридик ёрдам жойларда адвокатлар ҳайъати томонидан ташкил этиладиган юридик маслаҳатхоналар орқали амалга оширилади.

Юридик маслаҳатхоналар адвокатлар ҳайъатининг таркибий қисми ҳисобланади.

5.2. Юридик маслаҳатхоналарга ҳайъат раиси томонидан тайинланадиган мудир раҳбарлик қилади.

5.3. Юридик маслаҳатхоналарни ташкил қилиш, уларни жойланиш ўрнини ва унда ишлайдиган адвокатлар сонини ҳайъат раёсати белгилайди.

Юридик маслаҳатхона фаолияти ва маслаҳатхона мудирини ҳуқуқ ва бурчлари юридик маслаҳатхона тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

6. Адвокатлар ҳайъатининг мол-мулки ва маблағлари

6.1. Адвокатлар ҳайъатининг маблағлари аъзоликка кириш бадалларидан, умумий вазифаларни ҳал этиш учун ажратилиб бирлаштирилган ажратмалар – бадаллардан ва аниқ мақсадларга қаратилган бошқа молиявий маблағлардан ташкил топади.

6.2. Адвокатлар ҳайъат фондига ажратиладиган хар ойлик улушлар – бадаллар ва кириш бадали миқдори адвокатлар ҳайъати раёсати томонидан белгиланади.

6.3. Ҳайъат фонди маблағлари ҳисобидан олинган – транспорт воситалари, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бошқа ашёлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар адвокатлар ҳайъатининг мол-мулки ҳисобланади.

6.4. Адвокатлар ҳайъатининг штатлари мансаб маошлари ва маъмурий-хўжалик харажатларининг сметаси молия органлари рўйхатидан ўтказилмайди. Адвокатлар ҳайъатининг иш ҳақи фонди банклар томонидан назорат қилинмайди;

6.5. Адвокатлар ҳайъатлари маъмурий-хўжалик харажатлар сметаси доирасида нақд пулдан фойдаланиши мумкин.

Адвокатлар ҳайъати Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва маҳаллий ҳокимият идораларининг қарорлари ва фармойишлари билан белгиланган имтиёزلардан фойдаланади.

7. Адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш

7.1. Юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш адвокат билан мижоз ўртасида ихтиёрий равишда тузилган битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

7.2. Адвокат номига тушган маблағлар адвокатлар ҳайъатининг банкдаги ҳисоб рақамида марказлашган ҳолда жамланади.

7.3. Адвокатлар ҳар ойда бажарилган, тугалланган ишлар юзасидан ҳайъат маъмуриятига ҳисоб-рўйхат беради.

7.4. Адвокатлар ҳайъати ҳисобхонаси умумий вазифаларни бажариш учун белгиланган миқдордаги маблағни ҳайъат фондига ушлаб қолади.

7.5. Бу маблағлар умумий вазифаларни ҳал этиш учун ҳайъат фонди сифатида жамланиб, адвокатлар ҳайъати бошқарув-ижроия органи раёсат томонидан тасдиқланган сметага асосан маъмурий-бошқарув ва техник ҳодимлар иш ҳақи, шунингдек маъмурий-хўжалик харажатлари учун сарфланади. Тугалланган ишлар (маблағлар)ни қолган қисми адвокатга меҳнат ҳақи сифатида ҳисобланади.

7.6. Адвокатлар номига тушган, лекин тугалланмаган ишлар (маблағлар)дан ҳайъат фондига ажратмалар, бадаллар ушланмайди.

7.7. Шахс тўловга қобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан озод этилганда, жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун ҳақ қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

7.8. Давлат ҳисобидан тўланган маблағлардан ҳам ҳайъат фондига ажратмалар ушбу модда талаблари асосида амалга оширилади.

8. Адвокатларни рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги

8.1. Ўз вазифаларини намунали бажарганликлари узоқ йиллар давомида ҳалол ишлаб келганликлари ҳамда фаол ижтимоий фаолияти учун адвокатлар адвокатлар ҳайъати раёсатининг қарорига, шунингдек ҳайъат раисининг буйруғига биноан рағбатлантирилишлари мумкин.

8.2. Рағбатлантириш чоралари қуйидагилардан иборат:

- миннатдорчилик билдириш;
- пул мукофоти бериш;
- қимматли совға топшириш;
- фахрий Ёрлиқ билан мукофотлаш.

8.3. Адвокатларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа рағбатлантириш чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

8.4. Адвокатлар ҳайъати раиси ёки раёсат йиғилиши ноҳўя интизомий хатти-ҳаракатларни содир этган ҳайъат аъзосига нисбатан қуйидаги интизомий жазоларни қўллаши мумкин:

- ҳайфсан эълон қилиш;
- ўртача иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима белгилаш;
- адвокатлар ҳайъати аъзолигидан чиқариш.

Адвокатлар ҳайъати аъзолигидан чиқариш масаласи раёсат йиғилишида кўриб чиқилади.

8.5. Адвокатлар ҳайъати аъзоларининг ўз касб вазифаларини бажариш, шунингдек меҳнат қонунларига риоя қилиш билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлари хусусида тушган шикоят ва аризалар юридик маслаҳатхона мудирини, адвокатлар ҳайъатининг раёсати ёки ҳайъат раиси томонидан кўриб чиқилади.

8.6. Ҳайъат аъзосининг содир қилган хатти-ҳаракатида уни интизомий жавобгарликка тортиш учун асослар бўлган тақдирда, адвокатлар ҳайъати раиси интизомий иш қўзғаб, шикоят ёки ариза юзасидан тўпланган ҳужжатларга асосан интизомий жазо қўллайди ёки тўпланган ҳужжатларни ҳайъат аъзосига интизомий чора кўриш учун раёсат йиғилишига киритади ёхуд тегишли малака комиссиясига юборади.

8.7. Интизомий жазо қўлланилишидан аввал адвокатдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Адвокатнинг тушунтириш хатини беришдан бош тортиши содир қилган ноҳўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

8.8. Раёсат ёки тафтиш комиссияси аъзосига нисбатан интизомий чора кўриш умумий асосларда амалга оширилади.

8.9. Адвокатлар ҳайъати раиси ёки раёсат йиғилишининг интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги буйруқ ёки қарори устидан

буйруқ ёки қарор олинган пайдан бошлаб бир ой муддат ичида умумий мажлис (вакиллар йиғилиши)га ёхуд судга шикоят қилиниши мумкин.

8.10. Адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссияси Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунлар талабларини ва адвокатлик фаолиятини тартибга солиб турувчи бошқа қонун ҳужжатларни бузганлик учун ҳайъат аъзоси адвокатга нисбатан қуйидаги интизомий чораларни қўллаши мумкин:

- огоҳлантириш;
- адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш;
- адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор қилиш.

8.11. Лицензияни амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан ушбу қарор олинган пайдан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги олий малака Комиссиясига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

9. Адвокатлар ҳайъатида аъзоликни тугатилиши

9.1. Адвокатнинг адвокатлар ҳайъатидаги аъзолиги адвокатлар ҳайъатидан бўшатирилганлиги ёки чиқарилганлиги муносабати билан тугалиши мумкин.

9.2. Адвокатлар ҳайъати аъзолигидан бўшатиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- адвокатнинг аризасига биноан;
- бетоблиги сабаб адвокат ўз вазифасини ижро этиши мумкин эмас деб топилган ҳолда;
- адвокатга берилган лицензия тўхтатилганда ёки бекор қилинганда.

9.3. Адвокатни ҳайъат аъзолигидан чиқариш:

- адвокат ички меҳнат тартиби қоидаларини мунтазам равишда бузиб келган ёки ўз вазифаларини виждонан бажармаган тақдирда, агар илгари адвокатга интизомий чора ёки жамоат таъсири кўрсатиш чоралари қўлланилган бўлса;

- адвокатлар ҳайъатида қолиши мумкин бўлмаган бошқа хатти-ҳаракатлар содир этган тақдирда;

- сабабсиз кетма-кет уч ой давомида ёки йил давомида олти ой адвокатлар ҳайъатида фаолият кўрсатмай белгиланган ойлик бадалларини тўламаганда;

- даромадни яширган (суд ва тергов кунини учун белгиланган пулни мижоздан олганда ёки олиб ҳисобдан яширганда ёхуд ишда қатнашиб давлат ҳисобидан пул ундириш масаласини қўймаган)да;

- адвокатлар қасамёдини бузган ҳолда амалга оширилади.

9.6. Адвокат ҳайъат аъзоларидан бўшатишда ёки чиқарилганда ҳайъат фондига ушланган ажратмалар ва кириш бадалини унга қайтарилмайди.

10. Адвокатлар ҳайъатининг тугатилиши

Адвокатлар ҳайъати қуйидаги ҳолларда:

- ҳайъат аъзоларининг қарорига асосан;

- суднинг қарорига асосан ҳайъат шу мақсад ва вазифаларни бажараётган бошқа ташкилотга қўшилганда;

- адвокатура органларини тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинганда тугатилиши мумкин.

Адвокатлар ҳайъати бошқа ташкилотга қўшилганда унга тегишли маблағлар ва мол-мулклар ҳайъат қўшилган ёки уни ворислигини қабул қилган ташкилотга ўтади. Ҳайъат тугатилганда эса мол-мулк ва маблағлар Уставда назарда тутилган мақсадларда ишлатилади.

АДВОКАТЛИК ФИРМАСИНИНГ НАМУНАВИЙ УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1.1 Адвокатлар фирмаси белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган таъсисчи (шерик)лар томонидан ташкил этиладиган аъзоликка асосланган нодавлат, нотижорат ташкилотдир.

1.2 Адвокатлик фирмаси ўз аъзоларини “Адвокатлар касб этикаси Қоидалари”га риоя қилган ҳолда, дастлабки тергов, суд, давлат ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш уларга малакали юридик ёрдам кўрсатишни амалга оширилишини ташкил қилиш, бутун республика миқёсида юридик ёрдамни ҳар бир фуқарога очиқлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

1.3 Адвокатлик фирмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги, «Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига ва мазкур Уставга асосан амалга оширади.

1.4 Адвокатлик фирмаси ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўймайди ва унинг маблағлари аъзолари ўртасида тақсимланмайди.

1.5. Адвокатлик фирмаси номуайян муддатга ташкил этилади.

1.6. Адвокатлик фирмасининг тўлиқ номи: _____ адвокатлик фирмаси.

1.7. Адвокатлик фирмасининг манзили: _____.

II. Адвокатлик фирмасининг ҳуқуқий мақоми

